


004  
1998



Б.Б. МҮМИНОВ, К.Б. МУХАМАДИЕВА

# СУНЪИЙ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ ТАСНИФИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**Б.Б. МЎМИНОВ, К.Б.МУҲАМАДИЕВА**

**СУНЬИЙ НЕЙРОН  
ТАРМОҚЛАРИ  
ТАСНИФИ**

**(Монография)**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК: 523.24

КБК: 22.652.8

М 267

Мўминов Б. Б., Мухамадиева К.Б. Сунъий нейрон тармоқлари таснифи. –энциклопедия - монография. –Т.: «Aloqachi», 2020. -228 б.

ISBN 978-9943-6396-6-9

Мазкур монографияда сунъий нейрон тармоқлари асосида маълумотларга ишлов бериш йўналишида иш олиб бораётган изланувчилар учун сунъий нейрон тармоқлари борасида тушунча ҳосил килиш, улар кўриниши билан танишиш, ишлаш тамойиллари, уларнинг имкониятлари, кўллаш соҳаси бўйича тушунарли ва ихчам тилда маълумот олишлари мумкин. Шунингдек, сунъий нейрон тармоқларининг моделлари, усуллари ва алгоритмлари, кўллаш услублари келтирилган.


УЎК: 523.24

КБК: 22.652.8

### Тақризчилар:

- Н.А.Маматов** – ТАТУ кошида АКТ Илмий-Инновацион Маркази, етакчи илмий ходим, т. ф. д.;
- Н.О.Рахимов** – Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тизимли ва амалий дастурлаш кафедраси мудири, т. ф. д.

*Монография Тошкент ахборот технологиялар университети  
Илмий техник кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилди.*



© « Aloqachi » нашриёти, 2020.

# **І БОБ. СУНЬИЙ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи**

Инсон онгига ўхшаш фикрлаш қобилиятига эга сунъий онгни яратиш борасидаги ғоя анча йиллар олдин пайдо бўлган эди. 1235-1315 йилларда Р.Луллий XIV асрларда турли масалаларни мулоҳазалар асосида ечадиган машинани яратишга ҳаракат қилди.

XVIII асрларда *Г.Лейбниц* (1646 - 1716) ва *Р.Декарт* (1596- 1650) бир – биридан холис ҳолда универсал тилни ишлаб чиқиш ғоясини олға сурди. Ушбу ғоялар сунъий интеллектнинг назарий асоси бўлиб қолди.

Сунъий интеллектни яратиш йўналиши биринчи ЭҲМ лар яратилгандан сўнг, XX асрнинг 40- йилларида кучайиб кетди. Шу вақтнинг ўзида *И.Винер* (1894- 1964) янги йўналиш фани – кибернетика бўйича ўзининг тадқиқотларини олиб борди.

Сунъий интеллект тушунчаси (artificial intelligence) 1956-йил Станфорд университети (АҚШ) семинарида биринчи марта эълон қилинди. Ушбу семинар ҳисоблаш ишларига эмас балки, мантикий ишланмаларга йўналтирилган эди. Сунъий интеллект янги фан йўналиши сифатида тан олингандан кейин у асосий иккита йўналишга ажратилди: нейро кибернетика ва «қора яшик» кибернетикаси. Фақат ҳозирга келиб улар битта ягона йўналиш сифатида бирлаштирилди.

**Нейрокибернетика** асосий ғоясини қуйидагича ифодалаш мумкин. Фикрлаш қобилиятига ягона объект – бу инсон онгидир, шунинг учун барча «фикрлаш» имкониятига эга қурилма айнан онг фаолиятини такрорлаши лозимдир.

Демак, нейрокибернетика инсон мияси структурасига ўхшаш модел структурасининг аппарат кўринишга йўналтирилган. Физиологлар томонидан шу нарса аниқлаштирилганки, инсон мияси асосини ўзаро боғланган нерв ҳужайралари – нейронлар ташкил қиласи. Шунинг учун нейрокибернетиклар иши нейронларга мос бўлган элементларни яратиш ва уларни ягона тизимга бирлаштиришга

йўналтирилган. Бундай тизимлар **нейрон тармоқлар** ёки **нейротармоқлар** деб ном олган.

Энг биринчи нейротармоқлар 50-йиллар охирида америкалик олимлар *Г.Розенблат* ва *П.Мак-Кигюк* томонидан ишлаб чиқилган. Бу инсон кўзи модели ва унинг инсон мияси билан ҳамкорликда ишлашини таъминловчи тизимни яратишга ҳаракат эди. Улар яратган қурилма **перцептрон** деган номни олди. У алифбе ҳарфларни фарқлаш қобилиятига эга бўлиб, бироқ улар ёзилишига таъсир қиласади. Масалан, *A*, *A* ва *A* ҳарфлар ёзилиши учта турли белги сифатида қабул қилинар эди. 70-80 йилларга келиб, сунъий интеллект йўналиши бўйича изланишлар сони камайиб борди. Энг биринчи натижалар самарасиз бўлиб чиқди, муаллифлар фикрича ўша давр учун компьютерлар хотира ҳажми ва иш кучи тезлиги етарлича бўлмаганлиги сабаб бўлди.

Бироқ, 80-йиллар ўрталарида Японияда янги авлод компьютерларини ишлаб чиқариш соҳасида билимлари асосида ишловчи нейрокомпьютерлари ишлаб чиқилди. Ўша даврда хотира ҳажми ва тезкорлик кўрсаткичларидаги чекланмалар йўқолиб, **транспьютерлар** -пайдо бўлди, катта ҳажмдаги процессорларга эга параллел компьютерлар ва транспьютерлардан **нейрокомпьютерлар** - инсон мияси структураси моделини яратишга бир қадам қолган эди. Нейрокомпьютерларни қўллашнинг асосий соҳаси - бу образларни аниклашда қўллаш хисобланди.

Хозирги кунда нейротармоқларни яратишнинг учта йўналиши қўлланилмоқда:

*аппарат* – маҳсус компьютерларнинг, кенгайтма платалари, микросхемалар тўплами яратилиши бўлиб, улар қўйилган алгоритм бўйича ишлашга йўналтирилади;

*дастурний* - юқори тезкорликка эга компьютерлар учун дастурлар ва инструментларни яратиш. Нейротармоқлар компьютер хотирасида яратилади, барча амалларни эса уларнинг процессорлари амалга оширади;

*гибрид* – икки қисмни мувофиқлашуви. Ҳисоблашларнинг бир қисмини махсус кенгайтирилган платалар амалга оширса, (сопроцессорлар), қолган қисмини – дастурий воситалар.

**«Қора ящик» кибернетикаси** асосида нейрокибернетика асосига қарама-қарши бўлган принцип ётади. Бунда «фикрловчи» қурилма қандай жойлашганлигига аҳамиятсиз ҳолда, асосий инсон ақли каби берилганларни тўғри қайта ишлаши муҳим ҳисобланади.

Сунъий интеллектнинг ушбу йўналиши мавжуд компьютер моделларида интеллектуал масалаларни ечиш алгоритмларини излаб топишга йўналтирилган. 1956 -1963 йилларда инсон фикрлаш қобилиятининг моделлари ва алгоритмларини аниклаш ва биринчи дастурларни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилган. Бироқ, мавжуд фанлардан бирортаси- фалсафа, психология, лингвистика – айнан алгоритмни таклиф эта олмайди. Турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган.

50-йиллар охирида лабиринтли излаш модели яратилди. Бу йўналишда масалани маълум бир график кўринишда келтирилиб, ҳолатлар муҳитини ифодалаб, ушбу графика асосида кирувчи берилганлар ва олинадиган натижаларгача бўлган йўлларнинг оптималини излаб топиш имконини беради. Ушбу модельни ишлаб чиқиш бўйича анча ишлар олиб борилган, бироқ амалий масалаларни ечишда бу усул ўз аксини топмади.

60 –йиллар бошида – **эвристик дастурлаш даври** бўлиб, **эвристика** – назарий жиҳатдан асосланмаган қонуният, бироқ излаш кенг муҳитида ҳолатлар сонини қисқартириш имконини беради. Эвристик дастурлаш – олдиндан берилган эвристика асосида стратегик амалларни ишлаб чиқиш деган маънони англатади.

1963- 1970 йилларда масалаларни ечишда математик мантиқ усулларини қўллаш ишлари бошланди. Қонуниятлардан фойдаланиш усули, яъни мавжуд аксиомалар негизида теоремаларнинг исботланиши асосида 1973 йил **Пролог** дастурлаш тили яратилди.

Сунъий интеллект амалий дастурлаш соҳасида 70 йиллар ўртасида аҳамиятли ўзгариш юз берди, бунда фикрлаш универсал алгоритмини

излаш ўрнига мутахассис-экспертлар аниқ билимларини моделлаштириш ғояси пайдо бўлди. АКШда билимларга таянган ҳолда ишловчи тижорат тизимлари ёки бошқача қилиб айтганда, *эксперт тизимлар* яратилди. Сунъий интеллект масалаларини ечишнинг янги ёндашуви – *билимларни ифодалаши* усули кириб келди. Тиббиёт ва кимё йўналишлари учун классик бўлиб қолган эксперт тизимлари - MYCIN ва DENDRAL яратилди. Интеллектуал технологиялар ривожлантиришнинг бир неча глобал лойихалари таклиф қилинган - ESPRIT (Европа Иттифоки). DARPA (АКШ мудофаа вазирлиги), V авлод машиналари бўйича япон лойихаси ҳисобланади.

80-йиллар ўртасидан бошлаб сунъий интеллект тижорат лойихаларда қўлланила бошланди. Йиллар давомида эксперт тизимлари ишлаб чиқаришга катта ҳажмдаги маблағ ажратилиб, ўрганиш қобилиятига эга сунъий интеллект тизимлари изланишлар олиб борилмоқда ва ишлаб чиқилмокда.

## **1.2.Сунъий интеллект ривожланиш босқичлари**

### **1-босқич (50–йиллар) (Нейрон ва нейрон тармоқлар)**

Бу давр кетма-кет амалларни бажарувчи ҳозирги вақт учун ўртacha қувватга ва маълум бир ресурсли хотира, тезкорликка, масалалар ечимиға эга бўлган машиналар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ушбу масалалар фақат ҳисоблаш амаллари билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун масала ечими схемаси маълум бир расмий дастурлаш тилида изоҳланган. Бундай масалаларга адаптация масалалари киради.

### **2-босқич (60- йиллар)( Эвристик изланиш)**

Машина «интеллект» қисмига маълумотларни излаш, саралаш, оддий усулларда умумлаштириш механизмлари қўшилиб, унда қайта ишланадиган маълумотлар моҳият жиҳатдан боғлиқсизdir. Айнан шу давр инсон фаолиятини автоматизациялаш масалаларини ҳал қилиш ва ривожлантириш учун туртки нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

### **3-босқич (70- йиллар)( Билимларни ифодалаш)**

Бу даврда олимлар учун айнан масалалар ечими янги алгоритмларини синтез қилиш учун билимлар (уларнинг ҳажми ва моҳияти) муҳимлиги аниқланди. Ушбу билимлар математик нуқтаи назардан изоҳга эга бўлмасдан, тўпланган тажриба асосида олинган билимнинг расмий хусусиятига эга бўлмасдан, фақат изоҳлар тўплами сифатида шаклланган билимлар инобатга олинмоқда. Бу билимлар турли соҳа мутахассислари, шифокор, химиклар, тадқиқотчилар ва бошқалар эришган ютуқлар, билимлар тўпламидир. Ушбу билимлар эксперт билимлар деб ном олган бўлиб, улар асосида ишловчи тизимлар консультант (маслаҳатчи) ёки эксперт тизимлар деб номланди.

### **4-босқич (80- йиллар)( билим олувчи машиналар)**

СИ ривожланишининг тўртинчи босқичи илғор қадам билан олға сурилишга туртки бўлди. Эксперт тизимлар пайдо бўлганидан бошлаб, интеллектуал технологиялар ривожланишининг янги босқичи – интеллектуал тизимлар-консультантлар эраси бошланди, бунга қўйилган масала ечим йўлларини кўрсатиб, уларни асослаб беради, ўрганиш ва билим соҳасини кенгайтириш имкониятига эга, инсон билан чекланган табиий тилда мулоқот қилиш имконига эга тизимлардир.

### **5-босқич (90- йиллар) (маълумотларни қайта ишлашнинг автоматизациялашган марказлари)**

Алоқа тизимларининг ва улар ёрдамида бажариладиган масалаларнинг мураккаблашуви дастурий таъминотнинг «интеллектуаллигини» оширувчи даражага ўтишни тақозо этди, бунда тизимдан четдан туриб ҳуқуқсиз фойдаланишдан ҳимоялаш, ахборот ресурсларини ҳимоялаш, таҳдидларни олдини олиш, таҳлил ўтказиш ва керакли маълумотни излаш ва ҳ.к. ишларни таъминлаши керак.

Химоя тизимларини яратишнинг янги кўриниши бу интеллектуал тизимларни қўллаш бўлиб қолди. Айнан улар асосида осон ўзгартириш мумкин бўлган муҳитни яратиш ва керакли масалалар ечимини таъминлаш мумкин.

### **6-bosqich (2000- йиллар)( Робототехника)**

Роботларни қўллаш соҳаси жуда кенг бўлиб, оддий атрофни тозаловчи роботлардан бошлаб, то замонавий ҳарбий ва космик техника кўринишларга эга бўлган. Моделлар навигация тизимлари ва периферияли датчиклар ўрнатилган.

### **7-bosqich ( 2008-йиллар)( Сингулярлик)**

Сунъий интеллект ва роботларни яратувчи сунъий интеллектларнинг яратилиши, инсонларнинг ҳисоблаш машиналари билан интеграцияланиши, инсон ақлий фаолиятининг биотехнология ҳисобидан юқори кўрсаткичга оширилиши шу босқич ютуқлари ҳисобланади.

Олимлар башорат қилишларича технологик сингулярлик 2030 йилларда етиши мумкин, технологик сингулярлик назариясини қўллаб қувватловчи мутахассисларнинг фикрича инсон онгидан фарқли ўлароқ онг яратилса, цивилизациянинг келажагини инсон ҳаракати белгиламай қолади.

### **1.3.Сунъий интеллект ривожланиш йўналишлари**

Сунъий интеллект – бу информатиканинг бир қисми бўлиб, асосий моҳияти аппарат дастурий воситаларни ишлаб чиқишига йўналтирилган ва дастурчи бўлмаган фойдаланувчига масалани қўйиш ва уни ечиш имконини беради. Бунда интеллектуал масалаларни белгиланган тилда ЭҲМ ёрдамида ҳал қилиниши тушунилади.

### **1.3.1. Билимларга асосланган тизимларни ишлаб чиқиш ва уларни ифодалаш**

Бу сунъий интеллектнинг асосий йўналиши бўлиб, билимларни ифодалаш моделини, маълумотлар базасини яратиш ва улар асосида эксперт тизим ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Охирги йилларда билимларни структуралаш, ажратиб олиш модели ва усуллари ишлаб чиқилмоқда ва улар билимларни структурали қайта ишлашга олиб келмоқда.

### **1.3.2. Ўйин ва ижод**

Сунъий интеллект одатий тусда интеллектуал ўйин масалаларни - шахмат, шашка ва бошқаларни ўз ичига олади. Унинг асосида бошлангич йўналишдаги ёндашув – яъни лабиринт модель ва эвристика ётади. Ҳозирда бу ёндашув тижорат йўналиш, чунки илмий жиҳатдан бу ёндашув самараисиз ҳисобланади.

### **1.3.3. Табиий тилда ва машинали таржима тизимни ишлаб чиқиш**

50-йилларда сунъий интеллект тадқиқот йўналишларидан бири машинали таржима соҳаси бўлиб келди. Энг биринчи таржимон дастур – инглиз тилидан рус тилига таржима қилувчи бўлиб, ғоя бўйича сўзма-сўз таржима ва у самараисиз ҳисобланди. Ҳозирги замонда мураккаброқ модель қўлланилмоқда, бунда табиий тиллардаги маълумотлар анализ ва синтез асосида таржима қилинади. Таҳлил жараёнида қўйидагилар амалга оширилади:

***Морфологик анализ*** – матнда сўзларнинг анализи;

***Синтаксик анализ*** – гапларнинг грамматикаси ва сўзлар ўртасидаги боғланиш анализи;

***Семантик анализ*** – ҳар бир гапни моҳиятга- йўналтирилган билимлар базасига асосланган ҳолда маъносини таҳлил қилиш;

***Прагматик анализ*** – хусусий билимлар базасига асосланган ҳолда гаплар маъносини контекстли анализ қилиш ҳисобланса, синтез эса худди шу амалларнинг ўзгача кетма-кетликда бажарилиши ҳисобланади.

#### **1.3.4. Тасвирларнинг аниқланиши**

Сунъий интеллектнинг кенг тарқалган йўналиши бўлиб, тарихий асосни ҳосил қиласди. Бунда ҳар бир объектга хоссалар матрицаси белгиланиб, у асосида образни аниқлаш ишлари олиб борилади. Ушбу йўналиш машинали ўрганишга жуда яқин бўлиб нейрокибернетика билан яқин боғланган.

#### **1.3.5. Компьютернинг янги архитектураси**

Айнан шу йўналиш янги аппарат архитектураларни ишлаб чиқиш ва ундан мантикий ва символли маълумотларни қайта ишлашга йўналтирилган. Пролог- ва Лисп-машиналарни, V ва VI авлод компьютерлар яратилади. Сўнгги компьютерлар асосан маълумотлар базаси ва параллел компьютерларини ишлаб чиқишига йўналтирилган.

#### **1.3.6. Интеллектуал роботлар**

*Роботлар* – бу электромеханик машиналар бўлиб, инсон меҳнатини автоматизациялаш учун мўлжалланган.

Роботларни яратиш ғояси азалдан келиб чиқсан бўлиб, иборанинг ўзи 20-йилларда пайдо бўлган, унинг муаллифи – чех ёзувчisi Карел Чапек. Ўша даврдан бошлаб бир неча робот авлодлари яратилди.

*Қаттиқ схемали бошқарувга эга роботлар.* Замонавий ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиб келинаётган роботлар биринчи авлод роботлари ҳисобланади, улар дастурланадиган манипуляторлардир.

*Сенсорли қурилмага эга адаптив роботлар.* Уларнинг намунавий кўриниши мавжуд, бироқ ишлаб чиқаришда қўлланилмайди.

*Ўз-ўзини бошқарадиган ёки интеллектли роботлар.* Бу робототехниканинг сўнгги ҳолати бўлиб, унда асосий муаммо – бу машина ахборот қабул қилиш («кўриш») қобилиятини ҳосил қилиш ҳисобланади

#### **1.3.7. Махсус дастурний таъминот**


Ушбу йўналиш учун махсус дастурлаш тиллари ишлаб чиқилган бўлиб, айнан ҳисоблаш қонуниятларига бўйсунмайдиган масалаларни ечишига йўналтирилган. Ушбу тиллар маълумотларни символли қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, уларга - LISP, PROLOG, SMALLTALK, РЕФАЛ ва бошқалар киради. Шу билан бирга амалий

дастурлар пакети ишлаб чиқилмокда, улар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган интеллектуал тизимларни ёки сунъий интеллект дастурий инструменти учун амалий дастурлар пакети ишлаб чиқилмокда, масалан, KEE, ARTS. Энг кенг тарқалган кўриниши бу бўш эксперт тизим ёки «қобик»лар бўлиб, масалан, BXSYS, M1 ва бошқалар, улар таркибини билимлар базаси билан тўлдириб, турли кўринишдаги тизимларни яратиши мумкин.

#### 1.3.8. Ўрганувчи ва мустақил ўрганувчи

Сунъий интеллект фаол ривожланаётган соҳа бўлиб, маълумотларни таҳлил қилган ҳолда билимларни автоматик тўплаб бориш ва умумлаштиришга йўналтирилган модуллар, усуллар ва алгоритмлар киради. Келтирилган мисоллар асосида ўрганиб бориш ва киритилаётган образларни таҳлил қилган ҳолда аниқлаш усулларини ўз ичига олади.

### 1.4. Сунъий нейрон тармоғи



1-расм. Содда нейротармоқ схемаси

Сунъий нейрон тармоқ (СНТ) – дастурий ва аппарат кўринишга келтириладиган математик модель бўлиб, биологик нейронлар тармоғи ишлаш принципи асосида яратилган. Энг биринчи нейрон тармоқлар У. Маккалок ва У. Питтс томонидан яратилган тармоқ биринчи қадамлар эди. Ўрганиш алгоритмлари ишлаб чиқилгандан сўнг яратилган моделлар амалиётда, яъни образларни аниқлашда

башорат қилиш, бошқарувда ва бошқа масалаларда қўлланила бошланди.

СНТ ўзаро боғланган ҳамкорликда ишлайдиган содда процессорлар (сунъий нейронлар) тизимини ҳосил қиласди. Одатда бу процессорлар компьютер процессорларига нисбатан жуда содда ҳисобланади. Ҳар бир процессор фақат сигналлар билан ишлаб, бу сигналларни у ҳосил қиласди ва у даврий равишда бошқа процессорларга узатиб туради. Маълум бир бошқарувга эга йирик тармоқка уланганлиги сабаб, ушбу содда процессорлар жуда мураккаб масалаларни ҳамжиҳатликда ечиш имконини беради

Машинали ўрганиш соҳаси бўйича қаралганда нейрон тармоқ образларни аниқлашда, дискриминант таҳлилда, Кластерлаш усусларида хусусий ҳол бўлиб ҳисобланади.

- Математика нуқтаи назаридан нейрон тармоқлар бу кўп параметрли чизиқсиз оптимизация масаласи ҳисобланади.

- Кибернетика нуқтаи назаридан нейрон тармоқлар адаптив бошқарув масалаларида ва робототехникада қўлланилади.

- Ҳисоблаш техникаси ва дастурлаш соҳаси ривожланиши нуқтаи назаридан қараганда нейрон тармоқ – самарали паралеллик масалаларини ҳал қилиш усули ҳисобланади.

- Сунъий интеллект нуқтаи назаридан СНТ коннективизм фалсафасининг асоси ҳисобланади ва табиий интеллектни моделлаштиришда компьютерли алгоритмларни қўллаш бўйича асосий йўналиш бўлиб келади.

Нейрон тармоқлар маълум маънода дастурланмайди, балки улар ўрганиш жараёнини ўтади. Ўрганиш фаолияти - нейрон тармоқларнинг алгоритмлашда асосий афзаллиги ҳисобланади. Ўрганиш жараёни - техник нуқтаи назаридан нейронлар ўртасида коэффициентларни аниқлаш ҳисобланади. Ўрганиш жараёнида нейрон тармоқга кирувчи ва чиқувчи маълумотлар ўртасида мураккаб боғланишларни аниқлаб топиш, ҳамда умумлаштириш имконияти мавжуд. Натижада, самарали ўрганиш асосида янги маълумотлар,

ноаниқ маълумотлар, бузилган маълумотлар қабул қилинганда тўғри жавоб қайтариш имконини беради.

#### **1.4.1. Нейрон тармоқларни қўллаш соҳалари. Образларни аниклаш. Тасниф масалалари**

Образлар сифатида турли кўринишдаги обьектлар: матн символлари, тасвирлар, товушли обьектлар ва ҳ.к. Тармоқ ўрганиш жараёнида турли кўринишдаги образлар намунаси уларнинг қайси синфга мансублиги билан бирга берилади. Намуна, одатда хусусиятлар кўрсаткичлари вектори кўринишда ифодаланилади. Бунда барча хусусиятлар бирлашмаси келтирилган намуна синфини белгилаши лозим. Хусусиятлар етарлича бўлмаса, келтирилган намуна бир неча синфларга мансуб деб қабул қилинади. Тармоқ ўрганиш жараёни тугаганидан сўнг янги образлар ифодаланганда у мансуб бўлган синф аникланиб берилади.

Бу кўринишдаги тармоқ топологияси чиқиши қатламида нейронлар сони аникланган синфлар сонига teng бўлади. Бунда нейрон тармоқ чиқиши қисми ва ифодаланилаётган синф ўртасида мослашув ўрнатилади. Тармоқга маълум бир образ ифодаланганда унинг чиқиши қисмига образ мансуб бўлган синфи белгиловчи маълумот пайдо бўлиши лозим, шу билан бирга қолган чиқиши қисмларида унга мос бўлган синфга мансуб эмаслиги тўғрисида маълумот пайдо бўлиши лозим. Агар бирдан чиқиши қисмларда айнан унга мос синфга мансублиги борасида маълумот пайдо бўлса у ҳолда тармоқ жавоби «ишенчсиз» деб қабул қилинади.

Янги нейрон тармоқли архитектуралари яратилгандан бошлаб, улар кўплиги туфайли барчасини ўрганиб чиқиши, тартиблаш жуда мураккаб бўлиб келмокда.

Нейрон тармоқларнинг график кўринишлари маълум бўлган архитектурани изохи келтирилган (2-расмга қаранг).

### **1.4.2.Нейрон тармоқ таснифи**

Нейрон тармоқларнинг харитасини тузишда асосий ечилмаган масала бу уларни қўллаш ҳолатини ифодаламаслигидир, масалан, (VAE) вариацион автошифраторлар, (AE) автошифраторлар каби кўриниши мумкин, бироқ ўрганиш жараёни мутлақо бошқа ҳисобланади. Ўргатилган тармоқлар кўринишларида қўллаш ҳолатлари жуда фарқланади, чунки бу ҳолатларда VAE генератор сифатида хизмат қиласди, сигнал янги тармоқлар ҳосил қилинади. AE да эса киравчи маълумотларни ўзи «хотирасида» мавжуд намуналар билан такқослаган ҳолда қабул қиласди ва ўрганади.


Шуни таъкидлаш лозимки, барча қўлланиладиган аббревиатура умумий ҳолда қабул қилинган бўлсада, барчасини бирдек қабул қилиб бўлмайди. Масалан, RNN кўпинча рекурсив нейрон тармоқ деб қабул қилишади, бироқ кўпинча рекуррент нейрон тармоқларни белгилайди. Шу билан бирга RNN кўп тақрорланадиган архитектармокларда қўшимча тармоқ ҳолатда қўлланилишини учратиш мумкин, бунга LSTM, GRU ва икки томонлама йўналтирилган ҳолатлар киради. Худди шунга ўхшашиб АЕ тармоқлар ҳам мавжуд, уларда ҳам VAE, DAE ва бошқаларни умумлашган ҳолда АЕ деб номлашади бироқ иш принципи фарқланади. Кўп аббревиатуралар «N» ҳарфи сони билан ҳам фарқланади, масалан, Convolutional Neural Network сўзида нейрон сўзини ишлатмасак CNN аббревиатура CN деб номланади, бироқ моҳият ўзгармайди.

Келтирилган архитектура рўйхатини сўнгги деб қабул қилишни тавсия этмаймиз. Чунки кундан кунга янги кўринишдаги архитектуралар яратилмокда, улар ҳақида тўлиқ маълумот топиш мураккаб бўлиб қолади, шу сабабли ушбу рўйхатни СИ дунёси ҳақида маълум бир маълумот олиш кўрсатмаси деб қабул қилишингиз лозим бўлади.

A mostly complete chart of  
**Neural Networks**

©2016 Fjodor van Veen - asimovinstitute.org

-  Backfed Input Cell
-  Input Cell
-  Noisy Input Cell
-  Hidden Cell
-  Probabilistic Hidden Cell
-  Spiking Hidden Cell
-  Output Cell
-  Match Input Output Cell
-  Recurrent Cell
-  Memory Cell
-  Different Memory Cell
-  Kernel
-  Convolution or Pool



**2-расм. Асосий нейрон тармоқларнинг график кўринишлари**

## Жадвал 1. Ўрганиш хусусияти бўйича нейрон тармоқлар таснифи

УСУЛ	ИЗОХ
Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Компьютерга кирувчи маълумотлар ва тахминий чиқувчи натижалар «ўқитувчи» ёрдамида ифодаланилади. Асосий мақсад умумий кирувчи ва чиқувчи маълумотлар ўртасида умумий қонуниятни аниқлаш.
Ўқитувчисиз ўрганиш	Ўрганиш жараёнида алгоритмга кутилаётган натижа ифодаланилмайди, балки алгоритмнинг ўзи чиқувчи натижани белгилайди. Ўқитувчисиз ўрганиш асосий мақсад (маълумотлар ўртасида яширин қонуниятни аниқлаш) бўлиб қолади.
Мустахкамлаш орқали ўрганиш	Компьютер дастур динамик мухит билан ўзаро боғланган ҳолда маълум бир масалани бажариши лозим бўлади, бунда ўқитувчи дастур мақсадга яқинлашганлик даражасини белгиламайди.

## Жадвал 2. Маълумотларни таҳлил қилиш бўйича нейрон тармоқлар таснифи

КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Тасниф	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш алгоритмлари кириш қисмига узатилаётган маълумотлар тегишли бўлган синфни аниқлайди.
Кластерлаш	Ўқитувчисиз ўрганиш алгоритмлари тури бўлиб, кирувчи маълумотлар бир ёки бир неча кластерларга тақсимланади.
Регрессия	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш алгоритмлари тури бўлиб, чиқувчи қийматлар узлуксиз хисобланади.

КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Үлчовини камайтириш	Киравчи маълумотларни қисқартирилган фазовий ўлчамда ифодалаш усулида соддалаштириш алгоритмлари.

**Жадвал 3. Нейрон тармоқлар моделлари**

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Ordinary Least Squares Regression (OLSR)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Чизиқли регрессия алгоритми.
Linear Regression	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Башорат қилишда чизиқли функцияни қўлловчи регрессия алгоритми синфи.
Logistic Regression	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Эҳтимоллик моделига асосланган регрессия алгоритми.
Stepwise Regression	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Регрессия алгоритми
Multivariate Adaptive Regression	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Чизиқли бўлмаган ҳолатларни ечишда

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Splines (MARS)			қўлланиладиган регрессия алгоритми.
Locally Estimated Scatterplot Smoothing (LOESS)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Башорат этиш учун қўлланиладиган силлиқ текисликни қурувчи регрессия алгоритми.
k-Nearest Neighbour (kNN)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Тасниф ва регрессия турига мансуб алгоритм бўлиб, натижани башорат этиши учун хусусиятлар текислигига k масофадаги қўшни маълумотларни қўллайди.
Learning Vector Quantization (LVQ)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Берилган намуналар асосида ўқитувчи ёрдамида ўрганиш усулини қўлловчи алгоритм таснифи.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Self-Organizing Map (SOM)	Ўқитувчи-сиз ўрганиш	Тасниф	Рақобатли ўрганиш усулини қўлловчи сунъий нейрон тармок тури.
Locally Weighted Learning (LWL)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Суст ўрганиш алгоритми
Ridge Regression	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Тихонов созланмаси деб номланади.
Least Absolute Shrinkage and Selection Operator (LASSO)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Хусусиятларни ажратиб олиш ва назорат этиш регрессия алгоритми.
Elastic Net	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Турли кўринишдаги бошқарув усулларини мувофиқлаштирувчи регрессия алгоритми
Least-Angle Regression (LARS)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Катта ҳажмдаги маълумотларга мўлжалланган регрессия алгоритми.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Classification and Regression Tree (CART)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Тасниф ва регрессия масалаларини ечишда дараҳтсимон моделни қўлловчи рекурсив алгоритм.
Iterative Dichotomiser 3 (ID3)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Табиий тилда берилган маълумотларни қайта ишлаш масалаларида кенг қўлланувчи дараҳтсимон алгоритм.
C4.5 and C5.0	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Маълумотларни энтропиялашга мўлжалланган дараҳтсимон алгоритм.
Chi-squared Automatic Interaction Detection (CHAID)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Маркетинг соҳасида кенг қўлланиладиган дараҳтсимон алгоритм кўриниши.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Decision Stump	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Дарахтсимон масалаларни ечиш кўриниши.
M5	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Дарахтсимон масалаларни ечиш кўриниши.
Conditional Decision Trees	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Дарахтсимон масалаларни ечиш кўриниши.
Naive Bayes	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Содда тасодифий классификатор.
Gaussian Naive Bayes	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Содда тасодифий классификатор.
Multinomial Naive Bayes	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Матнли хужжатларга мўлжалланган Байес тармок кўриниши
Averaged One-Dependence Estimators (AODE)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Тасодифий классификатор.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Bayesian Belief Network (BBN)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Нейрон тармоқ кўриниши бўлиб, тасодифийликни ҳисоблаш учун қўлланиши мумкин.
Random Forest	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Регрессия ва таснифлаш амалларини мувофиқлаштирган ҳолда ўрганиш усули.
k-Means	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Кластерлаш	Үқитувчисиз ўрганишнинг содда алгоритмларидан бири.
k-Medians	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Кластерлаш	Кластерлаш алгоритми.
Expectation Maximisation (EM)	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Кластерлаш	Биологик маълумотларни қайта ишлашда кенг қўлланилади,

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Hierarchical Clustering	Ўқитувчи-сиз ўрганиш	Кластерлаш	Кластерлар иерархиясини яратувчи кластерлаш алгоритми
Perceptron	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Сунъий нейрон тармоқнинг содатури
Back-Propagation	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Сунъий нейрон тармоқнинг ўрганиш алгоритми.
Hopfield Network	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Сунъий нейрон тармоқнинг рекуррент кўриниши. Ассоциатив хотира.
Radial Basis Function Network (RBFN)	Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия, тасниф	Сунъий нейрон тармоқнинг кўриниши бўлиб, радиал базавий функцияларни кўллайди ва вақт кўрсаткичли башоратларда кўлланилади.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Deep Boltzmann Machine (DBM)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Тасодифий Яширин ўзгарувчилардан иборат катламларга эга бинар тасодифий Марков кетмакетлигига ўхшаш Больцман машинаси.
Deep Belief Networks (DBN)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Чуқур нейрон тармоқнинг кўриниши.
Convolutional Neural Network (CNN)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Жонзотларнинг кўриш системасидан олинган структурага эга сунъий нейрон тармоқ кўриниши.
Stacked Auto-Шифраторс	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Тасниф	Үқитувчисиз ўрганиш учун сунъий нейрон тармоқ кўриниши.
Principal Component Analysis (PCA)	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Ўлчовини камайтириш	Ўлчовни камайтириш алгоритми.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Principal Component Regression (PCR)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Асосий компонентлар усулига асосланган Регрессия алгоритми.
Partial Least Squares Regression (PLSR)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Асосий компонентлар регрессияси билан боғлиқ бўлган регрессия алгоритми.
Sammon Mapping	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Ўлчовини камайтириш	Ўлчовни камайтириш алгоритми.
Multidimensional Scaling (MDS)	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Ўлчовини камайтириш	Ўлчовни камайтириш алгоритми.
Projection Pursuit	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Ўлчовини камайтириш	Ўлчовни камайтириш алгоритми.
Linear Discriminant Analysis (LDA)	Үқитувчи-сиз ўрганиш	Ўлчовини камайтириш	Ўлчовни камайтириш алгоритми.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Mixture Discriminant Analysis (MDA)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Аralаш кўринишдаги моделларга асосланган тасниф усули.
Quadratic Discriminant Analysis (QDA)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Аralаш кўринишдаги моделларга асосланган тасниф усули.
Flexible Discriminant Analysis (FDA)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Тасниф усули.
Boosting	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Машинали ўрганиш моделларига башорат аниқлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган алгоритмлар.

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
Bootstrap aggregating (Bagging)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Машинали ўрганиш алгоритмлари аниқлик ва барқарорликни ошириш мақсадида яратилган алгоритм.
AdaBoost	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Бустинг алгоритми.
Stacked Generalization (blending)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Турли кўринишдаги машинали ўрганиш моделларини комбинациялаш учун қўлланилади.
Gradient Boosting Machines (GBM)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Тасниф	Содда башорат қилувчи моделлар кўринишда таснифлаш ёндашувини таклиф этади.
Gradient Boosted Regression Trees (GBRT)	Үқитувчи ёрдамида ўрганиш	Регрессия	Содда башорат қилувчи моделлар кўринишлар

АЛГОРИТМ	УСУЛ	КАТЕГОРИЯ	ИЗОХ
			асосида башорат этувчи моделни таклиф этувчи регрессия модель.

**Жадвал 4. “Компьютерли ўрганиш” масалаларини дастурлашда кенг қўлланиладиган дастурий кутубхоналар рўйхати**

КУТУБХОНА	ДАСТУРЛАШ ТИЛИ	ИЗОХ
Shogun	C++	Ушбу маҳсус пакет машинали ўрганиш учун мўлжалланган кенг камровли обьектлар ва ўрганиш созланмаларига эга бўлган пакет бўлиб, маълумотларни таснифлаш, регрессия ёки чуқур ўрганишга мўлжалланган.
Weka	Java	Умумий қўлланиладиган пакет.
Kernlab	R	Ядро асосида таснифлаш ва ўлчовини камайтириш.
Dlib	C++	Портларга ажратиш, таҳрирлаш.
NLTK	Python	Чизиқли регрессия, тартиблаш, таснифлаш.
Orange	Python	Янги фойдаланувчилар ва эксперталар учун маълумотларни визуаллаштириш ва таҳлил этиш учун очиқ кодли кутубхона. Катта ҳажмдаги ускуналар ёрдамида

<b>КУТУБХОНА</b>	<b>ДАСТУРЛАШ ТИЛИ</b>	<b>ИЗОХ</b>
		интерактив жараён таъминланади.
Java-ml	Java	Машинали ўрганиш алгоритмининг коллекцияси.
pyML	C++; Python	Машинали ўрганиш учун Python тилида ёзилган интерактив объектга-мўлжалланган мұхит. Ядрога асосланган SVMга йўналтирилган PyML бошқа усуллар. Кутубхона Linux ва Mac OS X томонидан қўлланилади.
Mlpy	Python	Mlpy Phyton учун модул ҳисобланиб, NumPy/SciPy ва GNU Scientific кутубхонаси учун созланма ҳисобланади.
Pybrain	Python	pybrain - Python-Based Reinforcement Learning нинг қисқартмаси бўлиб, Artificial Intelligence and Neural Network Library (Phyton тилида ёзилган кутубхона, мустаҳкамлаш асосида ўрганиш, сунъий интеллект ва сунъий нейрон тармоқлар).
Torch	C++; Lua	Машинали ўрганиш ускуналари тўпламидан иборат ускуналарнинг илмий тўплами.

<b>КУТУБХОНА</b>	<b>ДАСТУРЛАШ ТИЛИ</b>	<b>ИЗОХ</b>
scikit-learn	Python; Cython	Кенг қўлланиладиган кутубхона. Имконияти кенг ва қўлланишда содда ҳисобланади.
Theano	Python	GPU усули ёрдамида ишлайдиган самарали ҳисоблаш кутубхонаси. Чуқур ўрганишда қулайлик яратади.
Pylearn2	Python	Theano яратилган машинали ўрганиш ускуналарининг тўплами.
MDP	Python	Маълумотларни қайта ишлаш учун ускуналар модулли тўплами.
Spark	Java	Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун тезкор ва универсал макет.
Mahout	Java	Hadoop асосида яратилган машинали ўрганиш муҳити.
Mallet	Java	Табиий тил соҳасида статистик қайта ишлаш учун Java пакети.
JSAT	Java	Машинали ўрганиш ва статистик қайта ишлаш ускуналарнинг java пакети.
Accord.NET	.NET	NET асосида илмий ҳисоблашларга мўлжалланган пакет.

КУТУБХОНА	ДАСТУРЛАШТИЛИ	ИЗОХ
Vowpal Wabbit	C++	Тез ўрганиш учун мўлжалланган, BSD лицензияси асосида ишлаб чиқилган.
MultiBoost	C++	Бустинг алгоритмларини қўлловчи C++ да яратилган пакет.
TensorFlow	Python, C++	Очиқ кодли Google кутубхонаси.

### 1.5. Тўғри чизиқли нейрон тармоқлари

(Feed forward neural networks, FF or FFNN) ва перцептронлар (perceptrons, P) энг содда чизиқли тақсимланган тармоқ бўлиб, улар кириш қисмидан чиқиш қисмига узатади. Нейрон тармоқлар одатда кириш қатлами нейронларидан, яширин қатlam нейронларидан ва чиқиш қатлами нейронларидан иборат. Бир қатlam нейронлари ўзаро боғланишга эга бўлмайди. Бироқ ҳар бир қатlam нейрони қўшни қатlam нейрони билан боғланган бўлади. Энг содда тармоқ иккита кириш ва битта чиқиш нейронидан иборат бўлади, у оддий мантикий ифодани изоҳлаши мумкин. FFNN да одатда тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулида ўрганиш олиб борилади, яъни кириш қатлами жуфтлигига кутилаётган натижа узатилиб модель яратилади. Хатолик деганда, кутилаётган чиқувчи маълумотларнинг кирувчи маълумотларга нисбатан номувофиқлиги тушунилади. (масалан, ўртаквадрат қийматнинг фарқланиши). Тармоқда етарлича яширин қатlam нейронлар мавжуд бўлса, у ҳолда кирувчи ва чиқувчи берилганлар ўртасида боғланишни ўрнатиши мумкин. Амалда эса бу кўринишдаги чизиқли тақсимланган тармоқлардан фойдаланиш фақат бошқа кўринишдаги тармоқлар билан ҳамкорликда қўлланилади.

1943 йили «Нерв фаоллиги билан боғлик фикрларни мантикий аниқлаш» мақоласида У. Мак-Каллок ва У. Питтс сунъий нейрон тармоқ тушунчасини биринчи марта олға сурди. Улар томонидан сунъий нейрон модели таклиф этилди. 1949 йили Д. Хебб ўзининг «Холатни ташкил этиш» номли ишида нейронларни ўқитишининг асосий принципларини изоҳлади.

Бир неча йил ўтгач бу ғоялар асосида Америкалик нейрофизиолог Фрэнк Розенблatt инсон онги моделини ташкил қилувчи қурилма схемасини таклиф этди ва унга перцепtron деб ном берди. Перцепtron электромеханик хотира ячейкасида фотоэлементлардан сигналларни узатиб, сенсорли майдонни ҳосил қиласи. Ячейкалар коннективизм асосида тасодифий ўзаро боғланади. Перцепtron образларни таснифлашини «ўрганиш» учун маҳсус итерацион усул ишлаб чиқилган бўлиб, инсон ўрганиш жараёни каби ўз хатоликларини тўғриланган ҳолда ўрганиш усули қўлланилган. Бундан ташқари у ёки бу ҳарфни аниқлаш учун перцепtron ҳарф ўзига хос хусусиятини статистик усулда ажратиб билган, бироқ индивидуал аҳамиятсиз қисмлари бундан мустасно. Демак шу усулда перцепtron турли кўринишда ёзилган ҳарфларни битта ягона образга умумлаштириш қобилиятига эга бўлган. Шундай бўлсада перцепtron имкониятлари чекланган, бир томони кўринмас бўлган ҳарфларни, ёки ҳажми жиҳатдан тўғри келмайдиган, бурилган, сурилган ҳарфларни ўрганган ҳарфлари билан солиширган ҳолда ишончли аниқлаб билмаган.[7]

Перцепtron яратилишининг асосий мақсади образларни аниқлаш машинасини яратиш эмас, балки инсон онгини ишлаш принципининг моделини яратиш, яъни интеллект ишини чуқур ўрганиш ва тадбиқ этиш ҳисобланади.

Элементар перцепtron З турдаги элементлардан: S-элементлар, A-элементлар и битта R-элементдан иборат. S-элементлар бу – рецепторлар қатлами. Ушбу рецепторлар A-элементлар билан қўзғалиш ҳолатида боғланади. Ҳар бир рецептор икки ҳолатдан бирида бўлиши мумкин, бу тинч ва қўзғалишдир. A-элементлар чегараланган қийматда сумматор кўринишда ифодаланади. Яъни, рецепторлардан келувчи қўзғалишлар даражасининг йиғиндиси Кўзғалган A – элементлар сигналлари сумматорга R узатилади, бунда i-элементдан келувчи сигнал  $w_i$  коэффициент билан узатилади[10].

Кўриб чиқилган оддий элементларнинг барчаси содда ҳисобланади, чунки улар кескин ўзгариб турувчи функцияларни қўллади. Мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун бошқа кўринишдаги функциялардан фойдаланишни талаб этади, масалан чизиқли функциялар.

Натижада Розенблatt қўйидаги ғояларни олға сурди:

Перцептрон бу S-, A-, R-элементлардан иборат тармоқ бўлиб, ўзаро таъсирни таъминловчи ўзгарувчи матрицага  $W$  (элементлари  $W_{ij}$  – оғирлик коэффициентлари)га эга ва у тармоқнинг олдинги фаоллик ҳолати билан аниқланади;

Кетма-кетлик боғланишларга эга перцептрон бу S-элементга яқин бир элементдан  $d$  мантиқий масофада S-элементга яқин  $d+1$  мантиқий масофада жойлашган элемент билан тугайдиган тизимга айтилади;

Кесишмали боғланишга эга перцептрон бир турдаги (S, A ёки R) элементлар ўртасида боғланиш мавжуд бўлган тизим бўлиб, ушбу элементлар S-элементлардан бир хил мантиқий масофада жойлашган, қолган боғланишлар эса кетма- кет кўринишида тескари боғланишли перцептрон мантиқий узок бўлган элементдан мантиқий яқин бўлган элементгача боғланиш бўлган тизимга айтилади;

Оддий перцептрон деб қўйидаги талабларга жавоб берувчи тизимга айтилади:

тизимда фақат битта R-элемент мавжуд (табиийки улар барча A-элемент оғирликлари билан боғланган);

кетма-кет боғланишга эга перцептрон бўлиб, у фақат S-элементдан A-элементга ва A-элементдан R-элементга ҳаракатланган;

S-элементлардан A-элементларгача бўлган барча боғланишларнинг (S–A боғланишлар) оғирликлари ўзгармасдир;

ҳар бир боғланишнинг узатиш вақти ёки нолга teng ёки белгиланган ўзгармас  $\tau$  teng бўлади;

барча S-, A-, R-элементларни фаоллаштирувчи функциялар қўйидаги кўринишга teng

$$U_i(t)=f(a_i(t)),$$

бунда  $a_i(t)$  –  $i$  элементлар кириш қисмига бир вақтнинг ўзида келувчи барча сигналларнинг алгебраик йифиндисидир.

Элементар перцептрон бу содда перцептрон бўлиб, унда барча элементлар – содда. Бу ҳолатда фаоллаштириш функцияси

$$C_{ij}(t)=U_i(t-\tau)W_{ij}(t)$$

кўринишга эга.

Олимлар перцептронларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда 5та синфга ажратган:

**Диаметри бўйича чекланган перцептрон** – хусусий мантиқка эга аниқланган  $X$  ўлчам, маълум бир белгиланган қийматдан ошмайди.

**Чекланган кетма-кетликка эга перцептрон** – ҳар бир хусусий боғланиш чекланган сондаги  $X$  нуқтадан иборат.

**Гамба перцептрони** – ҳар бир хусусий боғланиш чегараланган чизиқли функция кўринишида, яъни мини – перцептрон бўлиши лозим.

**Тасодифий перцептронлар** – чекланган перцептронлар бўлиб, хусусий боғланишлар тасодифий мантиқий (bool) функциялар кўринишда бўлади.

**Чекланган перцепtron** – хусусий боғланишлар тўплами чексиз, бироқ аниқ қийматлар  $a_i$  кетма-кетлиги эса чекланган.

### Ўрганиш алгоритми

Перцептронни ўрганишнинг классик усули – бу хатоликни тўғрилаш усули. Бу шундай усулки, жорий перцептрон таъсирланиши белгиланган ҳолатда бўлгунга қадар боғланиш оғирлик кўрсаткичи ўзгармас қолади. Перцептрон таъсирланишида ўзгариш сезилганда боғланиш оғирлик кўрсаткичи 1 га айланади, хатолик кўрсаткичига мос ҳолда унинг аксига ўзгариди (+/-).


Кўйидаги чизмага эътибор киласиз:

Перцептрон маълумотнинг онг орқали қабул қилиш модели, S, A VA R элементлардан иборат		
БИТТА ЯШИРИН ҚАТЛАМГА ЭГА ПЕРЦЕПТРОН  1 қатлам S элементлар 2 қатлам A элементлар 3 қатлам R элементлар	БИР ҚАТЛАМЛИ ПЕРЦЕПТРОН  ҳар бир S га битта A S-A боғланиш =+1 чегара A= +1	Розенблatt кўп қатламли перцептрон  >1 қатлам A элемент Розенблatt кўп қатламли перцептрон  махсус алгоритм бўйича S-A ўрганиш

**З-расм. Перцептрон берилганларни қабул қилиш модели**

Битта яширин қатламли перцептрон биттадан S, A, R қатламлардан иборат. Қатламлардаги ҳар бир нейрон кейинги қатлам ҳар бир нейрони билан боғлиқ.

Бир қатламли перцептрон биттадан S, A, R қатламлардан иборат, бироқ ҳар бир S нейронга бир А нейрон боғланган, S-A боғланиш оғирилик күрсаткичи +1 га teng, А чекланмаси (порог)+1 га teng.



#### 4- расм. Перцептрон тармоги.

Кўп қатламли перцептрон икки кўринишга эга: Розенблattт кўп қатламли перцептрон ва Румельхарт кўп қатламли перцептрон.


Розенблatt кўп қатламли перцептрон биттадан ортиқ А-элементлар қатламига эга.

Румельхарт кўп қатламли перцептрони бу Розенблatt кўп қатламли перцептроннинг хусусий ҳолати бўлиб, икки хусусиятга эга:

1. S-A боғланишлар ихтиёрий оғирликка эга бўлиши мумкин ва A-R боғланиш билан биргалиқда ўрганиши мумкин.

2. Ўрганиш маҳсус алгоритм бўйича олиб борилиб, тескари боғланиш орқали хатоликни текшириш усули деб номланади.

## 1.6. Радиал-асосли функцияга эга тармоқлар (RBF)




5-расм. Радиал-асосли функцияга эга тармоқ (RBF)

Радиал-асосли функцияга эга тармоқлар (RBF) фаоллаштириш функцияси нур кўринишда бўлган FFNN ҳисобланади. Айнан шу функцияга эга FFNN ўз номига эга бўлиб қолди.

*RBF тармоқлар бир қатор афзалликларга эга бўлиб, тўғри тақсимланадиган кўп қатламли тармоқлар билан ўҳшашиклар бўлсада битта оралиқдаги яширин қатлам ёрдамида чизиқли бўлмаган барча функцияларни ифодалаши мумкин. Бу эса қатламлар сонини қисқаришига олиб келади. Шу билан бир қаторда чиқиши қатламида қўлланиладиган чизиқли кетма-кетликларни*

*оптималлаштириши усулида оптималлаштириши имкони мавжуд.* Локал маълумотларнинг минималлиги тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулини қўллашда вакт сарфланишини олдини олади. Шу сабабли **RBF тармоқлар** тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулини қўлловчи бошқа тармоқларга нисбатан *сезиларли дараҷада тезкор ишилайди*.

*RBF тармоқларнинг камчиликлари: тармоқ маълумотлари экстраполяцияга берилмайди шу сабабли кириши векторлари катта ҳажмда бўлганда тармоқ йириклишади.*



**6 –расм. RBF тармоғи**


**RBF** тармоғининг содда кўриниши учта қатламдан иборат: оддий кириш қатлами бўлиб, биринчи қатлам оғирликларни белгилаш учун бошланғич маълумотларни тақсимлаш; радиал-симметрик фаоллаштириш функциясига эга яширин қатлами. Унда ҳар бир  $j$ -функция алоҳида этalon векторларни  $w_j^{(h)}$  оғирликлар вектори кўринишда саклайди; чиқиш қатлами. **RBF** тармоғини яратиш учун қўйидаги шартларни бажариш лозим.

*Биринчидан, эталоннинг мавжудлиги, яширин қатлам нейронлар вектори кўринишда ифодаланиш.*

*Иккинчидан* эталон ва кириш вектор ўртасидаги масофани ўлчаш усулининг мавжудлиги. Одатда бу стандарт евклид масофа.

Учинчидан яширин қатlam нейронларни фаоллаштиришнинг махсус функциясининг мавжудлиги, у эса масофани ўлчаш усулини танлайди. Одатда Гаусс функцияси қўлланилиб, кучайтириш имконини беради.

## 1.7.Марков занжири




Эҳтимолли яширин ячейка

### 7-расм. Марков занжири.

(**Markov Chains**, **MC** ёки **discrete time Markov Chain**, **DTMC**) –  
Больцман (ВМ) машинаси ва Хопфилда (НН) тармоқлари олдинги кўриниши бўлиб, жорий ҳолатдан қўшни ҳолатга ўтиш эҳтимоллик занжири кўрсатилади. Бундан ташқари занжир ўз хотирасига эга бўлмасдан, занжирдаги кейинги ҳолат жорий ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда эришилади, жорийдан олдинги бўлган ҳолатга ҳеч қандай боғланиш мавжуд бўлмайди. Марков занжирини нейрон тармоқ деб номлаб бўлмасада, уларга яқин бўлиб, Больцман (ВМ) машинаси ва Хопфилда (НН) тармоқларининг назарий асосини шакллантиради. Марков занжири ҳамма вақт ҳам тўлиқ ўзаро боғланган занжирни ҳосил қилмайди.

Марков занжири – амаллар кетма-кетлиги бўлиб, кейинги амал олдинги амал билан чамбарчас боғлиқ.




### **8-расм. Марков занжири ишлаш принципи.**

Марков занжири – тасодифий амаллар кечишининг содда моделини ҳосил қиласди. Турли соҳаларда, матнларни генерациялашдан бошлаб, молиявий моделлаштиришгача қўлланилиб келинмокда, булардан энг таниклиси бу Subreddit Simulator. Ушбу ҳолатда Марков занжирининг барча subreddit учун контент яратилишини автоматизациялашга йўналтирилган.

Марков занжири жуда ихчам ва содда бўлиб, бирон бир математик ёки статистик концепцияларни қўллашни талаб этмайди. Марков занжири эҳтимолли моделлаштиришни яратишда ва Data Science да қўллаш учун жуда қулай ҳисобланади.

#### **Мисол**

Фараз қилинг, об – ҳаво фақат икки ҳолатга эга: қуёшли ва булат. Жорий вақтда об-ҳавони аниқлаш муаммосиз, яъни ёки қуёшли ёки булат бўлади. Энди эртанги ҳавони башорат қилиш масаласи қўйилган бўлсин. Маълумки, об-ҳаво доимий ҳолатда ўзгариши мумкин эмас, ҳаво ўзгариши учун бир неча омиллар таъсири мавжуд бўлади. Бир неча йиллик кузатувчилар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, булатли ҳаводан сўнг қуёшли ҳавонинг бўлиши эҳтимоллиги 0,25 га teng. Икки кун кетма-кет булатли ҳаво бўлиш эҳтимоллиги 0,75 га teng, чунки фақат икки ҳолат мавжуд.




**9-расм. Марков занжирига мисол.**

Энди бир неча кунлик ҳавони жорий ҳаво күрсаткичи бўйича башорат этиш мумкин. Ушбу мисол асосида Марков занжирининг асосий моҳиятини кўрсатади, яъни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлар эҳтимолликлар тақсимоти асосида бажарилади ва Марков занжирини ҳосил қиласида. Демак, Марков занжири мураккаб моделлаштириш усулларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласида.

### 1.8.Хопфилд Нейрон тармоқ

Тўлиқ боғланган тармоқ (хар бир нейрон барча билан боғланган) бўлиб, ҳар бир нейрон барча босқич ролини ўйнайди.



Кириш ячейкасига қайта мурожаат

**10-расм. Хопфилд Нейрон тармоқ**


Ҳар бир нейрон ўргангунга кадар маълумотларни киритиш ролида, ўрганиш жараёнида яширин қатlam ролида, натижа учун чиқариш ролида бўлади. Оғирлик матрицаси барча «хотирага сақланган» векторларни хусусийлаштириш асосида яратилади. Шундай бир ҳолатга келтириладики, бир ёки бир неча образларга ўргатилган тизим ягоналаштирилган образга келиб қолади, чунки айнан шу образ стационар бўлиб қолади. Бу эса айнан кутилган ҳолатга келиб қолади деб бўлмайди. Ушбу тизим қисман стабиллашади, чунки умумий «энергия» ёки «ҳарорат» ўрганиш жараёнида сўниб боради. Ҳар бир нейрон фаоллашиш даражасига эга бўлиб, айнан шу ҳарорат билан ўлчанади, агар кирувчи берилганлар йигиндиси ушбу даражадан ошиб борса, нейрон икки ҳолатдан бирига (одатда -1 ёки 1, баъзан 0 ёки 1) ўтиб қолади. Тармок тугунлари параллел равишда янгиланиши мумкин, бироқ улар кўпинча кетма-кет амалга оширилади. Бунда кетма-кетлик тартиби тасодифий ҳосил қилинади ва шу асосда нейронлар ҳолати янгиланади. Ҳар бир нейрон янгилангандан кейин, ҳолати ўзгармас бўлгандан кейин тизим стационар ҳолатга келиб қолади. Бундай тармоқлар кўпинча ассоциатив хотира деб номланади, чунки тармоқнинг ҳолати инсон кутган ҳолатга келиб қолади, буни ярми аниқ бўлган тасвирни охирига етказишга олиб келиниш билан ифодалаш мумкин. Демак, нейрон тармок бошлангич берилганларни шовқинли ҳолатда қабул қилиб образнинг қолган қисмини чизиш имконини беради [1].

Хэмминг нейрон тармоқлари бинар кириш векторларини таснифлаш масалаларини ечишда қўлланилади. Унинг асосий вазифаси кириш қисмига узатилган ноаниқ образни унга яқин бўлган образлар эталони бўйича таснифлаш ва мос бўлган синфга боғлаш ҳисобланади. Бунда асосий омил бу Хэмминг оралиғи бўлиб, у ноаниқ образ ва этalon образлар орасидаги фарқ билан белгиланади.

Хэмминг нейрон тармоқлари структураси икки қатламдан иборат бўлиб, нейронлар сони  $K$  синфлар сонига teng ( $K = M$ ). Кiriш сони  $M$  образлар фарқини кўрсатувчи бинар ҳолатлари сонига. Кiriшда маълумотлар қиймати  $\{-1; 1\}$ тўпламга мансуб. Чиқиш қийматлари

иккинчи қатlam кириш қисмiga ва ўзининг кириш қисмiga тескари боғланиш орқали узатилади.


### 1.9.Хэмминг Нейрон тармоқлари



**11-расм. Хэмминг нейрон тармоқлари**

Хэмминг нейрон тармоғи орқали масалалар умумий ҳолда қўйидагича ечилади. Бинар векторлар кўринишда берилган бошланғич этalon образлар тўплами мавжуд. Улар ўзининг синфига мансуб. Тармоқда кириш қисмiga узатилган номаълум образни барча маълум этalon образлар билан бирма-бир таққослаб чиқиш ва бирон бир синфга мансублиги ёки бирон бир синфга мансуб эмаслигини аниқлаш талаб этилади.

Хэмминг нейрон тармоғининг асосий моҳияти икки босқичдан иборат: ўрганиш ва амалда қўлланилиши.



**12-расм. Хэмминг нейрон тармоғи структурасы**

Үрганиш босқичида қуидаги амаллар кетма-кетлиги бажарилади:

1.1. Эталон образларнинг  $\bar{\bar{X}}$  матрицаси  $K \times M$  катталиқда шакллантирилади (жадвал-1)

### Жадвал 5. Хэмминг нейрон тармоғи эталон образларининг матрицаси

Күрениш №	№ киравчы бинар ўзгарувчиляр						
	1	2	...	$i$	...	...	$M$
1	$x_{11}$	$x_{12}$	...	$x_{1i}$	...	...	$x_{1M}$
2	$x_{21}$	$x_{22}$	...	$x_{2i}$	...	...	$x_{2M}$
...	...	...	...	...	...	...	...
$j$	$x_{j1}$	$x_{j2}$	...	$x_{ji}$	...	...	$x_{jM}$
...	...	...	...	...	...	...	...
$K$	$x_{K1}$	$x_{K2}$	...	$x_{Ki}$	...	...	$x_{KM}$

1.2. Биринчи қатlam нейронларнинг оғирлик коэффициентларини матрицаси ҳисобланади:

$$w_{ij} = \frac{1}{2}x_{ij} \quad (1)$$

Ёки матрица кўринишда ёзилади:

$$\bar{\bar{W}} = \frac{1}{2}\bar{\bar{X}} \quad (2)$$

1.3. Фаоллаштириш функцияси кўриниши, чегараси аниқланади

$$f(s) = \begin{cases} 0, s \leq 0; \\ s, 0 < s \leq T; \\ T, s \geq T; \end{cases} \quad (3)$$

– параметри:

$$T = \frac{M}{2} \quad (4)$$

Демак, нейрон тармоқлар чиқиш қисмидаги қийматлар  $[0, T]$  оралиғидаги барча қийматларни қабул қилиши мумкин.


1.4. Иккинчи қатlam нейронларнинг тескари боғланиш синапсларининг қийматлари  
 $K \times K$  ҳажмдаги квадрат матрица элементлари кўринишида берилади:

$$\varepsilon_{jp} = \begin{cases} 1, j = p; \\ -\varepsilon, j \neq p, \end{cases} \quad (5)$$

Бунда:  $\varepsilon \in \left(0, \frac{1}{K}\right]$

Хэмминг нейрон тармоқнинг тескари боғланиш манфий оғирлика эга синапслари **ингибиторли**, ёки **тормозловчи** деб номланади.

## 1.10.Больцман (ВМ) машинаси



Кириш ячейкасига қайта мурожаат




Эҳтимолли яширин ячейка

### 13-расм Больцманн машинаси.

(**Boltzmann machines**, **ВМ**) кўп томонлама Хопфилда (HN) тармоғига ўхшаш бироқ, унда баъзи нейронлар кириш нейронлари сифатида, баъзилари эса яширин қатlam сифатида белгиланади. Кириш нейронлари ўз ҳолатларини янгилагандан сўнг чиқувчи нейронга айланиб қолади. Энг аввал оғирлик коэффициентлар тасодифий равишда ўзлаштирилади, сўнгра тескари тарқалиш усулда ёки contrastive divergence (Марков занжири ёрдамида градиент ҳисобланиши) алгоритми асосида ўрганиш амали бажарилади. ВМ – стохастик нейрон тармоғи, чунки ўрганиш жараёнида Марков занжири қўлланилади. Ўрганиш ва ишлаш жараёни Хопфилд тармоғи каби олиб борилади: нейронларга бошланғич аниқ ҳолатлар ўзлаштирилади, сўнгра занжир эркин ҳаракатлана бошлайди. Бу жараёнда нейронлар тармоқли ҳолатни қабул қилиши мумкин,

кирувчи ва яширин қатlam нейронлар ҳолатларига ўтишлар билан белгиланади. Фаоллашув умумий ҳарорат қиймати билан бошқарилади, ҳарорат пасайганда нейронлар энергияси хам қисқаради. Энергия қисқариши нейронлар стабиллигига олиб келади. Демак, агар ҳарорат түғри белгиланган бўлса, тизим мувозанатга эришади[2].

### **Больцман чекланган машинаси (Restricted Boltzmann machine, RBM)**



- Кириш ячейкасига қайта мурожаат
- Эҳтимолли яширин ячейка

**14-расм. Больцман чекланган машинаси.**

Больцманнинг оддий машинасига жуда ўхшаш бўлиб, RBMнинг фарқи унинг чекланганигидадир, бу ўз навбатида қўллаш қулайлигини таъминлайди. Унда ҳар бир нейрон қолган барча нейронлар билан боғланмасдан, балки нейронлар групҳи бошқа нейронлар групҳи билан боғланган. Кириш нейронлари ўзаро


боғланмаган, яширин қатlam нейронлари ўртасида ҳам боғланиш йўқ. RBM ни FFPN каби ўрганиш мумкин, бироқ берилганлар бир қатlamдан кейингига, сўнgra охиригача етиб, тескари боғланиш орқали хатоликни текшириш ўрнига, бир қатlamдан ўтгандан кейин иккинчига узатилади ва шу ҳолатда тескари боғланган ҳолда хатоликни текшириш олиб борилади (forward-and-back propagation).

Больцман чекланган машинаси биринчи маротаба 1986 йили Пол Смоленски томонидан яратилган бўлиб, *Harmontium* деб номланган, бироқ Хинтон томонидан ўрганиш алгоритмлари ишлаб чиқилгандан кейин 2000-йиллар ўртасида кенг тарқала бошланди. Унинг номи оддий Больцман машинасининг модификацияси сифатида қабул қилинганидан келиб чиқган. Кейинчалик 2000 йиллардан сўнг Больцман машинаси сифатида эмас балки чуқур ўрганиш тармоқларининг алоҳида компоненти сифатида қабул қилинди. Больцман чекланган машинаси бир нечтасини каскадли бирлаштириш чуқур ишончли тармоқни шакллантиради, унда кўп қатлами нейрон тармоқлар тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулида ўқитувчисиз ўрганиш функциясига эга бўлади. Больцман чекланган машиналари хусусиятларидан бири асосан ўқитувчисиз ўрганиш жараёнига ўтиш бўлса, бироқ баъзи ҳолларда ўқитувчи иштирокида ўрганишга олиб боради. Машинанинг яширин қатламини ўрганиш жараёнида маълумотларнинг яширин хусусиятларини ифодалайди.

Больцманнинг чекланган машиналари кенг кўламда кўлланилади масалан, маълумотларни моҳиятини ўзгартирмасдан қисқартириш, тасниф масалалари, коллаборатив фильтрация, хусусиятларни аниқлаш (feature learning) ва тематик моделлаштиришда кўлланилади.

Больцман чекланган машинасидаги нейронлар икки томонлама ҳосил қиласи, графнинг бир томонида кўринадиган нейронлар(кириш) мавжуд бўлса, иккинчи томонидан яширин, чунончи ҳар бир кўринадиган ва ҳар бир яширин нейронлар ўртасида боғланиш ҳосил қилинади. Бундай боғланишга эга тизим тармоғини ўрганиш жараёнида контрастли дивергенцияга эга градиент силжиш усулини кўллаб ўрганиш мумкин [3].

### 1.10.1 Автоэнкодерлар




**15-расм. Автоэнкодерлар**

(**Autocoders, AE**) –FFNN га ўхаш, яъни FFNN қўллашнинг бошқа усули бўлиб, янги архитектура деб бўлмайди. Автоэнкодерларнинг асосий моҳияти – маълумотларни автоматик кодлаш (шифрлашдагидек эмас, балки уларни архивлаш каби) ҳисобланади. Тармоқнинг ўзи шакли бўйича қум соатга ўхшайди, яъни яширин қатлам кириш ва чиқиш қатламга нисбатан юпқа ва шу билан бирга қўшни қатлам (умумий қатламлар жуфт ёки тоқ бўлганидан келиб чиқсан ҳолда бир ёки икки қатлам)га нисбатан симметриkdir. Энг юпқа қатлам ҳар доим ўрта қатлам бўлиб унда маълумотлар максимал равища сиқилган. Ўрта қатламгача бўлган қисм -кодлаштирувчи, ундан пастда жойлашганлар-декодлаштирувчи, ўртада эса– код.

АЕ хатоликни қайтариш усулида ўргатилади. Бунда кириш қисмга берилгандар ва олинган натижа ўртасидаги тафовут кўринишда хатолик қайтарилади. АЕ ни симметрик кўринишда тузиш учун кодлаштириш оғирликларни декодлаш оғирликларга баравар кўринишда ифодалаш лозим [4].

### 1.10.2. Сийрак автоэнкодер




**16-расм. Сийраклаштирувчи автоэнкодер.**

(**Sparse autoencoder**, АЕ) –АЕ акси бўлиб, маълумотлар блокини қисқартирилган ҳолатда ифодалаш ўрнига, маълумотлар кенгайиш ҳолатга олиб келувчи кодлаштиришиллади. Бунда тизим энг аввал марказлаштирилиши сўнгра қайта ўз ҳажмига қайтиши ўрнига, ўрта қатlam кенгайтириллади. Ушбу кўринишдаги тармоқлар маълумотлар тўпламидан элементар деталларни ажратиб олишга кўмаклашади.

Агар SAE кўринишдаги тармоқларни АЕ тармоғи каби ўрганиш усулини қўлласак, аҳамиятсиз тармоқлар кетма-кетлигига эришардик, яъни чиқиш қисмида кириш қатлам билан бир хил ҳолат олинарди. Буни олдини олиш учун чиқиш қатламига кириш қатламидаги маълумотлар ва яширин қатламдаги нейронлар ҳар бир фаоллашув сонини жарима кўринишда кўшган ҳолда. Бу ҳолат қайсиdir маънода биологик нейрон тармоқларни эслатади (spiking neural network), унда барча нейронлар түғён ҳолатда бўлмайди[5].

### 1.10.3. Вариацион автознкодер архитектураси




- Кiriш чиқиш ячейкадаги ўxашлик
- Эҳtimолли яширин ячейка
- Кiriш ячейкаси

**17-расм. Вариацион автознкодер.**

**Вариацион автознкодер (VAE)** одатдаги архитектурага ўxашш бўлиб, бироқ уларни ўрганишда – кирувчи маълумотларга яқин бўлган эҳtimолликка эга бўлган тақсимотни аниқлашга йўналтирилади. Маълум бир маънода асосий манбага қайтиш бўлиб, VAE ўзи Больцман машинасига ўxашш. Шундай бўлсада, у асосан Байес математикасига таянади, яъни эҳtimоллик нуқтаи назаридан тушунарли бўлган мулоҳазалар, ифодалар бўлсада, улар мураккаб

хисоблашларни тақозо этади. Асосий иш принципини изоҳласак: бир ҳолатнинг иккинчи ҳолатга таъсир даражасини хисоблаш ва инобатга олиш хисобланади. Агар тармоқнинг маълум бир қисмида аниқ бир жараён бажарилса ва бошқа жараён бирон бошқа қисмида бўлса, улар боғланган бўлиши шарт эмас. Агар улар ўртасида боғланиш бўлмаса, бунда хатоликни аниқлаш бўйича силжиш инобатга олиши лозим. Ушбу ёндашув самарали хисобланади, чунки нейрон тармоқлар йирик занжир бўлиб, яширин қатlam бўйича боғланишларни аниқлашда айнан нейронлар ўртасидаги боғликсизликларни четлаштириш ишни осонлаштиради [6].

### **Тармоқ турғунлигини сақловчи (Маълумотлардаги шовқинликни пасайтирувчи) автоэнкодерлар**




- Кириш чиқиши ячейкадаги ўхашлик
- △ Орттирмали кириш ячейкаси
- Яширин ячейка

**18-расм. Тўсиқни пасайтирувчи автоэнкодерлар.**

**Тармоқ турғунылигини сакловчи (Denoising autoшифраторс, DAE) – шундай АЕ ларда кириш қатламига оддий «тоза» берилгандар әмас балки, құшимча түсиқлар билан бирга узатилади, масалан, тасвир аниқ қўринишда әмас, балки йирик нұқталар кетма-кетлиги қўринишда узатиш бўлсин. Хатоликни аниқлаш қўрилган усул билан бажарилади, яъни чиқиш берилгандарини кириш берилгандарини түсиқсиз ҳолати билан таққослаб аниқлаш ҳисобланади. Демак, ушбу усулда тармоқ кичик деталларни әмас балки йирик тузилмаларни эслаб қолади. Чунки кичик деталларни саклашда түсиқлар туфайли ўзгаришлар кўпаяди ва тармоқ ишлаши самарасиз бўлиб қолади [6].**


### 1.11.Чуқур ишончли тармоқлар



**19-расм. Чуқур ишончли тармоқлар.**

**Чуқур ишончли тармоқлар (Deep belief networks, DBN)** – ушбу тармоқлар, бир неча RBM ёки VAE композицияларидан иборат. Ушбу тармоқлар самарали эканлиги шундан иборатки, ҳар бир тармоқ бирма-бир ўрганиш жараёнидан ўтиб, кейинги тармоқ олдинги тармоқни кодлаштиришни ўрганиши лозим. Унда айнан жорий ҳолатда тўғри келадиган ечимлардан оптималини топади бироқ бу натижа оптималлигини кафолатламайди. DBN лар contrastive divergence усуллари асосида ёки хатоликни тескари йўналишда аниқлаш усулида ўрганиш жараёнини олиб боради, RBM ёки VAE каби берилганларни эҳтимоллик модели кўринишда аниқ ифодалашни ўрганади. Кейинчалик ўргатилган ва стационар ҳолатга келтирилган моделни янги берилганларни яратишида қўллаш мумкин. [7].

### 1.11.1. Конволюцион нейрон тармоқлар




- Яширин ячейка
- Ядро
- Конволюция ёки пулинг
- Чиқиш ячейка
- Кириш ячейка

**20-расм. Конволюцион нейрон.**

Конволюцион нейрон тармоқлар (**convolutional neural networks**, **CNN**) ва чуқурлашган конволюцион нейрон тармоқлар, (**deep convolutional neural networks**, **DCNN**) бошқа тармоқлардан анча фарқланади, улар асосан тасвирларни қайта ишлашда, шу билан бирга бошқа кўринишдаги маълумотларни масалан аудио маълумотларни қайта ишлашда қўлланилиши мумкин. Одатий мисол сифатида CNN қўллаб бир неча кўринишдаги тасвирларни узатиш ва уларни таснифлаш, мушук расмини берганда «мушук» деб, итни расмини берганда «ит» деб жавоб чиқарилишини келтириш мумкин. CNN одатда қириш қисми «сканер» ҳолатда бўлиб, олинган маълумотларни барчасини қайта ишлашга мўлжалланмаган. Масалан, 200 x 200 Пиксел ҳажмдаги тасвирни чиқариш учун 40 000 тугундан иборат қатlam яратиш шарт эмас. Бунинг учун 20x20 ҳажмдаги сканерлаш қатлами яратилади, унга тасвирнинг 20 x 20 пиксели юкланади (одатда юқори чап бурчакдан бошлаб юкланади). Сўнгра, қириш қисмини ўрганиш учун ҳам қўллаш мумкин ва сканерни бир пиксел ўнгга суриб кейинги 20 x 20 пикセルни ўрганади. Эътиборлиси шуки қириш 20 пикселларини кўчириш керак эмас, балки тасвирни 20 x 20 ҳажмдаги блокларга ажратиб у бўйича ҳаракат қилинади. Қириш қатламидаги маълумотлар конволюцион қатламдан ўтказилиб узатилиб, бунда ҳар бир тугун барча тугун билан боғланиш ҳолатида бўлмайди. Ҳар бир тугун фақат қўшни ячейкалар билан боғланади (боғланиш даражаси қўллаш давомида аниқланади, одатда бир нечтадан ортмайди). Конволюцион тармоқлар қисқариб бориб чуқурлашади ва қириш маълумотлар омилларини ажратиб олади (демак 20 тали қатlam, аввал 10 тали қатlam, сўнгра 5 қатlamга ўтади). Бу ерда бараварга қисқариш қоидаси қўлланилиб, у аниқ белгиланган: 32, 16, 8, 4, 2, 1. Конволюцион урдан ташқари пул мавжуд бўлиб, бирлашма – бу деталларни фильтрлаб олиш: қўлланиладиган бирлашма технологияси бу 2x2 пикселлар бўйича энг қизил бўлгани ўтказилади. Аудио учун CNN қўллашда асосан товуш тўлқинлари ва улар узунлиги бўйича сегментланган ҳолатда қириш қатламига узатилади. Амалда асосан CNN да кўпинча FFNN қўллаган ҳолда

чизиқсиз абстракцияланган функцияларни қўллаш имконини беради. Ушбу тармоқлар DCNN деб номланади, бироқ номланиши ва абревиатураси кўпинча бир-бирини ўрнини босади [8].


### 1.12.Деконволюцион нейрон тармоқлар



**21-расм Деконволюцион нейрон.**

**Деконволюцион нейрон тармоқлар (deconvolutional networks, DNN)**, тескари график тармоқлар деб номланиб, улар Конволюцион тармоқларнинг акси хисобланади. Фараз қиласлик, «мушук» сўзини ўрганиш учун мушуклар тасвирини қайта ишлаши асосида бериладиган тасвирларни таққослаш орқали ўрганиш олиб борилади. DNN тармоқини FFNN билан бирлаштириш мумкин. Кўп ҳолларда тармоқларга маълумотлар сатр куринишдамас, балки бинар таснифланган вектор кўринишида: масалан,  $\langle 0, 1 \rangle$  – бу мушук,  $\langle 1, 0 \rangle$  – бу ит,  $\langle 1, 1 \rangle$  эса – ҳам мушук, ҳам ит тушунилади. CNN да учрайдиган бирлаштириш қатлами ўрнига унинг акси бўлмиш интерполяция ёки экстраполяция амаллари мавжуд [9].


### 1.12.1. Чуқурлаштирилган тескари конволюцион график тармоғи



**22-расм. Чуқурлаштирилган тескари конволюцион график тармоғи**

Чуқурлаштирилган тескари конволюцион график тармоғи (deep convolutional inverse graphics network, DCIGN) вариацион автокодлаштирувчи тармоқ бўлиб, кодлаштирувчи ва диодлаштирувчи қисмлари мос равишда конволюцион ва деконволюцион бўлиб хизмат қиласди. DCIGN эхтимолликлар кўринишда объект белгиларини моделлаштиради. Масалан, мушук ва ит тасвирланган объектни яратишга ўрганиш мумкин, ҳолбуки тармоқ фақат мушук ва факат ит кўрсатилган тасвирларни кўриб ўрганганд. Шу билан бирга икки объектдан бирини олиб ташлаш имкони ҳам мавжуд. Чуқурлаштирилган тескари конволюцион график тармоғи хатоликни тескари харакатда аниқлаш усулинини қўллади [9].

### 1.12.2. Генератив-рақобатли тармоқ (generative adversarial network, GAN)



- Кириш ячейкасыга қайта мурожаат
- Кириш чиқиш ячейкадаги үхашашлик
- Яширин ячейка

**23-расм. Генератив-рақобатли тармоқ.**

**Генератив-рақобатли тармоқ (generative adversarial network, GAN)** икки нейротармоқлардан иборат: контент яратувчи генератор, уни баҳоловчи дискриминатор. Кўпинча бу мос равишда FFNN ва CNN тармоқлариидир. Дискриминатор – тармоғи генератор томонидан яратилган ёки ўргатувчи маълумотларни қабул қиласи. Дискриминаторга келаётган маълумот манбаига асосланиб хатолик шаклланади. Демак, генератор ва дискриминатор ўртасида «мусобақа» пайдо бўлади: биринчиси иккинчисини алдашни ўрганади, иккинчиси эса ёлғонни ечишни ўрганади. Ушбу кўринишдаги тармоқларни ўрганиш мушкул, чунки уларнинг ҳар бирини ўрганиш билан бир қаторда уларни ўзаро мувофиқлашган ҳолда ишлашини созлашни ҳам талаб этади [10].

## **1.13. Конволюцион нейрон тармоқлари (CNC, CNN)**

Конволюцион нейрон тармоқлар (CNC, CNN) оддий нейрон тармоқларга ўхшайды: ўз оғирлик күрсаткичини ва ўрнини ўзгартирувчи нейронлар асосида шакллантирилади. Ҳар бир нейрон маълум бир берилганларни қабул қиласи, уларни скаляр кўпайтмасини олиб боради, баъзи ҳолларда чизиқли бўлмаган тенгламаларни қўллайди. Оддий нейронлар каби CNN тўлиқлигича битта дифференцияланадиган тўлдириш функцияни ифодалайди (самарали тўлдириш): бир томондан пикселлари қайта ишланмаган тасвирлар, иккинчи томондан – тасвирни тавсифловчи синфларини ёки тасодифий синфлар гурухини чиқаради. Бунда тўлиқ боғланишга эга сўнгги қатламда йўқотиш функцияси мавжуд бўлиб, нейрон тармоқ билан боғланиш жараёнида ишлаб чиқилган барча қонуниятлар боғланиш функциялари CNN да пайдо бўлади. Ундаги фарқни кўриб чиқамиз.

**Конволюцион нейрон тармоқлар архитектураси «кириш қисмидаги берилганлар тасвирни ҳосил қиласи» принципини тахмин қиласи, сўнгра маълум бир хусусиятларини архитектурасига мос қилиб аниқлади. Ушбу хусусиятга асосланган ҳолда бошланғич маълумотларни тахмин қилган ҳолда тармоқ параметрларини қисқартирган ҳолда самарали фойдаланиш.**


### **1.13.1. CNN архитектураси тўлиқ изоҳи**

Маълумки, нейрон тармоқлар бошланғич маълумотларни қабул қиласи (битта вектор) маълумотларни бир неча яширин қатламлардан ўтказиб маълумотлар силжишига эришади. Ҳар бир яширин қатлам бир неча нейронлардан иборат бўлиб, ҳар бир нейрон олдинги қатлам нейронлари билан боғланишга эга бўлади ва битта қатлам функциясида ўзаро мустақил ва ўзаро боғланиш эга бўлмайди. Сўнгги тўлиқ боғланган қатлам чиқиш қатлами деб номланиб, таснифни аниқлашда синфлар сонини ифодалайди.


Оддий нейрон тармоқлар катта ҳажмдаги тасвирлар билан ишлашда масштаб танланмайди. CIFAR-10 компьютерли кўриш тизимида тасвир  $[32 \times 32 \times 3]$  ( $32$  – кенглиги,  $32$  – баландлиги,  $3$  –

ранглар канали) ҳажмга эга, шунинг учун оддий нейрон тармоғидаги биринчи яширин қатламга уланган нейрон 3 072 ( $32 \times 32 \times 3$ ) оғирликка эга бўлади. Бир кўришда ўзгартириш мумкин деб бўлади, бироқ катта ҳажмдаги тасвирларда тўлиқ боғланган структура масштабланмайди. Катта рухсат кўрсаткичига эга тасвирлар, масалан, [ $200 \times 200 \times 3$ ], тўлиқ боғланган нейрон 120 000 оғирликка эга бўлади. Бундан ташқари, янги параметрларни қўшиш имконини берувчи бир неча нейронлар мавжуд бўлиши талаб этилсин. Тўлиқ боғланиш – жуда кўп ресурсни талаб этмокда ва катта ҳажмдаги параметрлар тез қайта ўрганишдан ўтади.

Конволюцион нейрон тармоқларга кирувчи маълумотлар тасвири бўлиб, бошқача тармоқни яратиш учун чекланишлар ҳосил қиласди. Оддий нейрон тармоқлардан фарқли равишда CNN қатламлари нейронлар уч ўлчовли: энига, бўйига ва чуқурликка, яъни, ҳажмни шакллантирувчи ўлчамлар асосида шаклланади. Масалан, CIFAR-10 кириш қисмида фаоллашган кирувчи ҳажм сифатида қабул қилинади, ҳажми эса  $32 \times 32 \times 3$  ўлчовда шакллантирилади. Нейронлар эса қатламнинг маълум бир қисмига фаоллашган ҳолда боғланади. Бундан ташқари, чиқувчи натижа қатлами айнан шу тизимда  $1 \times 1 \times 10$  га teng бўлади, CNN тўлиқ шакллантириш натижасида тўлиқ тасвирни синфларни белгиловчи векторга айлантирилади, бу ўз навбатида чуқурлик ўлчови кўринишда изоҳланади. Куйида ушбу жараён визуализацияси келтирилган



**24-расм.** Оддий нейрон тармоқ.



**25-расм. Конволюцион нейрон тармоқ.**

**24- расмда** оддий уч ўлчовли нейротармоқда жойлашган нейронлар жойлашуви.

**25-расмда** конволюцион уч ўлчовли нейротармоқда жойлашган битта қатламида нейронлар жойлашуви. CNN ҳар бир қатлами киравчи 3D-ҳажмли маълумотни активлашган чиқувчи 3Dҳажмли нейронларга ўгиради. Ушбу мисолда қизил киравчи қатлам тасвир кўринишда бўлганлиги сабабли эни ва бўйи тасвир ўлчами билан белгиланади, чуқурлиги эса 3 га teng (қизил, яшил, кўк каналлар) бўлади.

**Натижা:** конволюцион нейротармоқларнинг асосини қатламлар ташкил қиласди. Ҳар бир қатлам оддий API билан тавсифланади: у киравчи 3D-ҳажмли маълумотларни чиқувчи 3D-ҳажмли маълумотларга ўгиради, бунда ўзгартирувчи функция параметрга эга бўлган ва эга бўлмаган кўринишда ўзгартиради.

### 1.13.2.CNN қўлланиладиган қатламлар

Юқорида айтилгандек схематик кўринишда CNN – бу қатламлар кетма-кетлиги ҳисобланади. Ҳар бир қатлам фаоллашган ҳажмни дифференциаллашган функция орқали бошқа ҳажм кўринишга ўгиради. Конволюцион нейрон тармоқларни шакллантириш учун 3 та асосий қатлам қўлланилади:


1. конволюцион,
2. пулинг (куйи танланма ёки субдискретизация),

3. түлиқ боғланган қатлам.

Ушбу қатламлар түлиқ CNN архитектурасини шакллантириш учун қўлланилади.


CNN тармоғи шакллантиришни маълум бир мисолда тасвирни аниқлаш тизими таснифини CIFAR-10 кўринишда келтириб, [INPUT – CONV – RELU – POOL – FC] архитектурага эга бўлади.

- INPUT (кирувчи маълумотлар)  $[32 \times 32 \times 3]$ да тасвир ҳақида бошланғич маълумотлар сақланади (бу мисолда 32 – эни, 32 – бўйи, 3 – ранглар канали R, G, B).
- 
- CONV қатлами (конволюция қатлами) фильтр кўрсаткичи қийматларини тасвир пикселларининг бошланғич қийматларига кўпайтиради (элементлар бўйича кўпайтириш), сўнгра бу кўпайтмалар суммаланади. Киритилган тасвирнинг ҳар бир уникал позицияси қийматга эга бўлади. Масалан: 12 талик фильтр қўлланилса, хажми  $32 \times 32 \times 12$   $[32 \times 32 \times 12]$  га teng бўлади.



**26-расм. Фаоллашган харитада 5x5 фильтр орқали киритилган тасвирни конволюция жараёни кўриниши.**

- RELU Қатлам (чизиқли ажратиш блоки) элементлар бүйича фаоллаштириш функциясини  $f(x) = \max(0, x)$  қўллади, бунда бошланғич кўрсаткич 0 деб ўрнатилади. Бошқача қилиб айтганда, RELU қўйидаги амалларни бажаради: агар  $x > 0$ , ҳажм ўзгармас қолади( $[32 \times 32 \times 12]$ ), агар  $x < 0$ , кераксиз қисмлар 0 га ўгириш орқали қирқилади.
- POOL Қатлами (пулинг қатлами) фазовий ўлчамларни (эни ва бўйини) қисқартириш амалларини бажаради, натижада ҳажми  $[16 \times 16 \times 12]$  гача қисқартирилади. Яъни бу босқичда хусусиятлар харитасида чизиқли бўлмаган зичланиш бажарилади. Ишнинг мантиқан бажарилиши қўйидагича: агар олдинги конволюция амалида маълум бир хусусиятлар аниқланган бўлса, кейинги қайта ишлашлар учун тўлиқ тасвир узатилиши шарт эмас, шунинг учун зичланган ҳолда тасвир узатилади.
- FC Қатлами (тўлиқ боғланган қатлам) керакли синфни аниқлаш учун  $N$ -ўлчамли векторни чиқаради ( $N$  – синфлар сони). Олдинги қатлам чиқиш қисмига (хусусиятлар харитаси) мурожаат орқали ва аниқ синфга мансуб бўлган хусусиятларни аниқлаш орқали амалга оширилади.




**27-расм. Тўлиқ конволюцион нейрон тармоқ.**

Айнан шу усулда CNN қатламлар бўйича ўтиш орқали бошланғич тасвирни кўчиради, бунда бошланғич пикселлар қийматларига асосланган ҳолда синфларни аниқлаш амали бажарилади. Аҳамиятли бўлмаган қатламлар ҳам параметрларга эга бўлади. Хусусан, конволюция қатлами ва тўлиқ боғланган қатлам ўзгартириш амалини

бажаради, бу эса бошланғич фаоллашган ҳажм күрсаткич билан бир қаторда параметр (оғирлик ва силжиш күрсаткичи)га асосланған ҳолда бажарилади. Иккінчи томондан чизиқли ажратиш блоки ва пулинг қатлами аниқ белгиланған функцияни қўллайди. CONV ва FC қатламдаги параметрлар градиентли ўтиш усули ёрдамида ўрганишни амалга оширилади, шунинг учун конволюцион нейротармоқ орқали синфни аниқлаш амали ҳар бир тасвирга мос равища ўрганиш учун белгиланған күрсаткичларга боғлиқ бўлиб қолади.

Натижада:

1. Энг содда ҳоллар учун CNN архитектураси – қатламлар жамланмаси бўлиб, берилган образни чиқувчи (масалан, синфни аниқлаш кўринишдаги) образга ўгириш.
2. Ҳар бир қатлам тасвирни қайта ишлаш жараёнининг маълум бир босқичи учун жавоб беради (конволюция қатлами, чизиқли тақсимлаш, пулинг ва тўлиқ боғланған қатлам, булар барчаси ҳозирда кенг тарқалган).
3. Ҳар бир қатлам кириш қисмиде 3D ҳажмли маълумотни қабул қиласи ва 3D-ҳажмни сақлаган ҳолда зичлаш функцияси орқали ўзгартиради.
4. Қатлам параметрларга эга бўлмаслиги мумкин (CONV ва FC да мавжуд, RELU ва POOL – эса йўқ).
5. Қатлам гиперпараметрларга эга бўлмаслиги мумкин (масалан, CONV, FC ва POOL да мавжуд, RELU – да эса йўқ).



**28-расм. CNN қатламлари асосида тасвирни қайта ишлаш.**

28-расмда кўрсатилгандек бошланғич ҳажм қайта ишланмаган пикселларга эга (чапда), сўнгги ҳажмда эса – аниқланган синф(ўнгда). Ҳар бир фаоллашган ҳажм тасвирини қайта ишлаш жараёнида устун ҳолатда кўрсатилган. 3D-ҳажмни визуаллаштириш мушкул бўлганда ҳар бир қатlam ҳажм кўриниши қатор кўринишга келтирилади. Сўнгги қатlam ҳажми ҳар бир синфнинг эҳтимоллик кўрсаткичини белгилайди, FC синфларни сараланган кетма-кетлика визуаллаштиради. Бу ерда изоҳланган архитектура қисқартирилган VGG (Visual Geometry Group) тармоқни ифодалайди.

Энди ҳар бир қатlamни бирма-бир кўриб чиқамиз, улар ўртасидаги боғланишни, гиперпараметрлик хусусиятларини ўрганиб борамиз.

### **1.13.3. Конволюция қатлами**

Конволюция Қатлами – CNN қатlam асосини яратувчи қатlam бўлиб, асосий вазифани амалга оширади.

«Ақлий» хусусиятларни инобатга олмаган ҳолда ишнинг мантифи ва изоҳи

Фараз қилинг, CONV қатlam «ақлий» ёки нейрон ёндашувсиз ишлайди. Конволюция қатламининг параметрлари ўрганиш фильтрлари тўпламидан иборат. Ҳар бир фильтр ўзига хос кичик ўлчамли (эни ва бўйига) фазога эга, бироқ, кирувчи тўлиқ ҳажм бўйича ўтади. Масалан, конволюцион нейрон тармоқнинг биринчи қатlam стандарт фильтри [5x5x3] ўлчамга teng бўлиши мумкин. Олдинга қараб ҳаракатланганда кирувчи маълумотларни фильтрнинг эни ва бўйига қараб ўтказамиш ва фильтр ёзуви бўйича скаляр кўпайтмасини кирувчи маълумот бўйича амалга оширамиз. Тасвирнинг энига ва бўйига қараб фильтр ўтиши давомида 2-ўлчовли фаоллашиш харитасини тузамиш ва унинг асосида фазонинг хоҳлаган қисмида аксланишини аниқлайди ва кейинчалик ифодалайди. Маълум бир визуал кўрсаткич аниқланганда фаоллашадиган фильтрларни тармоқ ўрганиб чиқади. Бу биринчи қатlamда маълум бир ўтиш чегараси, аниқ ранг тўплами бўлиши мумкин, тармоқнинг юқори босқичларида эса айланма нақшлар кўринишда бўлиши мумкин. Кейинги жараёнларни ҳар бир конволюция қатламида фильтрлар

түплами билан иш олиб борилади, улар эса ўз навбатида алоҳида 2-ўлчовли фаоллаштириш харитасини шакллантиради. Ушбу фаоллаштириш харитасини чуқурлик бўйича йиғиб бориб чиқувчи ҳажмни шакллантириш мумкин..

#### **1.13.4.«Ақлий» ёндашув**

Нейронлар билан аналогияларни ўтказиш ҳолати нуқтаи назардан қарасак, чиқувчи ҳажмдаги ҳар бир ёзувни чиқувчи нейрон сифатида қурилиб, улар кейинги қатламнинг кирувчи ҳажмнинг кичик бир қисмига мансуб сифатида боғланишга эга деб ҳисоблаш лозим. Улар ўз навбатида барча нейронларни фазовий параметрлар бўйича чапга ва ўнгга қараб тақсимлайди (улар бир хил фильтр натижасидир). Нейронлар ўртасидаги боғланишни, фазовий жойлашувини ва параметрлар тақсимоти моделини ўрганиб чиқамиз.


#### **1.13.5.Локал боғланиш**

Катта ҳажмдаги маълумотларнинг киритиш ҳолати борасида сўз борганда нейронлар ва бошланғич ҳажмга эга нейронлар ўртасида боғланишни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Унинг ўрнига ҳар бир нейронни кирувчи ҳажмнинг маълум бир локал соҳасига боғлаш қуладай ҳисобланади. Ушбу фазовий боғланиш гиперпараметр ҳисобланиб, рецептив (сезувчанлик) майдони деб номланади. Сезувчанлик майдони фильтрлаш майдонига teng бўлиб қолади. Чуқурлик бўйича давомийлик кўрсаткичи бошланғич чуқурлик кўрсаткичига доим эквивалент ҳисобланади. Фазовий ўлчамларни (эни ва бўйини) кўриб чиқишида ассимметрия мавжудлиги, чуқурлик кўрсаткичи эса: эни ва бўйича локал бўлиб, бироқ тўлик чуқурлик кўрсаткичи бўйича ўтишини яна бир марта изохлаб ўтамиз.


**Мисол 1.** Фараз қилайлик, кириш қисмига расм  $[32 \times 32 \times 3]$  ўлчамга teng бўлсин (масалан, RGB-тасвир CIFAR-10). Агар сезувчанлик майдони (фильтр ўлчами)  $5 \times 5$  ga teng бўлса, конволюция қатламидаги ҳар бир нейрон кирувчи ҳажмда  $[5 \times 5 \times 3]$  оралиқда оғирликка teng бўлади бу натижада  $5 \times 5 \times 3 = 75$  (+1 силжиш параметри) ga teng бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, чуқурлик ўқи бўйича давомийлик 3 ga teng

бўлиши керак, шу ҳолдагина математик боғланиш тўғри белгиланган ҳисобланади.

**Мисол 2.** Фараз қилайлик кириш қисмига расм  $[16 \times 16 \times 20]$  ўлчамга тенг бўлсин. У ҳолда сезувчанлик майдони  $3 \times 3$  га тенг деб қабул қилиниб, конволюция қатламидаги ҳар бир нейрон умумий ҳолда кириш қисмида 180 ( $3 \times 3 \times 20$ ) боғланишга тенг бўлади. Демак, бунда локал боғланиш эни ва бўйича (бу ерда –  $3 \times 3$ ) кенгликда бўлиб, бироқ тўлиқ чуқурлик (20) бўйича ўтади.



**29-расм. Конволюция қатлами нейронларининг локал сатҳли кириш қисми (кирувчи тасвир қисми) билан боғланиши.**



**30-расм. Нейронларнинг математик кўриниши.**

**29-расмда:** Мисол кирувчи ҳажмли тасвир (қизил тўртбурчак, параметрлари  $[32 \times 32 \times 3]$ , CIFAR-10 тасвири) ва конволюцион нейрон тармоқнинг биринчи қатламидаги нейронларнинг тахминий ҳажми.

Конволюцион қатламдаги ҳар бир нейрон фақат кириш локал қисми билан боғланган бўлиб, фазовий давомийлик эни ва бўйи кўрсаткичи билан белгиланади, бироқ нейрон тўлиқ чуқурлик бўйича, яъни барча ранглар каналини қамраб олади. Эътибор бериш лозимки, бунда бир нечта нейронлар, (айнан шу мисолда 5та), битта соҳани қамраб оловчи тўлиқ чуқурликдан ўтишади (устунлар чуқурлигини қуида кўриб ўтилади).

**30-расмда:** Оддий нейротармоқлар синфига тааллуқли нейронлар ўзгармаслигича қолади: улар одатдагидай уларнинг оғирлик кўрсаткичи ва уларнинг чизиқли бўлмаган маълумотлари ўртасида скаляр кўпайтмасини ҳисоблайди, бироқ уларнинг боғланиши локал сатхлар билан чеклаб қўйилади.

### **1.13.6.Фазовий жойлашув**


Конволюция қатламда ҳар бир нейроннинг кирувчи ҳажм билан боғланишини кўриб ўтдик, бироқ нейронлар сони борасида ёки чиқувчи ҳажмида уларнинг жойлашуви борасида маълумот кўриб ўтилмади. Чиқувчи маълумотларнинг ўлчамини белгиловчи З та гиперпараметр мавжуд: чуқурлик, қадам ва нолларнинг сони.

1. Энг аввал чиқувчи ҳажмли маълумотларнинг гипер параметри – чуқурликдан бошлаймиз. Кўлланиладиган фильтрлар сони билан эквивалентdir; ҳар бир фильтр кириш қисмидаги маълумотларни кўриниши бўйича фарқларини ўрганади. Масалан, биринчи конволюция қатлами кириш қисмida қайта ишланмаган тасвирни маълумот сифатида қабул қиласи, сўнgra чуқурлик ўқи бўйича нейронлар масалан маълум бирон ранглар тўпламини учратганида фаолланиши мумкин. Кирувчи тасвир хажмининг маълум бир соҳасига «Эътибор қаратган» нейронлар тўпламини чуқурлик устуни деб номлаймиз.

2. Иккинчиси фильтр ўтадиган қадамни белгилаш лозим. Агар қадам 1га teng бўлса, бир мартада фильтр битта пиксельда силжиш амалга оширилади. Агар қадам 2 teng бўлса (баъзан 3, бироқ амалда жуда ҳам камдан-кам) фильтрлар ҳар доим 2 пиксель «сакраб» ўтади. Бу эса ўлчамли соҳа учун камрок натижага чиқариш имконини беради.

3. Маълумки киравчи тасвир чегарасини ноллар билан қамраб олиш қулай ҳисобланади. Ноллар билан тўлдириш ўлчами учинчи гиперпараметр ҳисобланади. Ноллар билан тўлдиришнинг аҳамиятли томони бу чиқувчи натижавий тасвир ўлчамини бошқариш имконини беради (кўпинча киравчи тасвир ўлчамини саклаш учун ушбу хусусият қўлланилади, яъни киравчи ва чиқувчи тасвир ўлчами бир хиллигини таъминлаш лозим бўлади).

Чиқувчи тасвир ўлчамини киравчи тасвир ўлчами ( $\mathbf{W}$ ), конволюция катлами нейронларининг сезувчанлик ўлчами ( $\mathbf{F}$ ), уларнинг силжиш қадами ( $\mathbf{S}$ ), киравчи тасвирда тўлдирилган ноллар сони ( $\mathbf{P}$ ) қўллаган ҳолда функция орқали аниқлаш мумкин. Бунда  $(\mathbf{W}-\mathbf{F}+2\mathbf{P})/\mathbf{S}+1$  формула ёрдамида «тўғри келувчи» нейронлар сонини аниқлаш учун тўғри ҳисобланади. Масалан, кириш қисмида ўлчам  $7 \times 7$  ва фильтр  $3 \times 3$  ўлчамда бўлиб, силжиш қадами 1 ва 0 тўлдиришга teng бўлганда, чиқиш қисмида  $5 \times 5$  ўлчамни оламиз. 2 қадам билан чиқишида  $3 \times 3$  ўлчамни оламиз. Яна битта график мисолни кўрамиз.



**31-расм. Нейронларнинг фазовий жойлашуви.**

**Нейронларнинг фазовий жойлашуви иллюстрацияси.** Ушбу мисолда факат битта текислик ўлчами (х ўқи) мавжуд, битта нейрон  $F=3$  сезувчанлик майдонига эга, кириш ўлчами  $W=5$  ва ноллар билан тўлдириш  $P=1$  га teng.

**Чапда:** кириш қисми бўйича  $S=1$  қадам билан чўзилган нейрон, чиқувчи натижани  $(5-3+1)/1+1 = 5$  ўлчамда чиқаради.

**Ўнгда:**  $S=2$  қадамга эга нейрон бўлиб, чиқувчи ўлчами  $(5-3+1)/2+1 = 3$  га teng бўлади. Эътибор беринг,  $S=3$  қадами тўлиқ ҳажмни қамраб олмайди. Арифметика нуқтаи назари бўйича қўйидагича аниқланади:  $(5-3+2) = 4$  ва у 3 га қолдиқсиз бўлинмайди. Ушбу мисолдаги

нейронлар оғирлик кўрсаткичи – [1,0,-1] га тенг бўлади (расмда ўнгда кўрсатилган), шу сабабли уларнинг силжиши нолга тенг бўлади. Бу оғирлик барча нейронлар учун умумийdir.

**Ноллар билан тўлдириш усулини қўллаш.** Юқорида келтирилган мисолда кириш ўлчами 5 га тенг чиқиш қисмидаги ўлчам – 5 тенглигича қолди. Бу имконият сезувчанлик қатламнинг ўлчами 3 га тенг бўлганда пайдо бўлади, ҳамда 1 га тенг бўлган ноллар билан тўлдириш усулини қўлладик. Агар ноллар билан тўлдириш мавжуд бўлмаганда, чиқувчи ҳажмли маълумот ўлчами 3 га тенг бўлар эди, чунки айнан 3 та нейрон тўлиқ ҳажм бўйича идеал силжиши мумкин эди. Умумий ҳолда ноллар билан тўлдиришларни  $P = (F-1)/2$  деб белгилаб, қадамни  $S=1$  деб ҳисобланса, кирувчи ва чиқувчи ҳажм бир хил фазовий ўлчамга эга бўлади. Ноллар билан тўлдириш усули айнан бошланғич катталикни сақлаш, яъни эни ва бўйи ўлчамини ўзгармас сақлаш учун қўлланилади.

**Қадамлардаги чекланишлар.** Гиперпараметрларнинг фазовий жойлашуви ўзаро симметрик чекланишларга эга. Масалан, кирувчи ҳажмли маълумотнинг ўлчами  $W=10$  га тенг бўлганда, ноллар билан тўлдириш мавжуд бўлмайди ( $P=0$ ), фильтр ўлчами  $F=3$  га тенг бўлганда,  $S=2$  га тенг қадамни қўллаш имкони бўлмайди, чунки  $(W-F+2P)/S+1 = (10-3+0)/2+1 = 4.5$  га тенг бўлади, яъни каср сон нейронлар симметрик жойлашмаганлигини билдиради. Демак, ушбу гиперпараметрларнинг жойлашуви нотўғри ҳисобланади ва **ConvNet** кутубхонаси қайта ўрнатиб, ноллар билан тўлдириш, кириш қисмидаги маълумотларни қирқиши, корректировка бажариш имконини бермайди. «Конволюция нейрон тармоқлари архитектураси» да кўрсатиладиганидек, CNN ўлчамини ва барча ўлчамларни аниқлаш катта муаммо бўлиб, бу масалаларни ноллар билан тўлдириш ва лойиҳалашнинг баъзи принциплари билан ҳал этиш мумкин.

**Амалий мисол. Крижевский Архитектураси ва бошқалар,** ImageNet мусобақасида 2012 йил ғолиб чиқган бўлиб, тасвир ўлчами

[ $227 \times 227 \times 3$ ] га тенг. Биринчи конволюция қатламида сезувчанлик майдони **F=11 га тенг бўлган**, қадами **S=4**, ҳамда ноллар билан тўлдириш мавжуд бўлмаган (**P=0**) нейронларни қўллаган. Бунда  $(227-11)/4+1 = 55$  га тенг бўлиб, конволюция қатлами чуқурлиги **K=96 га чиқувчи ҳажмли маълумот ўлчами** [ $55 \times 55 \times 96$ ] га тенг. Ҳар бир  $55 \times 55 \times 96$  нейронлар кейинги кириш қисмининг [ $11 \times 11 \times 3$ ] ўлчамли сатҳи билан боғланган. Бундан ташқари барча 96 нейронлар тўплам бўйича турли оғирлик кўрсаткичига эга [ $11 \times 11 \times 3$ ] ўлчамли сатҳи билан боғланган. Расмий равишда тасвир ўлчами  $224 \times 224$  га тенг, аниқки бу нотўғри ҳисобланади, чунки барча амаллар бажарилганда  $(224-11)/4+1$  ифода бизга бутун сонни натижা сифатида бермайди. Бу натижани тўғрироғи ноллар билан тўлдириш усулида олинган, бироқ бу ҳақида айтиб ўтилмаган.

### **1.13.7.Параметрларни ҳамкорликда қўллаш**

Конволюция қатламида параметрларни ҳамкорликда қўллаш принципи асосан параметрлар сонини назорат этиш учун қўлланилади. Юқорида келтирилган амалий мисол биринчи конволюция қатламида  $55 \times 55 \times 96 = 290\,400$  нейронларга эга ва уларнинг ҳар бири  $11 \times 11 \times 3 = 363$  оғирликка ва 1 силжишига эга. Умумий ҳисоблагандаги  $290\,400 * 363 = 105\,705\,600$  биринчи конволюция нейрон тармоқлари қатламида параметрлар сонини ҳосил қиласиди. Чунончи бу жуда катта сон ҳисобланади.

Демак, қўйидаги усул ёрдамида параметрлар сонини қисқартиришимиз мумкин: агар битта хосса маълум бир фазовий кенглик ( $x, y$ ) да ҳисоблашларда тўғри келса, айнан шу хоссани ( $x_2, y_2$ ) юзада ҳам қўллаш самарали бўлиши. Бошқача қилиб айтганда, битта 2-ўлчовли чуқурлик қирқими – **чуқурликлар қирқими** (масалан, [ $55 \times 55 \times 96$ ] ўлчамли ҳажмли маълумотлар тўпламида [ $55 \times 55$ ] ўлчамга эга 96ta чуқурлик кўрсаткичига эга), бир хил оғирлик ва силжишларни қўллаш учун ҳар бир қирқим нейронларини сақлаймиз. Параметрларни тақсимлаш схемаси туфайли конволюциянинг биринчи қатлами (ҳар бир чуқурлик қирқими бўйича) тахминан 96 та уникал оғирлик тўпламига эга бўлади ва

умумий сони  $96*11*11*3 = 34\,848$  уникал оғирликка ёки 24 944 параметрга (+96 силжишлар) эга. Барча  $55*55$  нейронлар ҳар бир чуқурлик қирқимда бир хил параметрларни қўллашни бошлайди. Амалиётда тескари боғланиш орқали хатоликни текшириш усулида ҳар бир нейрон хажмли маълумотлар тўпламида оғирлик градиентини аниқлади, бироқ чуқурлик қирқимлари бўйича тўлдирилиб борилади ва ҳар бир қирқим учун битта оғирликлар тўпламини янгилаб боради. Эътибор беринг: битта чуқурлик қирқимидағи барча нейронлар битта оғирлик векторини қўлласа, ҳар бир чуқурлик қирқимидағи конволюция қатламидағи тўғри силжишларни нейрон оғирликлари конволюциони сифатида қабул қилиш мумкин (шу ҳолатдан келиб чиқган ибора – конволюцион қатлам). Айнан шу сабабли оғирликлар тўплами учун у умумий ҳисобланиб, кирувчи маълумотларни ийғилган ҳолатда фильтр кўринишда қўллаш ҳисобланади.



**32- расм. Крижевский ва бошқалар ўрганаётган фильтрлар кўриниши.**

Крижевский ва бошқалар ўрганаётган фильтрларга мисоллар. Ҳар бир келтирилган 96 фильтрлар  $[11 \times 11 \times 3]$  ўлчамга эга, ва улар ҳамкорликда  $55 \times 55$  нейронларни битта чуқурлик қирқимида қўллайди. Параметрларни ҳамкорликда қўллаш мантикий боғланишга асосланади: агар тасвирининг аниқ бир қисмида горизонтал боғланишлар аниқланса тасвирининг бошқа қисмлари учун самарали ва тушунарли бўлиши лозим. Конволюция қатламининг  $55 \times 55$  ҳажмдаги

турли қисмлари учун горизонтал боғланишни аниклаш учун қайта ўрганиш мавжуд эмас.

Баъзан параметрларни ҳамкорликда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Одатда CNN га узатилаётган тасвир марказлаштирилган структурага эга бўлган ҳоллар билан боғлиқ бўлиб, тасвир аксини қайта ишлашда айнан марказ учун алоҳида қолган қисмлари учун алоҳида хусусиятлар ўрганилиши лозим. Масалан, оддий мисол қилиб марказлаштирилган ҳолатда инсоннинг суратини кўриш мумкин. Табиийки, кўзлар билан боғлиқ хусусиятлар ва соч билан боғлиқ хусусиятлар турли текислик нуқталари асосида ўрганилиши лозим. Демак, бу ҳоллар учун параметрларни ҳамкорликда қўллаш схемасидан воз кечиб, унинг ўрнига **локал боғланган катлам** схемасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ..

### 1.13.7. NumPy мисоллар

Юқорида келтирилган маълумотларни аниклаштириш учун аниқ мисолни код кўринишида кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, барча кирувчи маълумотлар – бу NumPy-массив X. Бунда:

- Чуқурлик устун кўрсаткичи ( $x, y$ ) нуқтасида фаоллашуви эса  $X[x, y:]$ .
- D чуқурликдаги фаоллашув картасига эквивалент бўлган чуқурлик қирқими фаоллашуви  $X[d]$  бўлади.

Фараз қилсак, кирувчи ҳажм X (бу NumPy-массив) шакли  $X.shape: (11, 11, 4)$  кўринишида бўлсин. Кейинги қадам, фараз қилсак, ноллар билан тўлдириш қўлланилмасин, (**P=0**), фильтр катталиги **F=5** га, қадам эса **S=2** га teng бўлсин. Демак, чиқувчи ҳажмнинг фазовий ўлчами  $(11-5)/2+1 = 4$  га teng бўлади, яъни эни ва бўйини тўртга баравар деб ўрнатилади. Чиқувчи ҳажмда фаоллашув харитаси (V деб номласак) қуйидаги кўринишида бўлади (ушбу мисолда бир неча элементлар ҳисобланади):

- $V[0,0,0] = \text{np. sum}(X[:5:5:] * W0) + b0$
- $V[1,0,0] = \text{np. sum}(X[2:7:5:] * W0) + b0$
- $V[2,0,0] = \text{np. sum}(X[4:9:5:] * W0) + b0$
- $V[3,0,0] = \text{np. sum}(X[6:11:5:] * W0) + b0$

Эслатиб ўтамизки, NumPy да \* амали массивларнинг элементлар бўйича кўпайтмасини билдиради. Бунда, оғирлик вектори  $W_0$  ушбу нейрон оғирлик вектори ҳисобланади,  $b_0$  эса – бу силжиш кўрсаткичи бўлиб,  $W_0$  қиймати  $W_0.shape: (5,5,4)$  шакл кўрсаткичидан келиб чиқади, бунда фильтр ўлчами 5 га teng, кирувчи ҳажм чуқурлик кўрсаткичи – 4 га teng. Ҳар бир нуқтада оддий нейрон турлардагидек скаляр кўпайтмалар олиб борилади. Шу билан бирга (параметрларнинг ҳамкорликда қўллаш ҳисобидан) битта оғирлик ва силжиш кўлланилади, эни бўйича ўлчаш қадами 2 га teng бўлади. Иккинчи фаоллаштирувчи харитани чиқиш ҳажмида кўриш учун қўйидаги амал бажарилади:

- $V[0,0,1] = \text{np. sum}(X[:5:5:] * W_1) + b_1$
- $V[1,0,1] = \text{np. sum}(X[2:7:5:] * W_1) + b_1$
- $V[2,0,1] = \text{np. sum}(X[4:9:5:] * W_1) + b_1$
- $V[3,0,1] = \text{np. sum}(X[6:11:5:] * W_1) + b_1$
- $V[0,1,1] = \text{np. sum}(X[:5,2:7:] * W_1) + b_1$  (у ўки бўйича ўтиш)
- $V[2,3,1] = \text{np. sum}(X[4:9,6:11:] * W_1) + b_1$  (иккала ўқлар бўйича ўтиш)

Иккинчи фаоллашув харитасини ҳисоблашда бошқа параметрлар ( $W_1$ ) қўлланилишини инобатга олган ҳолда бу ерда иккинчи ўлчамлар  $V$  чуқурлик асосида индексация олиб борилади. Юқорида келтирилган мисолда қисқартирилган ҳолда  $V$  массивни қолган қисмларини тўлдириш учун конволюция қатлами бажарувчи баъзи амалларига тўхтаб ўтмадик. Эслатиб ўтамизки, фаоллашув харитаси фаоллашиши функцияси ёрдамида элементлар бўйича бирма-бир ҳаракатланишади, бироқ бу функция бу ерда келтирилмаган.

### **1.13.8. Конволюция қатлами бўйича амаллар кетма-кетлиги**

Конволюция қатлами бўйича хуоса келтирамиз:

- **$W_1 \times H_1 \times D_1$**  ўлчамдаги маълумотларни қабул қиласи
- 4 гиперпараметрни талаб этади:
  1. **K** фильтрлар сони,

2.  $F$  фазовий тарқалиш,
3. қадами  $S$ ,
4. ноллар билан түлдириш сонли ифодаси  $P$ .

- Ўлчам  $W2 \times H2 \times D2$ , ҳажмини күради, бунда:

1.  $W2 = (W1 - F + 2P) / S + 1$
2.  $H2 = (H1 - F + 2P) / S + 1$  (эни ва бўйи бир хил ҳисобланади)
3.  $D2 = K$

- Параметрларни ҳамкорликда қўллаш усули ёрдамида  $F \cdot F \cdot D1$  оғирликларни фильтрларга узатиш бажарилиб ва умумий ҳолда оғирликларни  $(F \cdot F \cdot D1) \cdot K$  сонда ва  $K$  силжишда беради.

- Чиқиши ҳажмида  $d$ - чуқурлик кесими ( $W2 \times H2$  ўлчамда) бу натижа бўлиб, бу кириши ҳажмида  $S$  қадамга эга  $d$ - силжиш асосида конволюция  $d$ - фильтрланиш натижасидир.

Гиперпараметрларнинг кенг тарқалган қийматлари:  $F=3$ ,  $S=1$ ,  $P=1$  га teng. Бироқ, умумий тартиб ва эмпирик қоидалар мавжуд бўлиб, улар асосида гиперпараметрлар аниқ қийматлари белгиланади.

### **1.14.Демо-конволюция тармоғи**

Кўйида ишлайдиган конволюцион - қатлам демо-версияси келтирилади. Уч ўлчовли маълумотларни визуаллаштириш мушкул бўлганлиги сабабли, барча ҳажмлар (кирувчи ҳажм (кўк), ҳажмлар оғирлик кўрсаткичи (қизил), чиқувчи ҳажм (яшил)) ҳар бири сатрда жойлашган чуқурлик қирқими асосида визуаллаштирилади. Кирувчи ҳажм ўлчами  $W1=5$ ,  $H1=5$ ,  $D1=3$  teng бўлсин, конволюция қатламиининг параметрлари –  $K=2$ ,  $F=3$ ,  $S=2$ ,  $P=1$  га teng. Яъни  $3 \times 3$  ўлчамга teng бўлган 2 фильтрга эга бўлиб, у 2 қийматга teng қадам билан ишлайди. Чунончи чиқувчи ҳажм фазовий ўлчами  $(5-3+2)/2+1 = 3$  га teng бўлади. Бундан ташқари, ноллар билан түлдириш кўрсаткичи  $P=1$  га teng бўлган ҳолда кирувчи ҳажмга қўллаб ташқи чегараларини нолга ўзгартиради. Қўйида келтирилган визуализация чиқувчи фаоллашув қийматларини бирма-бир текшириб чиқади (яшил) ва ҳар бир элемент айнан чиқувчи маълумотларни (кук) элементларини ўзаро кўпайтириш ва фильтрлаш(қизил) орқали

хисобланишини, ҳамда қийматларни кетма-кет суммалаш ва натижаларни силжиш бўйича корректировка қилишини ифодалайди.

### 1.14.1.Матрикаларни кўпайтириш кўринишда қўллаш.

Конволюция амали асосан киравчи маълумотлар локал соҳалари билан фильтр кўрсаткичлари ўртасида скаляр кўпайтмани бажаради. Конволюция қатламини қўллашнинг умумий принципи юқорида келтирилган хусусиятни бажарган ҳолда конволюция қатламининг ўтиши натижасида ягона катта матрица кўринишга келтириш хисобланади:

1. Киравчи тасвирнинг локал қисмлари жараён давомида устунлар кўринишда чўзилади ва улар одатда **i<sub>m</sub>2col деб номланади**. Масалан, кириш қисмига  $[227 \times 227 \times 3]$  ўлчамдаги тасвир қабул қилинса, 4 қадам асосида фильтрлар ёрдамида  $[11 \times 11 \times 3]$  ўлчамгача қисқартирилиши мумкин, сўнгра  $[11 \times 11 \times 3]$  ўлчамдаги пикселлар блокини вектор кўринишда алоҳида вектор-устун кўринишда  $11 \times 11 \times 3 = 363$  ўлчамда чўзиш мумкин бўлади. Ушбу жараённинг такрорланиши эни ва бўйига нисбатан  $(227 - 11) / 4 + 1 = 55$  та ўрин бераб,  $X_{\text{col}}$  матрицани  $[363 \times 3025]$  ўлчамда беради, бунда ҳар бир устун чўзилган майдонга эга бўлади (умумий ҳолда  $55 \times 55 = 3025$  майдонга эга бўлади).

2. Конволюция қатламининг оғирлик кўрсаткичи мос равишда сатр бўйлаб чўзилади. Масалан, агар  $[11 \times 11 \times 3]$  ўлчамга эга 96 фильтр мавжуд бўлса,  $[96 \times 363]$  ўлчамли  $W_{\text{row}}$  матрицасини беради.

3. Конволюция жараённинг натижаси битта катта кўпайтириш матрицасининг np.dot ( $W_{\text{row}}, X_{\text{col}}$ ) амалга оширилиши билан эквивалент бўлиб келмоқда, бунда ҳар бир фильтр ва майдон ўртасида скаляр кўпайтма хисобланади. Кўрилаётган мисолда ушбу амал натижаси  $[96 \times 3025]$  кўринишда бўлади, чиқиши қисмида ҳар бир локал қисм учун фильтр кўпайтмаси ҳосил қилинади.

4. Натижа эса  $[55 \times 55 \times 96]$  ўлчамга нисбатан бошланғич кўринишга келтирилиши лозим:

Бундай ёндашув, сезиларли камчиликка эга бўлиб,  $X_{\text{col}}$  матрицаси баъзи қийматларининг кўп маротаба такрорланиши сабабли хотирадан самарали фойдаланиш имконини бермайди. Бошқа

томондан, асосий устунлиги матрицаларнинг самарали кўпайтмалари тўпламидан мақсадга мувофиқ равишда қўллаш мумкин.  $im2col$  иш принципи ғоясини пулингни ишга туширишда қўллаш мумкин.

### **1.14.2. Тескари боғланиш орқали хатоликни текшириш усули.**

Конволюция амали учун тескари кайтиш жараёни (берилганлар учун ҳам, оғирликлар учун ҳам )— бу ўша оддий конволюция амали бўлиб, фазовий тўнтарилган фильтрларга эга бўлади.

#### **1x1 ўлчамда конволюция**

Энг аввал шуни айтиш лозимки кўргина тажрибаларда (масалан, **Network in Network**)  $1 \times 1$  форматдаги конволюция усули қўлланилган. Бу кўринишдаги конволюция усулини хусусан иккиласми сигналларларда қўллаш умуман ноқулай ҳисобланади, чунки одатда сигналлар 2 ўлчамли бўлиб,  $1 \times 1$  ўлчамдаги конволюция аҳамиятсиз бўлиб қолади (бу оддий нуқтали масштаблаш бўлиб қолади). Бироқ CNN да бу ўзгача бажарилади, чунки 3-ўлчовли маълумотлар билан ишлаб, фильтр тўлиқ фазовий чуқурлик бўйича ўтиб фильтранади. Масалан, кириш қисмида  $[32 \times 32 \times 3]$  ўлчамдаги тасвир қабул қилинса,  $1 \times 1$  ўлчамдаги конволюция амали бажарилса, у ҳолда самарали равишда 3-ўлчовли скаляр кўпайтма бажарилади (чунки кириш қисми 3 каналдан иборат).

### **1.14.3. Кенгайтирилган конволюция**

Янги тадқиқотлар (**Фишер Ю. ва Владлен Колтун мақоласида**) натижасида конволюция қатламининг яна битта гиперпараметри— дилатация (кенгайтириш) аникланди. Юқорида конволюция қатламининг кетма-кет жойлашган фильтрлари ишини кўриб чикдик, бироқ шундай фильтрлар мавжудки, ҳар бир ячейка оралаб (сакраб) ишлайди. Бу оралиқлар кенгайтмалар деб номланади. Мисол: 3 ўлчамга teng  $w$  фильтрнинг битта ўлчамига нисбатан  $x$  кириш қисмида  $w[0]*x[0] + w[1]*x[1] + w[2]*x[2]$  амали бажарилсин. Бу 0 дан дилатация эканлигини билдиради. 1 дилатацияси учун қуйидаги ҳисоблашлар олиб борилиши лозим:  $w[0]*x[0] + w[1]*x[2] + w[2]*x[4]$ . Бошқача қилиб айтганда 1 га teng оралиқ мавжуд бўлиб қолади. 0-кенгайтмали фильтрлар билан мувофиқлашган

қўлланилиши баъзи ҳоллар учун самарали ҳисобланади, чунки кирувчи фазовий берилганларни кам қатламлар асосида бирлаштириш имконини беради. Масалан, ҳар бир фильтр устки қисмида 2та 3x3 ўлчамли конволюция қатлами ўрнатилса, 2-қатlam нейронлари 5x5 ўлчамдаги кириш қисми функцияси (яъни 5x5 нейронлар самаралилик майдони) бўлиб қолади. Агар кенгайтирилган конволюция қатлами қўлланилса, самаралик майдони тезроқ кенгайиб боради.

### 1.15.Пулинг қатlam

CNN архитектурасида одатда конволюция қатламлари кетма-кетлигида ораларига пулинг (қуйи танлаш) қатламни ўрнатиш оддий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Унинг вазифаси тасвир фазовий ўлчамини босқичма-босқич кичрайтириш бўлиб, тармоқда параметрлар ва ҳисоблашлар сонини камайтириши, ҳамда қайта ўрганиш жараёнини назорат қилиш имконини бериш ҳисобланади. Пулинг қатламга кирувчи берилганларнинг фазовий чуқурлиги кўрсаткичидан боғлиқсиз ҳолда максимум функциясини қўллаган ҳолда тасвирни фазовий масштаблаш амалини бажаради. Кўпинча 2x2 ўлчамга эга ва қадами 2 га teng фильтрли қатlam қўлланилади; бундай қатламга кирувчи берилганларни фазовий чуқурлигини ҳар бир қисм учун ҳам энига ҳам бўйига дискретизация бўйича 2 баробар қисқартиради, бунда 75% га халос этилади. Ҳар бир MAX амали 4 та қийматдан энг максималини танлайди. Бунда фазовий чуқурлик ўлчами ўзгармас қолади. Умуман олганда, пулинг қатлами қўйидагича ишлайди:

- **W1xH1xD1** ўлчамга эга берилганларни кириш қисмида қабул қиласди
  - 2та гиперпараметрни талаб этади:
    1. **F** унинг давомийлигини,
    2. **S** қадамини.
  - Бошланғич параметрларни киритади, чунки аниқ белгиланган бошланғич функцияни ҳисблайди.

Қуйи танлашларда ноллар билан тўлдириш қўлланилмайди. Амалиётда пулинг қатламини фақат 2та вариациясини **F=3, S=2** гиперпараметрлари билан (умумлаштирувчи қуйи танлаш деб

номланади) ва энг кенг тарқалган қатlam  $F=2$ ,  $S=2$  гиперпараметрларга эга күринишлари. Катта ҳажмдаги майдонга эга пулинглар деструктив ҳисобланади.

### **1.15.1.Умумий пулинг**

Максимал қуи танлаш ҳолати учун құшимча сифатида шуни айтиш лозимки, пулинг қатламлар бошка функцияларни ҳам бажариши мүмкін. Масалан, қуи танлашларнинг ўртача күрсаткичилігі ёки L2-нормаллашған танловни ҳосил қилиш. Эҳтимоллик жихатдан ўрталашған танлаш күпинча құлланилиб келинганды бирок, охирги вақтларда құлланилиши қулай бўлган максимизацияланған танловга нисбатан иккиламчи бўлиб колди.

Тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулида

Конволюция қатламини ўрганиш давомида  $\max(x, y)$  амали учун тескари боғланишда хатоликни аниқлаш жараёни кириш қисми учун градиент сифатида қабул қилинади, қайсики, тўғри боғланишда кенгрок қийматларга эга бўлган. Бинобарин, тўғри боғланишда пулинг қатламида максимал фаоллашиш индексини аниқлаш жараёни бажарилиши лозим, чунки тескари боғланишда градиентлаш йули самарали белгиланиши керак бўлади.

### **1.15.2.Пулингдан холис бўлиш**

Баъзи мутахассислар пулинг амалини ортиқча ҳисоблаб, қўлламайди. Масалан, Д. Т. Спрингенберг, А. Досовицкий, Т. Брокс ва М. Ридмиллер ўзининг ишида пулинг қатламидан холис бўлишни таклиф этиб, унинг ўрнига архитектурада конволюция қатламларни такоран қўллаш усулини таклиф этган. Тасвир ифодаланиши ўлчамини қисқартириш учун катта ҳажмдаги конволюция қатламини қўллашни тавсия қилди. Субдискретизацияни рад этиш генератив моделларда ўрганиш жараёни учун вариацион автосоциатор (VAE) ёки рақобатдошли генератив тармоқ (GAN) күринишда асосий ўринни ўйнайди. Яқин орада конволюцион нейрон тармоқ архитектураси пулинг қатламидан ҳосил бўлади ёки жуда кам сонда қўлланила бошланади.

## **1.16. Түлиқ боғланган қатlam**

Оддий нейро тармоқлар каби түлиқ боғланган қатlamда нейронлар олдинги қатlam барча фаол нуқталари билан түлиқ боғланышга эга. Уларнинг фаоллашув кўрсаткичлари матрицалараро силжиш жараёнида матрицаларни кўпайтириш орқали аниқланади.

### **1.16.1. Түлиқ боғланган қатlamларни конволюцион қатlamга ўзгартириш**

Түлиқ боғланган қатlamлар ва конволюцион қатlam ўртасидаги фарқ шундан иборатки, конволюция қатлами нейронлари кириш қисми локал соҳалари билан боғланган ва улар ҳамкорликда параметрлардан фойдаланиши мумкин. Бироқ икки қатlamда ҳам нейронлар ўз хусусиятлари билан фарқлансада скаляр кўпайтмани ҳисоблади ва шунинг учун улар функционал кўриниши айнан бир хил. Бундан ташқари, бу икки кўринишдаги қатlamлар негизида конвертациялаш мумкин:

- Барча кўринишда конволюцион қатlam учун унинг вазифасини бажариши мумкин бўлган түлиқ боғланган қатlam мавжуд. Оғирликлар матрицаси катта ҳажмдаги матрица кўринишда бўлиб, баъзи блоклардан ташқари (локал боғланганлик сабабли) у асосан 0 лар билан тўлдирилган, кўпгина оғирлик кўрсаткичлари (параметрларни ҳамкорликда қўлланилиши учун) тенг бўлади.
- Ва акси, барча кўринишда түлиқ боғланган қатlam конволюцион қатlamга ўзгартирилиши мумкин. Масалан, түлиқ боғланган қатlam чуқурлиги **K=4 096** тенг бўлиб, [7x7x512] ўлчамга тенг бўлган кириш берилганларига йўналтирилган бўлсин, уни қуйидаги параметрларга эга конволюцион қатlamга ўгириш мумкин: фильтр ўлчами **F=7**, ноллар билан тўлдириш мавжуд эмас (**P=0**), қадами **S=1** ва фильтр чуқурлиги **K=4 096** га тенг. Бошқача қилиб айтганда, фильтр ўлчамини киравчи берилганлар ўлчами билан бир хил ўрнатилади. Чиқиш қисмида [1x1x4096] ўлчамни оламиз, чунки чуқурликнинг бинар устуни барча кириш берилганлари бўйича «тўғри» тартибда ўтади, шунинг учун бошланғич түлиқ боғланган қатlam берадиган натижани беради.

### 1.16.2. Қайта ўзгартириш роли

Тұлық боғланган қатламларни конволюцион қатlamга ўзгартыриш имкони амалда кенг қўлланилмокда. Кириш қисмида  $[224 \times 224 \times 3]$  ўлчамга эга тасвирни қабул қилиб, унинг ҳажмини фаоллашиш ҳажмига  $[7 \times 7 \times 512]$  гача қисқартириш учун бир қатор конволюция ва пулинг қатламларни қўлловчи конволюцион нейрон тармоқни кўриб ўтамиз. AlexNet архитектурасида бу амал 5 та пулинг қатламини қўллаш орқали амалга оширилиб, унда кирувчи фазовий тасвир дискретизацияси қисқартирилади ва натижада тасвир ҳажми  $224/2/2/2/2 = 7$  га teng бўлиб қолади. AlexNet архитектураси 2 та 4 096 ҳажмига эга тўлиқ боғланган қатламни ва классларни хисоблаш учун 1000 нейронга эга 1 та тўлиқ боғланган қатламни қўллайди. Изоҳланган алгоритм бўйича 3 та қатламдан барчасини йиғувчи қатламга ўзгартышимиз мумкин:

1.  $[7 \times 7 \times 512]$  ўлчамдаги кириш қисмига йўналтирилган тўлиқ боғланган биринчи қатламни йиғувчи қатлам билан ўзгартышимиз мумкин, бунда унинг фильтри ўлчами **F=7** га teng бўлиб, чиқувчи берилганлар ҳажми  $[1 \times 1 \times 4096]$  кўринишда бўлади.

2. Иккинчи тўлиқ боғланган қатламни фильтр ўлчами **F=1** га teng бўлган йиғувчи қатлам билан ўзгартыриш мумкин, бунда чиқувчи берилганлар ҳажми  $[1 \times 1 \times 4096]$  кўринишда бўлади.

3. Учинчи тўлиқ боғланган қатламни фильтр ўлчами **F=1** га teng бўлган йиғувчи қатлам билан ўзгартыриш мумкин, бунда чиқувчи берилганлар ҳажми  $[1 \times 1 \times 1000]$  кўринишда бўлади.

Ушбу ҳар бир қайта ўзгартыришлар натижасида конволюция қатлами фильтрида оғирлик кўрсаткичлари матрицасини **W** ўзгартыши (масалан, кўринишини ўзгартыриш) мумкин. Демак, бу ўзгартыришлар асосида бир мартага “ўтиш” да CNNни катта ҳажмдаги тасвир кўпгина соҳалари бўйича ўтказиш мумкин.

Масалан, тасвир ўлчами  $224 \times 224$  бўлиб, унинг ҳажми  $[7 \times 7 \times 512]$ , яъни 32 га қисқартирилди. У ҳолда  $384 \times 384$  ўлчамдаги тасвирни ушбу ўзгартырилган архитектура бўйича ўтказилса унга эквивалент бўлган  $[12 \times 12 \times 512]$  ҳажмдаги тасвирни беради, чунки  $384/32 = 12$ . Натижада

битта  $[1 \times 1 \times 1000]$  ҳажмга эга баҳолаш вектори ўрнига, тўлиқ  $6 \times 6$  баҳолаш массиви синфига эга бўлиб,  $384 \times 384$  тўлиқ ҳажми бўйича ўтказилади.

Конволюция нейротармоғи  $224 \times 224$  ўлчамда  $384 \times 384$  тасвир бўйича 32 пиксел қадам билан ўтишининг натижаси ва бирламчи конвертацияланган CNN ўтиш билан бир хил натижа беради.

Табиийки, қайта ишланган нейрон тармоқнинг бир марталик ўтиши, оригинал CNN нинг 36 позиция бўйича бир неча маротаба итерацияланишига нисбатан самарали ҳисобланади. Бу усул одатда унумдорликни кўтариш учун амалда қўлланилади. Масалан, тасвир ўлчамини катталаштириш лозим бўлганда конвертацияланган конволюцион нейротармоқ қўлланилади ва барча тасвир фазовий қисмлари баҳоланади ва у ўртacha кўрсатгичга келтирилади.

CNN қадамини 32 пикселдан паст ҳолатда бошланғич кўринишда тасвирга жорий этиш учун тўғри ўтиш қийматларини қайта кўпайтириш орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, агар 16 пикселли қадамни қўллаш лозим бўлса, ўзгартирилган конволюция нейротармоғи бўйича олинган натижаларни икки маротаба бирлаштириш лозим бўлади: энг аввал бошланғич тасвир ўтказилади, сўнгра - тасвир эни ва бўйи бўйича 16 пикселга сурилган ҳолатда иккинчи маротаба ўтказилади.

## **1.17.CNN архитектураси**

Кўриб ўтганимиздек, конволюцион нейротармоқлар одатда 3 хил асосий қатламдан иборат, буларга: конволюция, пулинг ва тўлиқ боғланган қатламлар киради. Фаоллаштириш функцияси ҳам қатлам кўринишда жорий этилиб, улар чизиқсиз функция кўринишда ҳар бир элемент асосида олиб борилади. Кўйида ушбу қатламлар ўзаро ҳамкорликда тўлиқ CNN ҳосил қилишини кўриб ўтамиз.

### **1.17.1.Қатламлар кўриниши**

Кўпинча CNN архитектурасини қуришда бир неча қатламлар кетма-кетлиги қўлланилиб, конволюция, ректификация қатламлари бир неча марта қўйилиб, улардан сўнг пулинг қатлами қўйилади; ушбу шаблон бошланғич тасвир жуда кичик ўлчамга етказилгунча

қўлланилади. Маълум бир вақтдан сўнг тўлиқ боғланган қатламларга ўтиш амалга оширилиб, сўнгги тўлиқ боғланган қатлам чиқувчи маълумотга, масалан синфини аниқлаш маълумотига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, энг кенг тарқалган CNN архитектураси қўйидаги схема кўринишда бўлади:

```
INPUT -> [[CONV -> RELU]*N -> POOL?] *M -> [FC -> RELU]*K -> FC
```

Бунда «\*» такрорланишини билдиради, POOL? Эса қўшимча пулинг қатламини кўрсатади. Бундан ташқари,  $N \geq 0$ , (одатда  $N \leq 3$ ),  $M \geq 0$ ,  $K \geq 0$  (одатда  $K < 3$ ) тенг бўлади. Қуйида келтирилган намуна бўйича CNN архитектураси келтирилган:

- INPUT -> FC, чизиқли классификаторни жорий этади. Бунда  $N = M = K = 0$ .
  - INPUT -> CONV -> RELU -> FC
  - INPUT -> [CONV -> RELU -> POOL]\*2 -> FC -> RELU -> FC.
- Бунда ҳар бир пулинг қатлами орасида конволюция қатлами жойлашган.
- INPUT -> [CONV -> RELU -> CONV -> RELU -> POOL]\*3 -> [FC -> RELU]\*2 -> FC. Бунда 2 конволюция қатлами ҳар бир пулинг қатлами орасида ётади.

Йирик ва чуқур тармоқларда бу архитектураги қўллаш самарали натижа беради, чунки бир нечта конволюцион қатламларнинг бир неча марта қўлланилиши кириш қисмидаги маълумотларнинг тўлиқ хусусиятларини очиб беришга ва сўнгра уларни пулинг қатламида қўллаш имконини беради.

Одатда, йирик конволюция майдонини қўллашдан қўра, бир нечта катта бўлмаган фильтрлаш қатламларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Фараз қилинг, қатламларда чизиқсиз ўтишни инобатга олиб,  $3 \times 3$  ўлчамдаги конволюция қатламини бирма-бир қўямиз. Бунда

ҳар бир нейрон биринчи конволюция қатлами кириш қисмida  $3 \times 3$  ўлчамга эга бўлади. Иккинчи қатламда нейронлар биринчи қатлам бўйича  $3 \times 3$  ўлчамига ва кириш қисмининг  $5 \times 5$  ўлчамга эга бўлади. Худди шундай учинчи қатламда нейронлар  $3 \times 3$  ўлчам иккинчи қатлам бўйича ва кириш қисмининг  $7 \times 7$  ўлчамига эга бўлади. Фараз килинг, ушбу учта конволюция қатлами ўрнига битта  $7 \times 7$  ўлчамли рецептив майдонга эга битта CONV-қатлам кўлланилсин. Бу қатлам нейронлари кириш қисми ( $7 \times 7$ ) кенгликда рецептив майдонига эга бўлади, бироқ бир неча камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, Зта конволюция қатламидан иборат стек қатлам хусусиятларини ифодаловчи чизиқсиз функцияга эга бўла туриб, кириш қисмининг чизиқли функциясини ҳисоблади.

Иккинчидан, барча кириш қисми берилганлари тўлалигича С та каналларга эга. Унда битта конволюция қатлами ўлчами  $7 \times 7$  бўлиб,  $Cx$  эса  $(7 \times 7 \times C) = 49C^2$  параметрларига эга бўлиб, З қатламдан иборат стек Зх фақат  $(Cx (3 \times 3 \times C)) = 27C^2$  параметрга эга бўлади. Маълумки, кичик фильтрга эга CONV –қатламларнинг бир нечтасини «кўллаш» усули кам параметрлар ёрдамида кирувчи маълумотлар хусусиятларининг кучли томонларини ифодалашга имкон беради. Бу ерда битта камчилик бу оралиқ даврда олинадиган натижаларнинг барчасини саклаш учун катта ҳажмдаги хотирани талаб этилиши ҳисобланади.

Амалиётда эса ImageNet маълумотлар базаси билан ишловчи усул кўлланилади. Мутахассислар керакли архитектурани танлашда 90% сараланиб четлаштирилади, чунки айнан ImageNet билан ишловчи архитектурани танлаш, ўрганиш жараёнидан ўтган модельни юклаш ва қўйилган масала мослаштириб созлашнинг ўзи кифоя. Конволюция нейротармоғини нольдан бошлаб ўрганиш мутахассислардан талаб этилмайди.

### 1.17.2. Аниқ мисоллар

Конволюция нейротармоқларнинг энг кенг тарқалган архитектурасини кўриб чиқамиз:

- **LeNet**. энг биринчи бўлиб Ян Лекун 1990-йилларда конволюция нейро тармоғини самарали қўллаб архитектура ишлаб чиқишига эришди. **LeNet архитектураси** почта индекслари, ракамлар ва х.к. аниқлаш ва ўқиб олишда қўлланилган.
- **AlexNet**. Бу архитектура Алекс Крижевский, Илья Суцкевер ва Джофф Хинтон ишлари натижасида эришилган бўлиб, CNN нинг компьютер видеокузатув соҳасида машҳур бўлишига олиб келди. **AlexNet архитектураси** 2012 йил **ImageNet ILSVRC Challenge** да тақдим этилиб, барча рақобатларда ютиб чиқди (иккинчи ўринни эгаллаган архитектурада 26% хатоликка нисбатан 16% хатолик билан ютди).
- **ZF Net**. 2013 йил ILSVRC ютган Мэтью Зеллер ва Роб Фергюснинг конволюция нейрон тармоғи бўлиб, **ZF Net** (аббревиатураси Zeiler ва Fergus) ном билан машҳур. Ушбу архитектура AlexNex версиясининг такомиллаштирилган ҳолати бўлиб, конволюция тармоғи ўртacha ўлчами оширилиб, бирини қатlam фильтрининг қадами камайтирилди.
- **GoogLeNet**. 2014 йили юқорида кўрсатилган танловда ютиб чиқган **Шегеди** Google корпорациясининг бошқа ходимлари томонидан ишлаб чиқилган CNN. Бу архитектуранинг ютуғи шундан иборатки, кириш қисми модулини (Inception Module) ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлиб, параметрлар сонини 60 млн дан 4 млнгача қисқартириш имконини берди. Параметрларнинг қисқартирилиши тармоқ юқори қисмидаги тўлиқ боғланган қатламларни ўрта пулинг қатламлари билан алмаштириш ҳисобидан амалга оширилди.
- **VGGNet**. GoogLeNet дан кейин тез орада ILSVRC 2014 танловида **Карен Симонян ва Эндрю Циссерман** тармоғи эълон қилинди. Мутахассислар унинг имкониятларини намойиш этиб, асосий унумдорлик омили бу тармоқнинг чукурлик кўрсаткичидир. Бу тармоқ 16 та конволюция ва тўлиқ боғланган қатламга эга бўлиб, бир жинсли архитектура  $3 \times 3$  ўлчамда конволюция ва  $2 \times 2$  пулинг амалини бошидан охиригача бажаради. Бошланғич модель Caffe фреймворкда чукур ўрганиш учун Plug and Play режимида ишлайди.

- **ResNet. Қолдиқли тармок (Residual Network)**, Кайминг Хетомонидан ишлаб чиқилған бўлиб, ILSVRC танловида ғолиб чиқди. Асосий хусусиятлари – пакетли нормаллаштиришни интенсив ва махсус скип-боғланишлар қўлланилади. Архитектура сўнгида тўлиқ боғланган қатламлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунда ResNet конволюцион нейротармоқлар соҳасида кенг қўлланиладиган ва энг юқори ютуқ ҳисобланади.

### 1.17.3. VGGNet изоҳи

**VGGNet** тўлиқ изоҳини кўриб ўтамиз. Тармок тўлалигича конволюция қатламларидан иборат бўлиб,  $3 \times 3$  ўлчамда 1-қадам билан конволюция амалини бажаради, 1 билан тўлдиради. Шу билан бирга пулинг қатлами  $2 \times 2$  ўлчамда максимал танловни 2-қадам билан амалга оширади ва ноллар билан тўлдирмайди. Ҳар бир қадамда ўлчам ўзгаришини ифодалаш ва оғирлик кўрсаткичи сони ўзгаришини кузатиш мумкин:

INPUT:  $[224 \times 224 \times 3]$  хотира:  $224 \times 224 \times 3 = 150\text{K}$  оғирлик кўрсаткичи: 0

CONV3–64:  $[224 \times 224 \times 64]$  хотира:  $224 \times 224 \times 64 = 3.2\text{M}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 3) \times 64 = 1,728$

CONV3–64:  $[224 \times 224 \times 64]$  хотира:  $224 \times 224 \times 64 = 3.2\text{M}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 64) \times 64 = 36,864$

POOL2:  $[112 \times 112 \times 64]$  хотира:  $112 \times 112 \times 64 = 800\text{K}$  оғирлик кўрсаткичи: 0

CONV3–128:  $[112 \times 112 \times 128]$  хотира:  $112 \times 112 \times 128 = 1.6\text{M}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 64) \times 128 = 73,728$

CONV3–128:  $[112 \times 112 \times 128]$  хотира:  $112 \times 112 \times 128 = 1.6\text{M}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 128) \times 128 = 147,456$

POOL2:  $[56 \times 56 \times 128]$  хотира:  $56 \times 56 \times 128 = 400\text{K}$  оғирлик кўрсаткичи: 0

CONV3–256:  $[56 \times 56 \times 256]$  хотира:  $56 \times 56 \times 256 = 800\text{K}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 128) \times 256 = 294,912$

CONV3–256:  $[56 \times 56 \times 256]$  хотира:  $56 \times 56 \times 256 = 800\text{K}$  оғирлик кўрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 256) \times 256 = 589,824$

CONV3-256:  $[56 \times 56 \times 256]$  хотира:  $56 \times 56 \times 256 = 800K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 256) \times 256 = 589,824$

POOL2:  $[28 \times 28 \times 256]$  хотира:  $28 \times 28 \times 256 = 200K$  оғирлик күрсаткичи: 0

CONV3-512:  $[28 \times 28 \times 512]$  хотира:  $28 \times 28 \times 512 = 400K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 256) \times 512 = 1,179,648$

CONV3-512:  $[28 \times 28 \times 512]$  хотира:  $28 \times 28 \times 512 = 400K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 512) \times 512 = 2,359,296$

CONV3-512:  $[28 \times 28 \times 512]$  хотира:  $28 \times 28 \times 512 = 400K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 512) \times 512 = 2,359,296$

POOL2:  $[14 \times 14 \times 512]$  хотира:  $14 \times 14 \times 512 = 100K$  оғирлик күрсаткичи: 0

CONV3-512:  $[14 \times 14 \times 512]$  хотира:  $14 \times 14 \times 512 = 100K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 512) \times 512 = 2,359,296$

CONV3-512:  $[14 \times 14 \times 512]$  хотира:  $14 \times 14 \times 512 = 100K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 512) \times 512 = 2,359,296$

CONV3-512:  $[14 \times 14 \times 512]$  хотира:  $14 \times 14 \times 512 = 100K$  оғирлик күрсаткичи:  $(3 \times 3 \times 512) \times 512 = 2,359,296$

POOL2:  $[7 \times 7 \times 512]$  хотира:  $7 \times 7 \times 512 = 25K$  оғирлик күрсаткичи: 0

FC:  $[1 \times 1 \times 4096]$  хотира: 4096 оғирлик күрсаткичи:  $7 \times 7 \times 512 \times 4096 = 102,760,448$

FC:  $[1 \times 1 \times 4096]$  хотира: 4096 оғирлик күрсаткичи:  $4096 \times 4096 = 16,777,216$

FC:  $[1 \times 1 \times 1000]$  хотира: 1000 оғирлик күрсаткичи:  $4096 \times 1000 = 4,096,000$

TOTAL хотира:  $24M * 4 \text{ bytes} \cong 93\text{MB} / \text{image}$  (only forward! ~\*2 for bwd)

TOTAL параметрлар: 138M параметрлар

Шунга эътибор бериш лозимки, хотиранинг кўп қисми энг биринчи конволюция қатламларида кўлланилади, параметрларнинг кўпчилиги эса тўлиқ боғланган қатламларда охиргиларида жойлашган. Ушбу

аниқ мисолда түлиқ боғланган қатlam да 100 та оғирлик күрсаткичи мавжуд, буларнинг умумий сони 140 млн.

#### **1.17.4.Хисоблашлар бўйича тавсиялар**


CNN қуришда асосий тўсиқ бу хотира. Замонавий график процессорлар хотира лимити 3, 4 ёки 6 Гб, бироқ энг замонавий GPU 12 Гб га эга. Учта асосий хотира талаб этилади:

- Маълум бир оралиқда берилганлар хажми. Бу ҳар бир CNN қатламида қайта ишланмаган фаоллашиш сигналлари ва уларнинг градиентлари. Одатда фаоллашиш сигналлари конволюция нейротармоқнинг биринчи қатламларида жойлашган бўлади. Шуни айтиш жоизки, фаоллашиш сигналлари тескари боғланишда хатоликни аниқлашда қўлланилади. Бироқ унумли фойдаланишда CNN факатгина тадқиқот жараёнида қўлланилади ва натижада фаоллашувлар сони факат жорий ҳолатни саклаш ҳисобидан қисқариши мумкин. Бунда олдинги ҳолатлар пастки қатламларга бирин – кетин сурилади.
- Параметрлар ўлчами. Бу тармоқ параметрлари сони, уларнинг тескари боғланишда хатоликни аниқлашдаги градиенти ва кэш қадамидан иборат. Демак, параметрлар векторини саклаш учун талаб этиладиган хотира тахминан 3 га teng бўлган коэффициентга қўпайтирилиши лозим.
- Барча конволюция нейротармоғининг қўлланилишида **кўп жинсли** хотирадан фойдаланиш лозим, яъни тасвир берилганлари пакети қўринишда бўлиб, янада такомиллашиш имкони билан қўллаш.

Кийматларнинг (фаоллашув, градиент ва ҳ.к.) умумий сони аниқ бўлгандан сўнг уни Гб ларга ўтказдириш керак бўлади. Кийматлар сони 4 га қўпайтирилса байтлар сони келиб чиқади, сўнгра 1 024 га бир неча марта бўлиш орқали хотирани килобайт, сўнг мегабайт ва гигабайтда оласиз. Агар қурилган тармоқ “мос келмаса”, уни пакет ўлчамини қисқартириш орқали «мослаштириш» мумкин, чунки хотиранинг кўп қисми айнан фаоллашув орқали эгалланади.

## 1.18.Рекуррент нейрон тармоқлар синфи

### Recurrent Neural Network (RNN)




- Кириш ячейка
- Чиқиш ячейка
- Такрорланган ячейка

**33-расм. Рекуррент нейрон.**

**Рекуррент нейрон тармоқ (recurrent neural network, RNN)** FFNN тармоқ түркумидаги тармоқ бўлиб, бироқ RNN нейронлар маълумотларни фақат олдинги қатламдан олиш билан чекланмайди, балки тўлиқ рекуррент тармоқдан қабул қилиб олади. Яъни келаётган барча маълумотлар кетма-кетлигини хотирада сақлашни ўрганади. RNN мураккаблиги – градиентнинг пасайиб бориб йўқолиши бўлиб, вақт ўтиши билан тармоқ сақлаётган маълумотларини йўқота бошлайди. Гарчи нейрон ҳолатига таъсир қилмасдан, фақат оғирлик кўрсаткичини аниқлашда таъсир қилсада, кетма-кетликлар ҳақидаги маълумотлар айнан уларда сақланади. Рекуррент нейрон тармоқлар асосан маълумотларни автоматик тўлдиришда қўлланилади.

## Узок өсік муддатли хотира



Кириш



Чиқиши ячейкасы




Түрли хотиралы ячейка

**34-расм. Узок өсік муддатли хотира.**

**Узок өсік муддатли хотира (long short term memory, LSTM)** тармоғи рекуррент нейрон тармоқлардаги маълумот йўқотиш муаммосини ҳал этади, бунда фильтрларни ва мавжуд хотира ячейкасини қўллайди. Ҳар бир нейрон хотира ячейкасига ва учта фильтрга эга: киравчи, чиқувчи ва унтувчи. Фильтр мақсади— маълумотларни химоялаш. Киравчи фильтр олдинги қатламдан сақлаш лозим бўлган маълумотлар ҳажмини белгилайди. Чиқувчи фильтр эса, кейинги қатлам қабул қилувчи маълумотлар ҳажмини белгилайди. Унтувчи фильтр хотирада қийматларни сақлаш даражасини назорат этади, масалан, агар тармоқ бирон бир китобни ўрганаётган жараёнида янги бўлимга ўтса, олдинги бўлимдаги баъзи

бир матнларни унутади. LSTM тармоғи мураккаб структураларни яратишга қодир, бироқ катта ҳажмдаги ресурсларни талаб этади.

## Бошқариладиган рекуррент блоки



- Кириш
- Чиқиш ячейкаси
- $\Delta$  Хотира

35-расм. Бошқариладиган рекуррент блок.

**Бошқариладиган рекуррент блоки (gated recurrent unit, GRU)** – бу рекуррент нейрон тармоқларнинг мантиқий механизми бўлиб, узок ва қисқа муддатли хотира тармоғининг бир кўриниши ҳисобланади. GRU бир фильтрга кам бўлиб, боғланиш кўриниши ҳам ўзгача: кириш, чиқиш ва унутиш фильтри ўрнига битта янгилаш фильтри қўлланилади. Бу фильтр орқали олдинги ҳолатдан олинадиган маълумотни ва олдинги қатламдан олинадиган маълумотларни таҳлил қиласи. Ҳолатни ташлаш фильтри унутиш фильтри каби ишлайди, бироқ жойлашуви бошқача. Кейинги қатламга ҳолат ҳақида тўлиқ

маълумот узатилади – яъни чиқиши фильтри бу ерда мавжуд эмас. GRU ва LSTM ўртасидаги фарқ шундаки, GRU тезроқ ва содда ишлайди, бироқ унинг имкониятлари чекланган.

### 1.19. Тьюринг нейрон машинаси




36-расм. Тьюринг нейрон.

**Тьюринг нейрон машинаси (neural Turing machine, NTM)** узок ва қисқа муддатли хотирага эга абстракт тармоқ сифатида қаралади, шу билан бирга нейрон тармоқ ичида кечадиган жараённи изоҳлайдиган тармоқ деб қабул қилинади. Хотира ячейкаси нейрондан алоҳида жойлашган. Яъни Тьюринг машинасидагидек ҳисоблаш ячейкаси хотира ячейкасидан ажратилган (Тьюринг машинаси), бироқ тизимда ҳисоблашлар белгиланган тартибда бажарилади. Демак, NTM да тармоғини аниқ дастурлаш орқали эмас, балки тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулида ўрганиш мумкин. Бу ўз навбатида

маълумотларни сақлаш тизимини ва нейрон тармоғи имкониятларини бирлаштиришга олиб келади, айнан шу сабабли бу тармоқ Тьюринг машинаси деб номланади: яъни маълумотларни ўқиши, ёзиб олиш ва ўқиб олган маълумот турига қараб ўз холатини ўзгартириши мумкин ва уни тўлиқ Тьюринг деб номланади

### **1.20.Икки йўналишли рекуррент нейротармоқ**

Икки йўналишли рекуррент нейротармоқ, узоқ ва қисқа муддатли хотирага ва икки йўналишли бошқарувчи рекуррент блокга эга икки йўналишли тармоқ




**37-расм. Икки йўналишли рекуррент нейротармоқ (BRNN).**

**Икки йўналишли рекуррент нейротармоқ (BRNN),** узоқ ва қисқа муддатли хотирага (BLSTM) ва икки йўналишли бошқарувчи рекуррент блокга(BGRU) эга икки йўналишли тармоқ схемада кўрсатилмаган, улар ўзининг бир йўналишли тармоқда нусхасини такрорлайди, бироқ улар қўллайдиган маълумотлар фақат олдинги қатламдан эмас балки кейинги қатламдан ҳам олинади. Масалан,

LSTM каби бир йұналишлы тармоқ «мушук» сүзини аниклашда ҳарфлар бир йұналишда бериб бажарилса, иккі йұналишда кейинги ҳарфни ҳам бериб аниклашади. Шу каби тармоқтар тасвирларни кенгайтириш ва бўшлиқларни тўлдириш ҳолатларида қўллаш учун мўлжалланган.


### 1.21. Чуқур орттирмали тармоқ



38-расм. Чуқур қолдиқли тармоқ.

**Чуқур қолдиқли тармоқ (deep residual network, DRN)** чизиқли йўналтирилган чуқур нейротармоқ бўлиб, алоҳида қатламлар орасида қўшимча боғланишлар мавжуд. Шу билан бирга чуқур қолдиқли тармоқ рекуррент тармоқларга жуда ўхшаб кетади, шу билан бирга узок ва қисқа муддатли тармоқ билан кўпинча таққосланади. DRN тармоқларни шаблонлар асосида ўрганиш мумкин, шаблон сатхи 150 қатламгача бўлиши мумкин [11].

## 1.22. Нейрон эхо-тармоқ




- Кириш ячейка
- Чиқиши ячейка
- Рекуррент ячейка

**39-расм. Нейрон эхо-тармоқ.**

**Нейрон эхо-тармоқ (echo state network, ESN)** рекуррент нейрон тармоқнинг бир кўриниши ҳисобланиб, битта яширин қатламга эга. Ушбу қатлам резервуар сифатида хизмат қилиб, нейронлар ўртасидаги сийрак тасодифий боғланишларга эга. Резервуар ичидағи боғланиш аниқ фиксируланган, бироқ чиқиш қатлами билан боғланишни ўқитиш мумкин. Яширин қатлам ҳолати резервуарнинг олдинги ҳолатлари ҳамда кириш ва чиқиш сигналларнинг олдинги ҳолатлари бўйича ҳисобланади. ESN ўрганиш учун тескари боғланишда хатоликни аниқлаш усулини қўллаб бўлмайди, бироқ кириш қатламига маълумотларни узатган ҳолда янгилаб туриб, чиқувчи маълумотлар ҳолати ўзгаришини кузатиш лозим. Эхо-тармоқ вақт кўрсаткичи асосида самарали ишлайди.

## 1.23. Экстремал ўрганиш машинаси




- Кириш ячейка
- Чиқиш ячейка
- Яширин ячейка

40-расм. Экстремал ўрганиш машинаси.

Экстремал ўрганиш машинаси (*extreme learning machine, ELM*) – бу ўрганиш алгоритми бўлиб, кўриниши бўйича битта яширин қатламга эга чизиқли тақсимланган тармоқ ва унда нейронлар тасодифий боғланишга эга. Оғирлик кўрсаткичи яширин қатлам учун тасодифий белгиланса, очик қатлам учун мавҳум тескари матрица орқали олинади. Яширин ва очик қатламлар учун оғирлик кўрсаткичлар бир қадам мобайнида ўрганилади. ELM кўпинча турғун ҳолатлар усулига ва ESN га ўхшаб кетади, бироқ FFNN каби қўлланилади.

## 1.24. Турғун ҳолатлар машинаси




41-расм. Турғун ҳолатлар машинаси.

**Турғун ҳолатлар машинаси (liquid state machine, LSM)** нейрон эхо-тармоқ билан ўхшашлиги мавжуд, уларнинг фарқи LSM да фаоллашувнинг сигмоидиал функция ўрнига чегарани белгилаб оладиган функция кўлланилади, бунда ҳар бир нейрон жамлаб борувчи хотира ячейкаси бўлиб хизмат қиласди. Нейрон янгиланган кўшни нейронлар қийматлари йиғиндисига тенг бўлмайди, балки ўзининг қийматига кўшиб олади, белгиланган чегарага етганда бошқа нейронларга эълон қилинади.

## 1.25.RNN LSTM ёрдамида таржима жараёни

Нейрон машинали таржима (NMT neural machine translation) – бу машинали таржима тизими бўлиб, машинали таржима жараёнида аниқлик ва тезкорлик кўрсаткичини ошириш учун қўлланилади. NMT тармоқ иши оддий шифратор-десифраторга асосланган. NMT да қўлланиладиган нейрон тармоқлар бу рекуррент нейрон тармоқлар (RNN) хисобланади. Айнан RNN нинг танланганлигига сабаб, циклик структуранинг мавжудлиги, янги такрорланаётган кетма-кетликни ўрганиш имконини беради. Бундан ташқари, икки тил асосидаги гапларни кетма-кетлик кўринишда сақлаш имконини беради. RNN структураси қуйидаги расмда келтирилган.



**42-расм. RNN структураси.**

Юқорида келтирилган кўриниш бўйича шуни англаш мумкин-ки, битта қатламни бир неча қатламларга бўлиниши мумкин, натижада олдинги босқичдаги маълумотларни битта ячейкада сақлаш имконини беради. бошланғич ва натижа маълумотлар ўртасидаги берилганлар ўртасидаги муносабат олдиндан маълум бўлса, RNN ёрдамида кетма-кетликлар харитасини ифодалаш мумкин.

X ва Y- мос равища бошланғич ва натижавий тилларда берилган гаплар берилган бўлсин. RNN **кодлашга** бошланғич гап X ни бир нечта белгиланган ўлчамдаги векторларга ўзгартиради. Ушбу десифратор битта сўзни битта чиқиши кўринишда эҳтимоллик асосида узатади.

$$P(Y|X) = P(Y|X_1, X_2, X_3, \dots X_m) \quad (6)$$

Бунда  $x_1, x_2, \dots x_m$  бу шифратор ёрдамида кодланган аниқ векторлар ҳисобланади. Юқорида келтирилган қонуният асосида тенглама күриниши қуи күринишга ўзгаради. Кейинги сўзни декодлашда қўлланиладиган символи гаплар векторлари орқали башорат қилинади. Юқорида келтирилган ифода қуидаги күринишда бўлади.

$$P(Y|X) = P(y_i|y_0, y_1, y_2, \dots, y_{i-1}; X_1, X_2, X_3, \dots X_m) \quad (7)$$

Таксимотдаги ҳар бир таркиб softmax (*Softmax* – бу кўп ўлчовли ҳолатлар учун логистик функция) луғатдаги ҳар бир сўз асосида функция күринишда келтирилади.

Бироқ RNN қўллаш самарали бўлсада, узун гаплар билан ўрганиш ҳолатлар учун муаммолар пайдо бўлади, чунки “узоқ муддатли боғланиш муаммоси” мавжуд. Бунга сабаб, RNN да т вақт оралиғи учун натижа қуидаги күринишда аниқланади

$$\frac{\partial h_t}{\partial h_0} = \frac{\partial h_t}{\partial h_{t-1}} * \frac{\partial h_{t-1}}{\partial h_{t-2}} * \dots * \frac{\partial h_2}{\partial h_1} * \frac{\partial h_1}{\partial h_0} \quad (8)$$


Демак, мультипликативлик эфекти сабаб, катта ҳажмдаги гапларни таржима қилишда самарадорлик ва аниқлик кўрсаткичлари камаяди. Қуидаги масалада кўриб чиқамиз. Башорат этиш масаласида гапдаги кейинги сўзни аниқлаш учун ўгириш тили модели қўлланилса, катта ҳажмдаги гапларда маълум бир қисмларда бўшлиқлар пайдо бўлади. Яъни аниқланган контекстлар ва аниқланмаган контекстлар ўртасида қолиб кетишлар пайдо бўлади ва усул самарасиз бўлиб қолади. Бироқ, «Мен зўр футбол ўйинчисиман ва мен дарвозага коптокни тўғри тепаман» каби гапларда, таржимасида гапнинг иккинчи қисми айнан биринчи қисм асоси сифатида хизмат қиласи. Гапларда бир нечта вариантлар мавжуд бўлиши мумкин (масалан, бошлангич кетма-кетлик, ўрта кетма-кетлик ва қуи кетма-кетлик). Бу муаммо маълумотлар жойлашуви, яъни сўзлар кетма-кетлиги ва катта ҳажмдаги гаплар билан ишлаганда яққол кўриниб туради. Амалда ўрганиш жараёнида RNN қўллаш мушкул бўлади, чунки барча тилларда мураккаб контекстли боғланиш

мавжуд бўлиб, RNN кодлаш ва декодлашда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. RNN камчилигини олдини олиш мақсадида узоқ ва қисқа муддатли хотира (LSTM) моделини кодлаш ва декодлашда қўллаш лозим бўлади.

### **1.26. Узоқ ва қисқа муддатли хотира (LSTM) модели.**

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотира (LSTM) RNNнинг бир кўриниши бўлиб, машинали таржима тизимларида баъзан RNN LSTM билан ўзгартирилади. LSTM ҳам занжир структурасига эга бўлиб, RNN такрорлаш модулидан фарқланади.

Нейрон тармоқнинг битта қатлами ўрнига 4 қатламли модуль мавжуд. Ўрганиш жараёнида бу қатламлар ҳам шу модуллар оралиғида ҳамда, бошқа модуллар оралиғида ўзаро боғланишади. LSTM модулининг типик структураси расмда келтирилган.



**43-расм. LSTM модулининг типик структураси.**

LSTMда такрорланадиган модули тўртта ўзаро боғланадиган қатламга эга. Бу модулда ўрганиш жараёни 4 та амали учун 4 кириш қисмига эга. Биринчи қисм, агар ”қайта тиклаш - калит” ( $f_t$ , Бу ўрганиш жараёнида қатламнинг қайси қисмидан бошлаб олдинги маълумотларни унутиш кераклигини белгилайди). Кейинги сигмоид қатлами, бу кириш-калит ( $i_t$ ) қатлами бўлиб, тизимнинг янгиланадиган қийматларини белгилайди. Учинчи калит -  $\tanh$  функцияли қатлам бўлиб, янги вектор қиймат-номзодларини,  $\tilde{C}_t$  яратади, уни модулда ҳолат қўринишда қўшади. Сўнгиде, чиқиш қисми тўртинчи қатламни белгилайди. Бу ҳам  $\tanh$  функцияси бўлиб, кейинги модуллар

холатларини яратади. Ушбу барча функциялар ифодалари қуидаги күринишида келтирилади:

$$f_t = \sigma(W_f * [h_{t-1}, x_t] + b_f$$

$$i_t = \sigma(W_i * [h_{t-1}, x_t] + b_i$$

$$\tilde{C}_t = \tanh(W_C * [h_{t-1}, x_t] + b_C$$

$$C_t = f_t * C_{t-1} + i_t * \tilde{C}_t$$

$$o_t = \sigma(W_0 * [h_{t-1}, x_t] + b_0$$


$$h_t = o_t * \tanh(C_t) \quad (9)$$

Расмда кириш қисмидан АБВ қабул қиласы да ВXYZ ни натижа гап күринишида чиқаради. Гап охирига етгандан (EOS-end of sentences) сүнг модель башорат қилишни тұхтатилади - чиқариш сигналы узатилади.

## 1.27. Нейрон машинали таржима тизимни созлаш


**A. Шифратор ва дешифратор** Нейрон машинали таржимада LSTM да икки йұналишли кодлаш қўлланилади. Бу кодировщик маълум бир вақт ичида чиқиш қисмидаги маълумот фақат олдинги маълумот билан бир қаторда кейинги маълумотга ҳам боғлиқлик концепциясига асосланган. Бу ғояни қўллаб, битта чиқиш қисмига, икки томонга йўналтирилган яширин қатламларни қўллашга LSTM йўналтирилади. Бу ўзгаришга эга LSTM версияси икки йўналишли LSTM (Bi-LSTM) деб номланади. Bi-LSTM жорий тармоқ кириш қисми маълумотларини ошириш учун қўлланилган. LSTM дан фарқли равища, Bi-LSTM да жорий ҳолатдан бошлаб кейинги киравчи сигналларга мурожаат этиш имкони мавжуд. Расмда икки йўналишли шифратор архитектураси келтирилган. Расмда кўрсатилган кодировщик бир қатламли шифратор ҳисобланади. Google нейрон машинали таржимонда кодировщик 8 қатламли бўлиб, дешифратор

вақти маълумотни қайта ишлаш учун қўлланилади. Ўрганиш жараёни самарали бўлиши учун бир нечта LSTM қатламларни ҳам шифратор да ҳам дешифраторда қўллаш тавсия этилади.




**44-расм. LSTM тармоғида гапларни моделлаштириш**  
 Bi-LSTMли шифраторнинг икки йўналишли конструкцияси  
 Дешифраторнинг вазифаси сўзлар векторини натижавий тилга декодлаш ҳисобланади.

Икки қатламли дешифраторнинг кўриниши расмда келтирилган.



**45-расм. Дешифратор қатламнинг архитектураси**

**B. Attention (эътиборга олиш) қатлами.** Моделда attention қатлами бу шифратор ва дешифратор ўртасидаги кўприк бўлиб, attention моделининг икки кўриниш мавжуд; глобал ва локал. Глобал attention модели ғояси бу контекст  $c_t$  векторларини чиқаришда кодировщик барча яширин қатламлари ҳолатларини инобатга олиши лозим. Глобал attention модели,  $a_t$ , қайсики, у берилган ўлчамдаги ўзгарувчиларни тўғрилаш вектори бўлиб, у маълум бир узунликда бўлади ва бошланғич қийматлардан бошлаб вақт қадамларига teng. У жорий яширин  $h_s$  ҳолатлар билан бошланғич яширин  $h_t$  ҳолатларни таққослаш орқали ҳосил қилинади. Ўгиришда тилнинг моделини яратиш концепцияси локал attention моделдан фарқланади. Attention локал моделда, модель энг аввал битта тўғриланган қатори кетма-кетлик  $r_k$  натижавий тил учун башорат этади. Марказ деб ҳисобланган жорий бошланғич  $r_t$  позиция ёрдамида, атроф позициядаги контекст векторлари  $c_t$  аниқланади. Бу тизимда локал attention модел қўлланилди. Attention қатлами ишини кўрсатувчи чизма расмда келтирилган.




**46-расм. Локал attention модели.**


### С. Қолдиқ боғланишлар ва кўприк

Нейрон тармоқ самарадорлиги унинг чуқурлик кўрсаткичига боғлиқ. Бироқ, градиент йўқолиши ва ёйилиши ҳисобидан тармоқ ҳажмининг ошиши, ўрганиш жараёни мушкул бўлишига олиб келади. Бу муаммо ечилган бўлиб, кириш қисми, оралиқ қисм, ва натижавий қисмларни алоҳида моделлаштириш ғояси қўлланилган. Бу қолдиқ боғланишлар деб номланади. Қолдиқ боғланишларда қатламнинг кириш қисмини кейинги қатламга узатишдан олдин чиқиш қисмiga қўшилади. Расмда LSTM1 чиқиш қисми кириш қисмiga қўшилиб LSTM2 кириш қисм сифатида узатилади. Маълумки, қолдиқ боғланишлар қайтиб тескари ўтиш жараёнида градиентли оқимни яхшилайди бу эса ўз навбатида чуқур тармоқларни ўрганишини таъминлайди.

Кўшимча қатлам шифратор ва дешифраторқатламлари оралиғига керак бўлиб, расмда шифратор, дешифратор, қолдиқ боғланишлар ва кўприкдан иборат тизим келтирилган. Расмда гап векторларга ажратилиши ва натижавий тил attention векторлари кўринишига келтирилиши график ифодаланган.



Encoder




**47- расм. Гап векторларга ажратилиши ва натижавий тил attention векторлари кўринишига келтирилиши**

Статистик иборалар асосидаги машинали таржима тизимида аниқлик кўрсаткичи ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун узоқ вақт талаб этилиши муаммолари мавжуд. Юқорида RNN ва LSTM қўллаб ушбу муаммоларни ечиш усусларини кўриб чиқдик.

Натижада нейрон машинали таржима тизимлари катта ҳажмдаги қатламга эга шифратор ва дешифраторлар ёрдамида юқори самарадорлик күрсаткичини күрсатиши мумкин.

### 1.28. Таянч векторлар машинаси



Кириш ячейкаси



Чиқиш ячейкаси



Яширин ячейка

### 48-расм. Таянч векторлар машинаси.

**Таянч векторлар машинаси** (*support vector machine, SVM*) ўқитувчи билан ўрганиш асосида ишловчи алгоритмлари таснифи оиласи ҳисобланади. SVM оптималлаштириш билан боғлиқ масалаларнинг оптимал ечимини топади. Таянч векторлар машинасининг классик версияси чизиқли тақсимланадиган маълумотларни категория бўйича ажратиш имкони мавжуд. Масалан, Леопольд ва Матроскин образларида мушуклар ўртасидаги фарқни аниқлаб бериши мумкин. Ўрганиш жараёнида тармоқ маълумотларни икки ўлчовли муҳитга ўтказади ва уларни максимал аниқликда тўғри

чизиқ билан ажратиб синфларга бўлинади бунда чизикнинг ҳар бир томонига бир синфга мансуб маълумотлар жойлашиши ва шу икки томонда жойлашган энг яқин нуқталар ўртасида масофа максимал бўлишига эришилади. Ушбу масофа бўшлиқ деб, нуқталар эса таянч векторлар деб номланади. Тўғри чизикни белгилашда бўшлиқ максималлаштирилади бу эса синфларга оптималь бўлишни таъминлайди. Шу билан бирга SVM н-ўлчовли маълумотларни ажратиш имконини беради. Шуни таъкидлаш лозимки, таянч векторлар машинасини ҳар доим ҳам нейрон тармоқ сифатида қаралмайди.

## **1.29. Таянч векторлар машинаси асосида маълумотларни таснифлаш**

(Support Vector Machine, SVM). Бундай тасниф кенг кўламда қўлланилади. Таснифнинг энг бошланғич масаласи камида иккита синфдан биттасига мансублигини аниқлаш ҳисобланади. Одатда бу обьект  $R$  бўшлиқда  $n$  ўлчовли вектор ҳисобланади. Вектор координаталари обьектнинг алоҳида атрибутларини изоҳлайди. Масалан, берилган RGB моделида,  $c$  ранги, уч ўлчовли муҳитда вектор ҳисобланади:  $c=(red, green, blue)$ .

Агар синфлар факат иккита бўлса бинар тасниф деб айтилади. Агар синфлар бир нечта бўлса – кўпсинфлий (мультисинфли) тасниф деб номланади. Шу билан бирга ҳар бир синф образи – обьектлар мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, уларнинг қайси синфга мансублиги олдиндан маълум бўлади. Бундай кўринишдаги масалаларни ўқитувчи ёрдамида ўрганиш деб, олдиндан аниқ бўлган маълумотлар эса ўрганиладиган тўплам деб юритилади. (Эслатма: агар синфлар аввалидан берилмаган бўлса, кластерлаш масаласи ҳисобланади.)

Демак, ўқитувчи ёрдамида ўрганишга мисол кўрамиз, тасниф масаласининг математик изохи қўйидагича: масалан  $X$  – обьектлар фазоси бўлсин (масалан,  $\mathbb{R}^n$ ),  $Y$  – эса синфлар (масалан,  $Y = \{-1, 1\}$ ). Ўрганиладиган тўплам эса:  $(x_1, y_1), \dots, (x_m, y_m)$ .  $F : X \rightarrow Y$  (классификатор) функциясини тузиш масаласи қўйилган бўлиб, х тасодифий обьектни у синф билан таққослаш керак бўлсин.


### 1.29.1. Таянч векторлар машинаси

Мультитасиф масаласи сифатида ишлаши мүмкин бўлсада, ушбу усул бинар классификатор усулига мансуб.

Усул ғоясини қўйидаги мисол сифатида кўрсатиш мүмкин: текисликда нуқталар берилган бўлиб, улар икки синфга бўлинган, расмда ушбу икки синфни ажратадиган чизик ўтказилган (қизил чизик). Кейинчалик барча янги нуқталар автоматик равища қўйидаги усулда таснифланади:


чизикдан юқори нуқта А синфга мансуб,

чизикдан паст нуқта В синфга мансуб.




**49-расм. Таянч векторлар усулига мисол.**

Ушбу тўғри чизик ажратувчи чизик деб номланади. Бироқ, катта ҳажмдаги текисликда тўғри чизик асосда синфларга ажратиб бўлмайди, чунки «чизикдан паст» тушунчаси ёки «чизикдан юқори» тушунчалари ўз моҳиятини йўқотади. Шунинг учун тўғри ўрнига фазовий - гипертекислик қўлланилиб, унинг ўлчов кўрсаткичи бошланғич фазога нисбатан бир кам ўлчамда бўлади. Масалан,  $R^3$  да гипертекислик сифатида оддий икки ўлчовли текислик ҳисобланади. Кўриб ўтилаётган мисолда синфга ажратиш учун бир неча чизиқлар мавжуд:



**50-расм.** Таснифлаш учун синф нуқталарининг жойлашуви




**51-расм.** Векторлар жойлашуви.

Тасниф нуқтаи назаридан қаралганда түғри чизик шундай танланиши керакки чизикдан ҳар бир синф нуқталаригача бўлган масофа максимал қийматга эга бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, синфларга аниқ ажратувчи чизикни белгилаш лозим. Бундай чизик умуман олганда – оптимал ажратувчи гипертекислик деб айтилади.


Ажратувчи гипертекисликка яқин жойлашган векторлар эса таянч векторлар деб номланади.

## 1.30.Word2Vec



52-расм. Сўзларнинг векторли кўриниши: барча ечим контекстда

Сўзлар вектори (word vectors) – сўзларнинг сонли ифодаси бўлиб, улар ўртасида мантиқ боғланишни сақлайди. Масалан, cat (мушук) вектори учун энг яқин сўз dog (ит). Бироқ pencil (қалам) сўзининг векторли кўриниши cat векторидан анча фарқланади. Бу асосан иккита сўзниң контекстда биргаликда учрашиш эҳтимоллиги билан аниқланади (яъни, [cat, dog] ёки[cat, pencil]). Қуйидаги гап таркибини кўриб ўтамиш:



53-расм. Word2Vec га мисол.

Бунда қайси сўзлар тўғри келиши аниқ (pencil тўғри келмайди). Айнан нима учун тўғри келмаслигини аниқлаш лозим бўлади. Грамматика, талаффуз тўғри келса (тил миқёсида), нима учун тўғри келмайди? Барчаси айнан контекстга бориб тақалади, pencil маъно жиҳатдан тўғри келмайди. Бу мисол бўйича контекст аҳамиятли эканлигини билдиради. Word2vec алгоритми контекстни қўллайди ва сўзларнинг сонли ифодасини шакллантиради. Шунинг учун битта контекстда биргаликда келган сўзлар ўхшаш векторларга эга бўлади.

### **1.30.1. Word2vec ни қўллаш**

Реал лойиҳаларда Word2vec қўлланилишини тушуниш учун [google scholar](#) тизимиға кириб, NLP билан боғлиқ маълумотларни излаймиз (масалан, савол-жавоб тизимлари, чат-ботлар, машинали таржима ва ҳ.к.). 2013 йилдан кейинги йиллар, яъни word2vec пайдо бўлган муддатдан бошлаб қўшилган ҳужжатлар бўйича фильтрлаймиз ва сўзларнинг векторли ифодаланиши бўйича жуда кўп мақолаларни кўриш мумкин.

Сўзларнинг векторли ифодаланиши кўпгина соҳаларда қўлланилади:

Маълум бир тилни моделлаштиришда;

Чат-ботлар;

Машинали таржима;

Савол-жавоб тизимлари;

...ва бошқалар.

Барча замонавий NLP иловалари асосан word2vec алгоритмларига асосланган. Сўзлар ифодаланишининг мавжуд моделларини такомиллаштиришни кўриб ўтамиз. Улар ёрдамида семантик ўхшаш сўзларни бир-бирига яқин векторларда ифодалаш имконини бериб, маъно жиҳатдан узоқ бўлган сўзларни бошқача ифодалайди. Бу модел хусусияти самарали натижага олиб келади.

### **Сўзлар векторини яратиш кетма-кетлиги**

Бошланғич кўрсаткичга эга бўлмаган сўзлар кетма-кетлигини ўрганиш учун бир неча масалаларни ечиш лозим:

Берилганларни бўлакларга ажратилган шаклларни ҳосил қилиш [кириш сўзи, чиқиш сўзи], бунда ҳар бир сўз н узунликдаги иккиласми вектор кўринишга эга бўлади, бунда i- қиймат i- ўринда 1 билан белгиланса, қолган ҳоллар учун 0 билан белгиланади (one-hot кодлаш);

Кириш ва чиқиш қисмларига one-hot векторларни қабул қилувчи моделни яратиш;

Тўғри сўзни башорат қилувчи йўқотишлар функциясини аниқлаш, ва моделни оптималлаштириш;

Ўхшаш сўзлар ўхшаш векторларга эга эканлигига амин бўлиб, модель сифатини аниқлаш.

Бошлангич матндан тартибланган берилганларни яратиш

Кўйидаги мисолни кўриб ўтамиз

The cat pushed the glass off the table. (мушук стаканни столдан туширди)

Керакли берилганлар қўйидагича шакллантирилади расмдаги ҳар бир қавс бирламчи контекст ойнаси. Кўк ранги майдон кирувчи one-hot вектор (мақсадли сўз) ни ифодалайди, қизил майдон-чиқувчи one-hot векторни (мақсадли сўздан ташқари контекст ойнасидаги барча сўзлар яъни контекстли сўз). Битта контекст ойнасидан иккита берилганлар элементи ҳосил қилинади (яъни битта мақсадли сўзга иккита қўшни сўз мо келади). Ойна ўлчами одатда фойдаланувчи томонидан аниқланади. Контекст ойнаси қанчалик катта бўлса, модель иши шунча самаралидир, бироқ алгоритм бажарилиш вақтига таъсир қиласи. Мақсадли сўз билан мақсадли берилганларни адаштираслик лозим, улар умуман бошқа бошқа.

Бизнинг нейротармоқ юқорида келтирилган кирувчи берилганлар асосида ўрганиш жараёнини ўтади. Бизга қўйидагилар лозим:

Кирувчи one-hot векторлар тўплами;

Чиқувчи one-hot векторлар тўплами (ўрганиш жараёнидан сўнг);


embedding layer;

нейротармоқ.


Сўнгти иккита қисмни батафсил кўриб ўтамиз.

## Embedding layer

embedding layer дан бошлаймиз. Луғатда мавжуд барча сўзлар векторларини сақлайди фараз қилинг катта ҳажмдаги матрица [луғатдаги сўзлар сони x сўзларнинг ихчамлашган векторли ифодасининг ўлчамини ифодалайди]). Ушбу ўлчам (embedding size) созланадиган параметр ҳисобланади. У қанчалик катта бўлса, модель шунчалик самарали бўлади (бироқ embedding size ҳажми маълум бир чегарага етганда унумдорлик ошиши тўхтайди). Ушбу йирик матрица (нейротармоқ каби) тасодифий равишда инициаллаштирилади ва оптималлаштириш жараёнида битлар бўйича созланиб борилади. Кўйидаги кўринишга эга



54-расм. embedding layer и нейротармоқни аниқлаш



**55-расм. embedding layer да яратилған сүзлар матрицаси**

### Нейрон тармоқ

Моделнинг сўнгги элементи бу- нейрон тармоқ. Ўрганиш жараёнида нейротармоқ кириш векторини қабул қилиб, барча сўзлар тўплами бўйича контекстга мос тушадиган сўзлар кетма-кетлигини башорат қилишга уринади (шу билан бирга, буни қуйидагича хам ифодалаш мумкин, яъни сўзлар one-hot кодланишининг чизиқли комбинацияси деб ҳам тушуниш мумкин). Сўнгра йўқотиш функцияси ёрдамида нотўғри тасниф учун моделни “жазолаш” тўғриси учун “такдирлаш” мумкин. Ҳозирги мисолда битта кириш ва битта чиқиш берилганларни бир мартага қайта ишлаш билан чекланиб қоламиз. Ҳақиқий лойиҳаларда берилганлар батч (яъни, масалан 64 та элементдан иборат гурӯхлар) кўринишда қайта ишланади. Ўрганиш жараёнини умумий кўринишда изоҳлаймиз.

Киритилган сўз (мақсадли сўз) га мос келувчи векторни embedding layer дан аниқлаймиз;

Ушбу векторни нейротармоқга “истеъмолга” берамиз, сўнгра тўғри келувчи (контекстга мос) сўзни таклиф этишга ҳаракат қиласиз;


Таклиф қилинган сўз ва контекст ойнасида мавжуд сўзни таққослаб, йўқотиш функциясини аниқлаймиз;

Йўқотиш функциясини градиентли стохастик пасайиш билан бирга қўллаб, нейротармоқни ва embedding layer ни оптималлаштирамиз.

Башорат қилишда softmax функциясини қўллаб, эҳтимолликлар тақсимоти бўйича башоратни нормаллаштиришга олиб келинади.

Барчасини бирлаштирамиз

Word2vec алгоритмнинг барча ташкил этувчилиарни била туриб, уларни бирлаштириш имкони пайдо бўлади. Модель ўрганиш жараёнидан ўтгандан сўнг embedding layer ни дискка сақлаш ва семантикали векторлардан тўлақонли фойдаланиш мумкин бўлади. Умумий кўриниши қўйидагича:



**56-расм. Skip-gram алгоритми**

Бу модель skip-gram алгоритми деб номланиб, word2vec нинг битта алгоритми ҳисобланади ва айнан унга эътибор ажратамиз. Бошқа бир алгоритм “сўзларнинг чексиз тўплами”(continuous bag-of-words model, CBOW).

Йўқотишлар функцияси: моделини оптималлашириш

Калит қисмдан бири бу – йўқотишлар функцияси бўлиб, стандарт кесишмали энтропия функцияси (softmax cross entropy loss) тасниф масалаларининг самарали ечимиdir. Бироқ word2vec модели учун бу функция етарлича қулай эмас, бу асосан содда таҳлил масалаларида, масалан икки кўринишда чиқиш ҳолатлари: мусбат ва манфий бўлган масалаларида самарали ҳисобланади. Сўзлар билан ишлаш масалаларида қайсики миллиардгача сўзлар билан ишлашга тўғри келса, луғат матрица ҳажми 100000 гача ёки ундан ҳам ошиб бориши мумкин, натижада softmax-нормаллашириш мураккаблашади. Бунга сабаб, softmax тўлиқ ҳисоблаши учун барча чиқиш тугунлари бўйича йўқотиш функциясини ҳисоблашига тўғри келади.

Шунинг учун қўллашга ихчам бўлган алтернатив, яъни sampled softmax loss функциясини қўллаймиз. Стандарт кесишмали энтропиядан анча фарқланади.

Энг аввал кесишмали энтропия функциясини ҳисблаймиз, яъни мақсадли сўзнинг мавжуд контекстли сўзи билан башорат қилинган контекстли сўз ва ҳақиқий сўзга мослиги билан аниқланади. Сўнгра кросс-энтропия йўқотиш к кўрсаткичини, яъни мос келмайдиган намуналар (мақсадли сўз + контекст ойнадан ташқари бўлган сўз) ни аниqlаш лозим бўлади, бунда маълумотлардаги шовқинлик тақсимоти қўлланилади.

Йўқотиш функцияси қуидаги аниқланади:

$$Loss = \text{SigmoidCrossEntropy}(\text{Prediction}, \text{Correct Word})$$


$$+ \sum_1^K E_{Noise\ ID} \text{SigmoidCrossEntropy}(\text{Prediction}, \text{Noise ID})$$

SigmoidCrossEntropy бу хатолик кўрсаткичи бўлиб, бошқаларга боғлиқсиз ҳолда битта чиқиш тугуни бўйича аниqlаш мумкин. Бу

ечим луғат ҳажми ошган ҳоллар учун жуда самарали ҳисобланади. Бу функция қандай амалга оширилишини билиш шарт әмас, чунки TensorFlow да бу функция созланган, бирок к қандай параметр эканлигини англаш лозим. Энг мұхими –sampled softmax loss иккі хил объект билан ишлаганда хатолик сифатида нимани аниқлашини англаш ҳисобланади:

Башорат қилинган векторда түгри танланган контекстли сүз индекси (контекст ойнасидаги сүз индекси);  
к шовқинли сүзлар индекси.

Буны мисолда күриб ўтамиз. Бунда  $k = 1$  (cat + glass):



### 57-сүзлар контекстини башорат қилиш схемаси.

TensorFlow да: skip-gram алгоритмининг амалга оширилиши  
Бу қисмда барча қисмларни бирлаштириб, алгоритмни амалга оширилишини күриб ўтамиз. Күйидагиларни күриб ўтамиз:

берилғанлар генератори;  
(TensorFlow)да skip-gram модели;  
skip-gram алгоритмни ишга тушириш.  
Берилғанларни генерациялаш

Кодларни чуқур ўрганиб чиқмаймиз, чунки берилғанларни генерациялаш ички механизмини күриб чиқдик. Амалларни Python да күриб чиқамиз:

```
def generate_batch (batch_size, window_size):  
    global data_index
```

```

# two numpy arras to hold target words (batch)
# and context words (labels)
batch = np.ndarray (shape=(batch_size), dtype=np.int32)
labels = np.ndarray (shape=(batch_size, 1), dtype=np.int32)

# span defines the total window size
span = 2 * window_size + 1

# The buffer holds the data contained within the span
queue = collections.deque(maxlen=span)

# Fill the buffer and update the data_index
for _ in range(span):
    queue.append(data[data_index])
    data_index = (data_index + 1) % len(data)

for i in range(batch_size // (2*window_size)):
    k=0
    # Avoid the target word itself as a prediction
    for j in
        list(range(window_size))+list(range(window_size+1,2*window_size+1)):
        batch[i * (2*window_size) + k] = queue[window_size]
        labels[i * (2*window_size) + k, 0] = queue[j]
        k += 1

    # Everytime we read num_samples data points, update the queue
    queue.append(data[data_index])

    # If end is reached, circle back to the beginning
    data_index = (data_index + np.random.randint(window_size)) %
len(data)

return batch, labels

```

skip-gram моделни аниклаймиз

энг аввал баъзи бир гиперматнларни аниклаймиз:

batch\_size = 128

embedding\_size = 64

window\_size = 4

num\_sampled = 32 # Number of negative examples to sample.

batch\_size жорий вактда биз қайта ишлайдиган берилганлар элементлар сонини белгилайди. embedding\_size бу вектор узунлиги. Window\_size гиперпараметри контекст ойна ўлчамини белгилайди. Ва охиргиси, num\_sampled – йўқотиш функциясидаги мос келмайдиган намуналар сони (k). Сўнгра кирувчи ва чиқувчи берилганларни аниклаймиз:

```
tf.reset_default_graph()
```

```
# Training input data (target word IDs).
```

```
train_dataset = tf.placeholder(tf.int32, shape=[batch_size])
```

```
# Training input label data (context word IDs)
```

```
train_labels = tf.placeholder(tf.int32, shape=[batch_size, 1])
```

train\_dataset кириш қисмига сўзлар идентификаторлари рўйхатини batch\_size қабул қилиб, танланган мақсадли сўзлар тўпламини ифодалайди. Танланган мақсадли сўзларга мос келувчи контекстли сўзлар batch\_size рўйхатини Train\_labels ифодалайди.

Сўнгра нейрон тармоқ параметрларини аниклаймиз:

```
#####
# Model variables          #
#####
```

```
#####
# Embedding layer          #
#####
```

```
# Neural network weights and biases
embeddings      =      tf.Variable(tf.random_uniform([vocabulary_size,
embedding_size], -1.0, 1.0))
```

```
# Neural network weights and biases
```

```
softmax_weights = tf.Variable(
```

```
    tf.truncated_normal([vocabulary_size, embedding_size],
```

```

        stddev=0.1 / math.sqrt(embedding_size))
)
softmax_biases = tf.Variable(tf.random_uniform([vocabulary_size], -0.01, 0.01))

```

Embedding layer -----TensorFlow да embeddings ўзгарувчи орқали, softmax\_weights - ўзгарувчи оғирлик кўрсаткичи, силжиш параметри softmax\_biases орқали белгиланади.

Embedding layer ва нейротармоқни бирлаштириб, натижани оптималлаштирамиз:

# Look up embeddings for a batch of inputs.

embed = tf.nn.embedding\_lookup(embeddings, train\_dataset)

tf.nn.embedding\_lookup функцияси кириш қисмига embedding layer ва сўзлар идентификаторлари тўпламини қабул қиласди (train\_dataset), чиқиши қисмига мос келувчи векторни узатади.

Sampled softmax loss функцияси :

```
#####
#      Computes loss          #
#####
loss      =      tf.reduce_mean(tf.nn.sampled_softmax_loss(
weights=softmax_weights,    biases=softmax_biases,    inputs=embed,
labels=train_labels,           num_sampled=num_sampled,
num_classes=vocabulary_size) )
```

Бунда tf.nn.sampled\_softmax\_loss кириш қисмига оғирлик кўрсаткичи (softmax\_weights), олдинги функциялар асосида олинган силжишлар (softmax\_biases), embed тўпламини, тўғри келувчи контекстли сўзлар идентификаторларини (train\_labels), шовқинли намуналар сонини (num\_sampled), луғат хажмини (vocabulary\_size) қабул қиласди.

embedding layer параметрлари ва нейротармоқ бўйича йўқотиш функциясини оптималлаштирамиз:

```
#####
#      Optimization          #
#####
```

```
#####
optimizer = tf.train.AdamOptimizer(0.001).minimize(loss)
Нормируем embedding layer:
#####
#           For evaluation      #
#####
norm      =      tf.sqrt(tf.reduce_sum(tf.square(embeddings), 1,
keepdims=True))
normalized_embeddings = embeddings / norm
```

Кодни ишга туширамиз.

TensorFlow модельни қандай ишга тушириш лозим? Энг аввал session ни аниқлаймиз ва ўзгарувчиларни тасодифий равища инициаллаштирамиз.

```
num_steps = 250001
session = tf.InteractiveSession()
# Initialize the variables in the graph
tf.global_variables_initializer().run()
print('Initialized')
average_loss = 0
```

Сўнгра олдиндан белгиланган қадамлар асосида берилганлар гурухини шакллантирамиз: мақсадли сўзлар (batch\_data) ва контекст сўзлар (batch\_labels):

```
for step in range(num_steps):
    # Generate a single batch of data
    batch_data, batch_labels = generate_batch( batch_size, window_size)
```

Сўнгра шакллантирилган ҳар бир гуруҳ учун embedding layer ни ва нейрон тармоқни session.run([optimize, loss],...) ёрдамида оптималлаштирамиз. Шу билан бирга хатоликни аниқлаймиз, бу унинг камайишига ишонч ҳосил қилиш учун лозим бўлади.

```
# Optimize the embedding layer and neural network
# compute loss
feed_dict = {train_dataset : batch_data, train_labels : batch_labels}
_, l = session.run([optimizer, loss], feed_dict=feed_dict)
```

Хар бир беш минг қадамда экранга ўртача хатоликни чиқарамиз:  
if (step+1) % 5000 == 0:

    if step > 0:

        average\_loss = average\_loss / 5000

        print('Average loss at step %d: %f' % (step+1, average\_loss))


        average\_loss = 0

натижада векторлар олиниб, у кейинчалик маълум бир сўзларни визуаллаштириш учун қўлланилиши мумкин:

sg\_embeddings = normalized\_embeddings.eval()

session.close()

Агар натижани t-SNE га ўхшаш алгоритм ёрдамида визуаллаштиrsак қуидаги кўринишни оламиз:




**58-расм.** Сўзларнинг семантик нуқтаи назардан жойлашуви.

Мушук сўзига яқин сўзларни кўриш мумкин, улар маълум бир майдонда жойлашган (cat, kitten, cats, wildcat), ит сўзига яқин бўлган сўзлар (dog, dogs, wolf) бошқа майдонда жойлашган. Бу сўзлар ўртасида жойлашган сўзлар (масалан, animal ёки pet) маъно жихатдан ҳам мушук ҳам ит сўзларига яқин эканлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сўзларнинг векторли ифодаси – жуда аниқ ишловчи инструмент бўлиб, замонавий машина асосида ўрганишни яхшилашга улкан ҳисса қўшади. word2vec нинг асосий ишлар принципини кўриб ўтдик. Сўнгра skip-gram алгоритми изоҳи унинг TensorFlow да амалга оширилишини кўриб ўтдик. Натижа кўринишда сўзларнинг векторли кўринишини визуаллаштириб, унинг семантикаси сақланганлигига ишонч ҳосил қилдик.

### 1.31. Кохонен нейрон тармоғи



59-расм. Кохонен тармоғи.

Кохонен нейрон тармоғи (Kohonen network, KN), ёки ўзи ташкилланувчи харита (self organising (feature) map, SOM, SOFM) рақобатли ўрганиш усули қўлланилиб, маълумотларни ўқитувчисиз таснифлаш учун қўлланилади. Тармоқ структураси битта ягона

нейронлар қатламига эга бўлиб, Кохонен қатлами деб номланади ва у мослашган чизиқли сумматорлардан иборат. KN кириш қисмига маълумотлар киргандан, тармоқ уларга максимал мос тушувчи нейронни аниқлайди. Сўнгра, нейронлар юқори аниқликда мослашиш учун қўшни нейронларни силжитиб ўзгаришади. Кохонен тармоғининг энг содда кўринишига кирувчи маълумотларни «ғолиб барчасини эгаллайди» қабилида қайта ишлайди. Чиқиш қатламиning ҳар бир нейрони икки қийматдан бирини: нол ёки бирни қабул қиласди. Юқори сигнал 1 ни ўзлаштиради, қолган сигналлар Ога айланади[12].

**Кохонен Нейрон тармоқлари** нейротармоқ архитектурасининг ўқитувчисиз ўрганувчи кўринишига яққол мисол ҳисобланади. Ечиладиган масалаларда: маълумотларни кластерлаш ёки хусусиятларнинг башорати киради. Шу билан бирга Кохонен тармоғи маълумотларни максимал йўқотмаган ҳолда ҳажман қисқартириш имконини беради.

Олдин кўриб чиқилган нейрон тармоқлар танланмалар асосида ўқитувчи кўмагида ўрганиш имконига эга бўлиб, ўзига хос кирувчи ва чиқувчи векторлар жуфтлигидан иборат кўпгина мисолларни ўз ичига олади. Бунда чиқувчи қийматлар оғирлик коэффициентларнинг созланмаларида бевосита қатнашади. Кохонен нейрон тармоқларида чиқувчи векторлар ўрганувчи танланмаларда мавжуд бўлиши мумкин ёки мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин, ҳар ҳолда ўрганиш жараёнида қатнашмайди. Яъни синапсларни тўғрилашда чиқиш қисмлари мўлжал сифатида қўлланилмайди. Нейрон тармоқнинг айнан шу созланмаси принципи ўзи ўрганувчи деб номланади.


Кўриб ўтилаётган архитектурада сигналлар кириш қисмидан чиқиш қисмига тўғри йўналишда узатилади. Нейрон тармоқ структураси силжиш коэффициенти бўлмаган ягона нейрон (Кохонен) қатламига эга. Оғирлик коэффициентлар умумий сони кўпайтма кўринишда аниқланади:

$$N_W = MK \quad (10)$$

Нейронлар сони кластерлар сонига teng бўлиб, ўрганилаётган мисолларни бошланғич тақсимлаш ва қайта тақсимлаш шу

кластерларда амалга оширилади. Нейрон тармоқнинг кириш қисмидаги ўзгарувчилар ўрганилаётган объект хусусиятини изоҳловчи омиллар сонига teng ва у асосда қайси кластерга мансублиги аниқланади.

Кохонен нейрон тармоғи ўз-ўзини структуралаши ва ўз-ўзини ўрганиши жараёнини фарқлаш лозим бўлади. Оддий ўз-ўзини ўрганишда тармоқ аниқ белгиланган структурага эга, яъни нейронлар сони умуман ўзгармас қолади. Ўз-ўзини структуралашида аксинча, тармоқ доимий белгиланган структурага эга бўлмайди. Ғолиб нейронгача бўлган масофага боғлиқ ҳолда ушбу нейрон берилган мисолни кластерлашда ёки кириш қисмига узатилган мисол учун маълум бир оғирлик кўрсаткичига эга янги кластер яратилади. Кохонен тармоғи ўз-ўзини структуралаш жараёнида алоҳида нейронлар четлаштирилиши мумкин.



**60-расм. Кохонен нейрон тармоқ умумий структураси.**

Кирувчи ўзгарувчиларни нормаллаштириш  $[-1, 1]$  ёки  $[0, 1]$  оралиғида амалга оширилади.

Берилган архитектурали нейрон тармоқлар фаолият жараёнида учта асосий босқичлар мавжуд: ўрганиш, кластерли таҳлил ва амалий қўлланилиши.

Кохонен ўрганиш алгоритми босқичлардан иборат бўлиб, унинг таркиби структура типига боғлиқ: доимий (ўз-ўзини ўргатувчи тармоқ) ёки ўзгарувчан (ўз-ўзини структуралайдиган тармоқ). Ўз-ўзини ўргатувчи тармоқда қўйидаги кетма-кетлик бажарилади:

1. Тармоқ структурасини ифодалаш (Кохонен қатлами нейронлар сони) (K).

2. Оғирлик коэффициентининг қийматлар асосида тасодифий инициаллаштириш, қўйидаги шартларни қаноатлаштириши лозим:

–бошланғич танлов  $[-1, 1]$  оралиқда нормаллаштириш:

$$|w_{ij}| \leq \frac{1}{\sqrt{M_t}} \quad (11)$$

– бошланғич танлов  $[0,1]$  оралиқда нормаллаштириш:

$$0.5 - \frac{1}{\sqrt{M}} \leq w_{ij} \leq 0.5 + \frac{1}{\sqrt{M}} \quad , \quad (12)$$

Бунда  $M$  – тармоқнинг кириш қисмидаги берилганлар сони–изланиш олиб борилаётган объект хусусиятлари кўрсаткичлари.

3. Жорий ўрганиш даври бўйича кириш қисмига тасодифий мисол узатилиши ва кириш қисми векторидан барча кластерлар марказигача бўлган Евклид масофа аниқланиши:

$$R_i = \sqrt{\sum_{i=1}^M (\tilde{x}_i - w_{ij})^2} \quad (13)$$

4.  $R_j$  Энг кичик қиймат бўйича ғолиб нейрон танланади  $j$ , кириш қисмидаги вектор қийматига энг яқин бўлади. Факат танланган нейрон учун оғирлик коэффициентлари коррекцияси амалга оширилади:

$$w_{ij}^{(q+1)} = w_{ij}^{(q)} + v (\tilde{x}_i - w_{ij}^{(q+1)}), \quad (14)$$

Бунда  $v$  –ўрганиш тезлиги коэффициенти.

5. Такрорланиш З қадамдан бошланиб жараёни бир ёки бир неча тугаллаш шартлари бажарилгунча такрорланади:

–ўрганиш даврининг тугалланиши;

—ўрганиш даврининг сўнгида оғирлик кўрсаткичи кофициентининг берилган оралиқда сезиларли даражада ўзгармаганлиги;

—ўрганиш учун белгиланган вакт чегарасининг тугаганлиги.

Ўрганиш тезлиги коэффициенти  $[0, 1]$  оралиқдаги доимий қиймат орқали ёки бир даврдан бошқа даврга ўтиш жараёнида камайиб борувчи ўзгарувчи қиймат билан берилиши мумкин[12].

Кохонен тармоғининг ўз-ўзини структуралаш алгоритми маълум бир ўзаришларга дуч келади:

1. Критик масофа  $R_{kp}$  берилиб, кириш қисмига кирувчи мисол ва ғолиб нейрон оғирлик кўрсаткичи орасидаги энг максимал Евклид масофага тўғри келади. Бошланғич структура нейронларга эга бўлмайди. Тармоқ кириш қисмига ўрганувчи танлов учун энг биринчи мисол узатилганда биринчи нейрон яратилиб, унинг оғирлик коэффициенти кириш қисмida берилган қийматга teng қилиб олинади.

2. Тармоқ кириш қисмига жорий ўрганиш даврига мос келувчи янги тасодифий танланган мисол узатилади. Берилган мисол ва ҳар бир кластер марказигача бўлган Евклид масофа (3) ифода орқали ҳисобланади ва ғолиб-нейрон энг кичик масофа  $R_{min}$  асосида аниқланади.

3. Агар  $R_{min} <= R_{kp}$ , шарт бажарилса, мос ҳолда ғолиб нейрон оғирлик коэффициенти коррекцияси (4) ифода бўйича амалга оширилади. Акс ҳолда тармоқ структурасига янги нейрон қўшилиб, оғирлик коэффициенти кириш қисмига берилган мисол қийматлари билан бир хил бўлган оғирлик коэффициент қийматига teng қилиб олинади.

4. Ушбу процедура 2 бўлимдан бошлаб такрорланади, агар ўрганишнинг сўнгги даврида бирон-бир кластер фойдаланилмай қолса, ушбу нейронлар Кохонен тармоғи структурасидан четлаштирилади.

5. Белгиланган структурали ўз-ўзини ўрганиш алгоритмiga эга тармоқда кўрсатилган шартнинг биронтаси бажарилса ҳисоблаш тўхтатилади.

Ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини структуралаш алгоритмининг яна бир модификациясида ғолиб нейрон билан бир қаторда бошқа нейронларнинг ҳам оғирлик коэффициентлари коррекцияланади. Бунинг учун ўрганиш тезлиги коэффициенти қўлланилиб, кластер марказигача масофа  $R_j$  ошиши натижасида мос равишда камайиб боради:

$$v_j = v_0 \left( 1 - \frac{1}{1+e^{-\beta(R_j-R_{xp})}} \right), \quad (15)$$

Бунда  $R_{kp}$ —масофанинг критик қиймати: қанчалик қисқа бўлса, шу даражада ўрганилаётган мисолда кластерга яқин оғирлик кўрсаткичлари сезиларли даражада таҳрирланади. Узок жойлашганлари эса аҳамиятсиз ҳолда ўзгаради;  $\beta$ —параметр бу масофанинг тезлик коэффициентига чизиқсиз боғлиқлик даражасини белгилайди;  $v_0$ — бу жорий ўрганиш даврига таъсир ўтказувчи тезлик коэффициенти (максимал мавжуд бўлган) базали.

Берилган мисолни ўрганиш жараёнида ҳар бир кластер учун ўртacha масофани  $R_k$  қиймати сифатида қабул қилиш мумкин.  $\beta$  параметри  $3,0 \pm 0,5$  га teng деб қабул қилиш тавсия этилади.

Одатда, Кохонен нейрон тармоғида ўз-ўзини структуралашда яна бир муаммога дуч келиш мумкин. Бир томондан, баъзи бир кластерлар маълумотлари ҳажми жуда ҳам кам бўлиб, кейинчалик уларни умумлаштиришда қийинчилик туғдириш мумкин. Иккинчи томондан, баъзи кластерлар аксинча жуда катта ҳажмда мисолларга эга бўлганда, кластер ҳажмини таҳрирлаш ва ўта юклангандик муаммосини ҳал қилиш учун қўшимча параметр белгилаб, у асосда ҳар бир кластер ( $N_{pr}$ ) яратилиши учун чекланмаларни белгилайди.

Агар янги мисол бирон бир кластерга тааллуқли бўлиб, бироқ бу кластер максимал ҳажмга эга бўлса, янги кластер яратилиб, унинг марказида кластер мисоллардан бирининг ( $N_{pr}+1$ ) ўзгарувчилари векторини ташкил этади, бироқ улар жорий кластер марказидан узок масофада жойлашган бўлади.

Ўрганиш жараёнидан ўтган нейрон тармоқ устида кластерли таҳлил процедураси ўтказилади яъни, бу – кластерни шакллантирган мисоллар таркиби сон ва сифат жиҳатдан таҳлил этиб, улар асосида кластер хусусиятларини изоҳлаш процедуралариdir. Шуни таъкидлаш лозимки, кластерларни изоҳлашда фақатгина кириш қисмига қабул қилинаётган ўрганилаётган танловнинг берилганлари қийматлари эмас, балки кластерларни шакллантиришда иштирок этмайдиган ўзгарувчилар қийматлари ҳам инобатга олинади. Хусусан, бу изоҳда барча кластерни шакллантирган барча мисоллар қийматларининг ўртачалари борасидаги маълумотлар ҳам кириши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир кластер учун унда қатнашувчи мисоллар бўйича ўрта квадратик силжишлар ёки дисперсия борасида ҳам маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Кохонен нейрон тармоғини амалий қўллашда янги мисол кириш қисмига узатилади ва у мавжуд бўлган бирон бир кластерга боғлиқ ёки (яқин атрофдаги кластер марказигача масофа узун бўлган ҳоллар учун) бирорта кластерга ҳам боғлиқ эмас деб қабул қилинади. Агар кластерга боғлиқлик аниқланса, кластерли таҳлил асосида олинадиган изоҳи ва кластер бўйича ечимлар қабул қилинган мисолга жорий этилиши лозим.


Кластерлаш натижаларини визуаллаштириш ҳисобидан Кохонен тармоғини амалий қўллаш енгиллашади. Натижада тармоқда ўз-ўзини ўрганиш (ўз-ўзини структуралаш) жараёни кластерлар тўплами ҳосил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг маркази (мос равишда нейрон оғирлик коэффициентлари қийматлари) ва уни шакллантирган мисоллар сони асосида олиб борилади. Мавжуд кластерлар марказлари орасидаги Евклид масофани аниқлаш ва уларни Кохонен харитасида график изоҳлаш – икки ўлчовли структура кўринишга келтириш осон бажарилиб, бу графика асосида ҳар бир кластер ҳажми ва кўринишини аниқлаш билан бирга унинг қўшни кластерлари борасидаги маълумотларни ҳам кўриш мумкин.

Кохонен нейрон тармоғида ўз-ўзини ўрганиш жараёнига мисол күриб ўтамиз, бунда талабалар гурухининг ўзлаштириш қўрсаткичини ўрганиш мисолида бўлсин. Бошланғич танлов 6-жадвалда келтирилган.

### Жадвал 6. Талабалар ўзлаштириш тўғрисидаги бошланғич маълумотлар тўплами

Мисол №	Исми, Шарифи, Фамилия	Жин-си $x_1$	Барча ўтиш балли ни олиш $x_2$	Фанлар бўйича рейтинги:					стипен дия коэфф. $x_8$
				тарих $x_3$	мух. Графика $x_4$	Матем. $x_5$	орг. кимё $x_6$	физика $x_7$	
1	Варданян	Э	Ҳа	60	79	60	72	63	1,00
2	Горбунов	Э	Йўқ	60	61	30	5	17	0,00
3	Гуменюк	А	Йўқ	60	61	30	66	58	0,00
4	Егоров	Э	Ҳа	85	78	72	70	85	1,25
5	Захарова	А	Ҳа	65	78	60	67	65	1,00
6	Иванова	А	Ҳа	60	78	77	81	60	1,25
7	Ишонина	А	Ҳа	55	79	56	69	72	0,00
8	Климчук	Э	Йўқ	55	56	50	56	60	0,00
9	Лисовский	Э	Йўқ	55	60	21	64	50	0,00
10	Нетреба	Э	Йўқ	60	56	30	16	17	0,00
11	Остапова	А	Ҳа	85	89	85	92	85	1,75
12	Пашкова	А	Ҳа	60	88	76	66	60	1,25
13	Попов	Э	Йўқ	55	64	0	9	50	0,00
14	Сазон	А	Ҳа	80	83	62	72	72	1,25
15	Степоненко	Э	Йўқ	55	10	3	8	50	0,00
16	Терентьева	А	Ҳа	60	67	57	64	50	0,00
17	Титов	Э	Ҳа	75	98	86	82	85	1,50
18	Чернова	А	Ҳа	85	85	81	85	72	1,25
19	Четкин	Э	Ҳа	80	56	50	69	50	0,00
20	Шевченко	Э	Йўқ	55	60	30	8	60	0,00

Берилган тақсимоти аниқ 4 та кластер бўйича амалга оширилиши лозим. Кириш қисмига қабул қилинувчи берилганлар сифатида  $x_1 - x_7$  ўзгарувчилар хизмат қилса,  $x_8$  ўзгарувчи эса ўрганишда қўлланилмайди, бироқ унинг қиймати кластерли таҳлилда қўлланилади. Шу кўринишда тармоқ битта нейронлар қатламидан иборат бўлиб, 7 та кириш ва 4 та чиқиш қисмига эга бўлади (Расм. 61).



**61-расм. Талабалар маълумотларини кластерлашнинг Кохонен нейрон тармоқ структураси.**

Кириш қисмига қабул қилинувчи ўзгарувчилар аналоги қийматларини чизиқли нормаллаштириш амалини  $[0, 1]$  оралиқ учун (3.1)-тenglama бўйича бажарамиз. Қуйидаги усулда дискрет қийматларни изоҳлаймиз:

- талаба жинси: 0 – аёл, 1 – эркак;
- барча фанлардан ўтиш балини олиш: 0 – йўқ, 1 – ҳа.

Нормаллаштириш натижаси қуйидаги жадвалда (7) келтирилган.

Нейрон тармоқнинг 28 та оғирлик коэффициентларини қийматлар билан инициаллаштириб чиқамиз( 8- жадвалда), бунда (7) келтирилган чекланмалар инобатга олинган.

**Жадвал 7. Талабалар ўзлаштириш маълумотларининг нормаллаштирилган танлови**

Мисол №							
1	1,00	1,00	0,17	0,78	0,70	0,77	0,68
2	1,00	0,00	0,17	0,58	0,35	0,00	0,00
3	0,00	0,00	0,17	0,58	0,35	0,70	0,60
4	1,00	1,00	1,00	0,77	0,84	0,75	1,00
5	0,00	1,00	0,33	0,77	0,70	0,71	0,71
6	0,00	1,00	0,17	0,77	0,90	0,87	0,63
7	0,00	1,00	0,00	0,78	0,65	0,74	0,81
8	1,00	0,00	0,00	0,52	0,58	0,59	0,63
9	1,00	0,00	0,00	0,57	0,24	0,68	0,49
10	1,00	0,00	0,17	0,52	0,35	0,13	0,00
11	0,00	1,00	1,00	0,90	0,99	1,00	1,00
12	0,00	1,00	0,17	0,89	0,88	0,70	0,63
13	1,00	0,00	0,00	0,61	0,00	0,05	0,49
14	0,00	1,00	0,83	0,83	0,72	0,77	0,81
15	1,00	0,00	0,00	0,00	0,03	0,03	0,49
16	0,00	1,00	0,17	0,65	0,66	0,68	0,49
17	1,00	1,00	0,67	1,00	1,00	0,89	1,00
18	0,00	1,00	1,00	0,85	0,94	0,92	0,81
19	1,00	1,00	0,83	0,52	0,58	0,74	0,49
20	1,00	0,00	0,00	0,57	0,35	0,03	0,63

**Жадвал 8. Кохонен тармоқнинг оғирлик коэффициентлари бошланғич қийматлари**

j кластер №	Оғирлик коэффициентлари $w_{ij}$						
	$w_{1j}$	$w_{2j}$	$w_{3j}$	$w_{4j}$	$w_{5j}$	$w_{6j}$	$w_{7j}$
1	0,20	0,20	0,30	0,40	0,40	0,20	0,50
2	0,20	0,80	0,70	0,80	0,70	0,70	0,80
3	0,80	0,20	0,50	0,50	0,40	0,40	0,40
4	0,80	0,80	0,60	0,70	0,70	0,60	0,70

Ўз-ўзини ўрганиш алгоритмини қуидаги кўринишда созлаймиз. Энг аввал ўрганиш тезлигининг бошланғич коэффициентини 0,30-га тенг деб оламиз, у 0,05 қадам билан ўзгарсин. Натижада, 6 та ўрганиш даври турли тезлик коэффициенти билан бажарилади, уларнинг ҳар бирида битта нейрон учун 20 та оғирлик коэффициенти таҳрири бажарилади.

Нейрон тармоқ кириш қисмига тасодифий танланган мисол № 10 узатилсин. (3) ифодага асосланиб, тўртта кластернинг жорий марказигача масофани ҳисоблаймиз. Улар мос равища 0,98, 1,65, 0,65 ва 1,32 га тенг бўлади. Энг қисқа масофа учинчи кластерга мос келади ва хулоса қилсак, учинчи нейрон-ғолиб нейрон ҳисобланади, шунинг учун айнан шу нейрон оғирлик кўрсаткичи (11.4) ифода бўйича таҳирланиши лозим бўлади.

Оғирлик коэффициентларнинг янги қийматлари:  $w_{13} = 0,86$ ,  $w_{23} = 0,14$ ,  $w_{33} = 0,40$ ,  $w_{43} = 0,51$ ,  $w_{53} = 0,39$ ,  $w_{63} = 0,32$ ,  $w_{73} = 0,28$  га тенг бўлади. Қолган нейронлар оғирлик кўрсаткичлари ўзгармас қолади.

Сўнгра шу усулда тармоқ кириш қисмига танлов кетма-кетлиги тасодифий қабул қилинади. Барча 20 та мисол қабул қилингандан сўнг, ўрганишнинг кейинги даври бошланади, бунда ўрганиш тезлиги коэффициентини 0,05 га қисқартирамиз. Кохонен тармоғи тўлиқ ўрганиш цикли натижасида оғирлик кўрсаткичларининг якуний қиймати олинади, у жадвал 4-да келтирилган.

#### **Жадвал 9. Кохонен тармоғи тўлиқ ўрганиш цикли натижасида оғирлик кўрсаткичларининг якуний қиймати**

j кластер №	$w_{ij}$ оғирлик коэффициентлари						
	$w_{1j}$	$w_{2j}$	$w_{3j}$	$w_{4j}$	$w_{5j}$	$w_{6j}$	$w_{7j}$
1	0,06	0,06	0,21	0,52	0,36	0,55	0,57
2	0,00	1,00	0,50	0,80	0,80	0,80	0,73
3	1,00	0,00	0,04	0,48	0,26	0,22	0,42
4	1,00	0,99	0,69	0,77	0,79	0,78	0,81

Ўргатилган нейрон тармоқ учун кластер таҳлил процедурасини бажарамиз. Барча тўртта кластер тўлдирилган бўлиб, бироқ уларнинг сонли қиймати фарқланади. 1- кластер биттагина – № 3 га мос келди.

2- энг катта ҳажмдаги кластерга № 5–7, 11, 12, 14, 16, 18 мисоллар мос келди. 3- кластерга № 2, 8–10, 13, 15, 20 мисоллар мос келди. 4-сига – № 1, 4, 17, 19. Таҳлил натижасида олинган сифат күрсаткичлари ва кластерлар изоҳи жадвал 5 да келтирилган.

Кластерлар изоҳида стипендияларни олиш борасидаги хулоса  $x_8$  ўзгарувчи қийматлари таҳлили асосида олинди, бу ўзгарувчи ўрганиш жараёнида қатнашмади.

### **Жадвал 10. Кластерли таҳлил натижаси**

<b>Кластер №</b>	<b>Кластер ҳажми</b>	<b>Жинси</b>	<b>Барча ўтиш баллини олиш</b>	<b>Ўртача рейтинг</b>	<b>Стипендия Коэффициент</b>	<b>Изоҳ</b>
1	1	A	Йўқ	55	0,00	Кониқарли ўзлаштирган, битта ёки бир нечта фандан ўтиш балини олмаган ва стипендия олмайдиган талаба қизлар
2	8	A	Ха	72	0,97	Яхши ўзлаштирган, барча фанлардан ўтиш балини олган ва стипендия оладиган талаба қизлар.

3	7	Э	Йўқ	40	0,00	Кониқарсиз ўзлаштирган, битта ёки бир нечта фандан ўтиш балини олмаган ва стипендия олмайдиган талаба йигитлар
4	4	Э	Ха	73	0,94	Яхши ўзлаштирган, барча фанлардан ўтиш балини олган ва стипендия оладиган талаба йигитлар.

Олинган изоҳлар ва ўрганган нейрон тармоқга асосланган ҳолда бошқа бирон бир талаба борасида айнан шу кўринишдаги берилганларни киритиб маълумот олиш мумкин бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, амалий қўллаш босқичида нормаллаштириш чегарасидан чиқувчи берилганларни учратиш мумкин, бироқ бу ғолиб-нейронни танлаш ва бу янги мисолни мавжуд кластерга боғлаш муаммосиз бажарилади.

### 1.31.1. Кохонен тармоқда ўрганиш

Кохонен тармоқларида ўқитувчисиз ўрганиш усули қўлланилади. Тармоқни ўрганиш учун рақобатлик механизми қўлланилади. Тармоқнинг кириш қисмига x вектори узатилганда киравчи вектор оғирлик кўрсаткичидан кам фарқланадиган нейрон «ғолиб» чиқади. «Ғолиб» нейрон учун -қўйидаги ифода амалга оширилади

$$d(x, w_j) = \max_{1 \leq i \leq n} d(x, w_i) \quad (16)$$

бунда  $n$  –нейронлар сони,  $j$  – «ғолиб» нейрон рақами,  $d(\mathbf{x}, \mathbf{w}_j)$  –  $\mathbf{x}$  ва  $\mathbf{w}_j$  векторлар ўртасидаги масофа.

Объектлар ўртасида масофа кўрсаткичи сифатида кўпинча Евклид ўлчами қўлланилади

$$d(\mathbf{x}, \mathbf{w}_j) = \|\mathbf{x} - \mathbf{w}_j\| = \sqrt{\sum_{i=1}^m (x_i - w_{ij})^2} \quad (17)$$

бошқа кўринишдаги ўлчамлар қўлланилади.

*Фаолликнинг рақобатлик функцияси* сумматорлар қийматларини таҳлил этади ва нейрондан чиқувчи сигналларни шакллантиради, битта энг максимал қийматга эга «ғолиб - нейрон»дан ташқари барча нейронлар учун 0 ни шакллантиради. Демак, чиқиш вектори битта элементи 1 га қолганлари 0 га тенг бўлади. *Фаол нейрон рақами кирувчи вектор мансуб бўлган гуруҳ(кластер)ни аниқлайди.*

Кохонен тармоғида киравчи қийматларни нормаллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кўйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$x_{Ni} = \frac{x_i}{\sqrt{\sum_{i=1}^m x_i^2}}, \quad x_{Ni} = \frac{x_i}{|x_i|} \quad (18)$$

бунда  $x_{Ni}$  – киравчи векторнинг нормаллаштирилган компоненти.

Киравчи маълумотларни нормаллаштириш тармоқ ўрганиш жараёнини тезлаштиради.

Ўрганиш жараёнидан олдин тармоқнинг инициализацияси олиб борилади, яъни оғирликлар векторини қийматлари аниқланади. Содда ҳолларда оғирлик кўрсаткичлари тасодифий берилади. *Кохонен тармоғи ўрганиши жараёни* бир қатор қадамларнинг циклик тақрорланишидан иборат:

1. кириш қисмига бошланғич маълумотларнинг узатилиши. Одатда бу киравчи векторлар ичидан тасодифий танланган ҳисобланади.
2. Ҳар бир нейрон чиқишидаги натижани аниқлаш.
3. «Ғолиб» нейронни аниқлаш (Улар киравчи вектор компонентлардан оғирлик кўрсаткичи билан унча кўп фарқ қилмайди).

4. «Ғолиб» чиққан нейрон оғирлик күрсаткичини *Кохонен қоидаси* бўйича созлаш.

$$w_i^{k+1} = w_i^{(k)} + \eta_i^{(k)} [x - w_i^{(k)}] \quad (19)$$

бунда  $\mathbf{x}$  – киравчи вектор,  $k$  – ўрганиш цикли рақами,  $\eta_i^{(k)}$  –  $i$ -нейроннинг  $k$ -ўрганиш циклидаги ўрганиш тезлиги коэффициенти.

5. Агар ўрганиш тугамаган бўлса, биринчи қадамга ўтиш.

Демак, оғирликлар векторига киравчи векторлар яқин бўлган нейрон, янада яқин бўлиши учун янгиланади. Натижада ушбу нейрон киравчи қисмга берилган векторлар ўзига яқин бўлса ютади, ўзидан анча фарқланадиган вектор узатилса, ютқазади. Ўрганиладиган векторларнинг кўп узатилиши натижасида шундай нейронга эришиладики, қайсики вектор кластерга мансуб бўлса 1 ни, вектор кластерга мансуб бўлмаса 0 ни беради. Демак, шу усулда тармоқ киравчи векторларни таснифлашни ўрганади.

Кохонен тармоғи ўрганишида «суст» нейронлар муаммоси пайдо бўлади. Қўшни қатламларнинг чекланган фарқи баъзи нейронларнинг таъсиранмаслиги. Бошланғич оғирлик векторларга эга ва киравчи векторлардан узоқликда жойлашган нейронлар рақобатлашиш имконияти бўлмайди, бунда фарқи йўқ қанча даражада ўрганиш жараёни олиб борилсин. Натижада бундай нейронлар ўрганиш жараёнида қатнашмайди ва хеч қандай ҳолда ҳам «ютган» ҳолатда бўлмайди. Бундай нейронлар «суст ёки ўлик» нейронлар деб юритилади, чунки улар хеч қандай аҳамиятли функцияни бажармайди. Демак, киравчи маълумотлар кам сонли нейронлар томонидан ифодаланилади. Шу сабабли барча нейронлар «ғолиб» бўлишига имкон бериш лозим. Бунинг учун ўрганиш алгоритмини ўзгартириб, «ўлик» нейронлар фаол қатнашишини таъминлаш лозим бўлади.

Масалан, ўрганиш алгоритмини ўзгартириб, ютган нейрон фаоллиги йўқотилади. Нейронлар фаоллигини руйхатга олиш усулларидан бири  $p_i$  потенциалларни ўрганиш жараёнида ҳисоблаш. Энг аввали нейронларга  $p$  потенциал ўзлаштирилади,  $n$  –нейронлар

(кластерлар) сони.  $k$  - ўрганиш циклида потенциал қўйидагича аниқланади:

$$p_i(k) = \begin{cases} p_i(k-1) + \frac{1}{n}, & i \neq j, \\ p_i(k-1) - p_{\min}, & i = j, \end{cases} \quad (20)$$

бунда  $j$  –нейрон-ғолиб рақами.

Агар потенциал қиймати  $p_i(k)$   $p_{\min}$  маълум бир даражадан пасайса, нейрон – "дам олиш" ҳолатидан чиқади.  $P_{\min} = 0$  бўлган ҳолат учун нейронлар курашишдан четлаштирилмайди.  $P_{\min} = 1$  ҳолат учун нейронлар навбат билан ғолиб чиқишади, чунки ҳар бир ўрганиш цикли учун фақат биттаси курашга тайёр бўлиб қолади. Амалиётда эса жуда яхши натижа  $p_{\min} \gg 0.75$  бўлган ҳолатда олинади.

*Neural Network Toolbox* алгоритмида “ўлик” нейронлар олдини олиш учун нейронлар силжишини ўзгартириш усули қўлланилади [9]. Ўлик нейронлар таъсирсизлигини инобатга оловчи созланмалар learncon (силжишни ўрганиш) функцияси кўринишида қўйидагича амалга оширилади. Созлашнинг биринчи амалида рақобатлашаётган қатlam нейронларига бир хил кўринишдаги фаоллик параметри ўзлаштирилади

$$c_0 = \frac{1}{N}, \quad (21)$$

бунда  $N$  –  $N$  рақобатлашаётган қатlam нейронлар сони кластерлар сонига teng. Созлаш жараёнида learncon (силжишни ўрганиш) функцияси ушбу параметр қийматларини фаол нейронлар учун ошириб, фаол бўлмаган нейронлар учун камайтириб ўзгартиради. Фаоллик параметрлари вектори формуласи қўйидаги кўринишида бўлади:

$$c^{k+1} = (1 - r_i)c^{(k)} + r_i s^{(k)}, \quad (22)$$

бунда  $r_i$  – созлаш тезлиги параметри;  $k$  – ўрганиш цикли рақами;  $s^{(k)}$  – ўрганиш  $k$  – циклидаги адаптив сумматорлар чиқиш векторлари. Силжиш вектори компонентлари қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$b_i^{(k+1)} = e^{(1 - lnc_i^{k+1})} - b_i^{(k)}, \quad (23)$$

Ғолиб – нейрон учун силжиш кўрсаткичи камаяди, бошқа нейронлар учун ошади. Созлаш тезлиги параметри  $r_i$  жимлик ҳолати

бўйича 0.001 га тенг. Фаол нейронлар учун силжиш кўрсаткичининг ошиши кириш қийматлари диапазонини кенгайтириш имконини беради, нофаол нейрон эса кластерни шакллантиришни бошлайди. Натижада янги кириш векторларини жамлашни бошлайди. Бу иккита афзалликни беради. Нейрон оғирлик кўрсаткичи кириш қисми векторидагидан фарқланганлиги учун рақобатда ғолиб чиқмайди ва ўрганиш даврида силжиш ҳажми етарлича катта бўлиб, рақобатбардош бўлиб қолади. Натижада оғирлик векторлари маълум бир векторлар гурӯхига яқинлашиб қолади. Нейрон ғолиб чиқганда унинг силжиш кўрсаткичи қисқаради. Чунончи, “ўлик” нейронларнинг фаоллашуви масаласи ҳал килинди.


Иккинчи афзаллик бу силжиш билан боғлик бўлиб, фаоллик параметри қийматларини тўғрилаб чиқиш ва кириш қисми векторлари сонини тахминан бир хил бўлишини таъминлаш имконини беради. Демак, агар кластерлардан бири бошқасига нисбатан кириш векторлари сони кўп бўлса, тўлиб кетган соҳаси қўшимча нейронларни қабул қилиб ҳажми жихатдан кичик кластерларга бўлинади.

### **1.31.2. Кохонен харитаси**

**Кохонен харитасини тузиш принципи**

*Кохонен харитаси* (ўз-ўзини структураловчи харита, ёки *SOM – self-organizing map*) [1–4, 10] икки ўлчовли харитада обьектнинг кўп ўлчовли хусусиятларини визуаллаштириш учун қўлланилади. Кохонен харитаси катта ҳажмдаги кириш берилганларини кичик ўлчамдаги массив элементлари (одатда, икки ўлчовли) кўринишида ифодалаш амалини бажаради. Кохонен харитаси Кохонен тармоғига ўхшаб кетади. Ундаги фарқ, кластерлар маркази бўлмиш нейронлар харитада маълум бир структурада (одатда, икки ўлчовли графикада) тартибланган. Ўрганиш жараёнида харитада ғолиб –нейрон билан бир қаторда қўшни нейронлар оғирлик кўрсаткичи ҳам созланади. Натижада, Кохонен тармоғида маълум бир метрикадаги кириш векторлари битта нейрон (кластер маркази)га боғлик, Кохонен харитасида эса турли бир-бирига яқин нейронларга боғлик бўлиши

мумкин. Одатда нейронлар икки ўлчовли графикада тўртбурчак ёки олтибурчакли катаклар тугунларида жойлашган бўлади. Қўшни - нейронлар харитада жойлашганлик масофаси бўйича аниқланади. Расм 62 да олтибурчак ва тўртбурчакли катаклар марказида жойлашган нейронлар кўриниши келтирилган. Олтибурчакли катаклар харитадаги объектлар ўртасидаги Декарт масофани аникроқ ифодалайди, чунки қўшни катаклар учун марказгача масофа бир хил.



### **62-расм. Олтибурчак ва тўртбурчак катаклар.**

Ҳар бир катакка Кохонен тармоғининг бир нейрони мос келади. Яъни Кохонен харитасида катаклар сони нейронлар сонига тенг, Кохонен тармоғидаги нейронлар кўп сони кластерлар сонига тенг. Харитада катаклар сони тасвирни аниқ ифодалаш даражасига боғлиқ ва у экспериментал танланади.

Катакка тушган кириш вектори танланган компоненти хусусиятлари ҳар бир катак учун ҳисобланади. Ушбу характеристика кўрсаткичига мос равишда маълум бир рангга бўялади.

Кохонен харитасида катак рангига қараб мавжуд кластер структураси, кластерлар сони ва алоҳида ўзгарувчилар ўртасида боғланишлар борасида қандайдир гипотеза юритиш мумкин. Бу гипотезалар эса бошқа усувлар ёрдамида текширилиши ва

тасдиқланиши мумкин. Хариталар одатда берилғанларни бошланғич таҳлил босқичида құлланилади, яъни аниқ натижа олиш учун әмас, балки масаланинг умумий күринишини тушуниш учун құлланилади.

### 1.31.3. Кохонен харитасыда ўрганиш

#### Кетма-кет ўрганиш алгоритми

*Кетма-кет (Iterative) ўрганиш алгоритмиде оғирлик күрсаткичи янгиланиши ўқув танланма ўрганилғандан сүнг нейронларда ўрганиш жараёни Кохонен тармоғи нейронлари асосида олиб борилади. Уларнинг фарқи шундаки, ғолиб-нейрон билан бир қаторда atrofдаги (*neighborhood*) ёки ғолиб – нейрон ўрганиш радиусига (*radius of learning*) тааллуқли нейронлар ҳам ўрганишади. Ғолиб-нейрон атрофида жойлашган нейрон деб қабул қилиниши учун харитада жойлашуви бўйича ғолиб нейрон ва айнан шу нейрон ўртасидаги масофа маълум билан қийматдан кам бўлиши лозим (ўрганиш жараёнида нейронлар оғирлик күрсаткичлари ўзгаради, бирок харитадаги ўрни ўзгармас қолади). Бундай алгоритм *WTM* (*Winner Takes Most* – барчасини ғолиб олади) күринишдаги алгоритм ҳисобланади. Оддий алгоритмда ғолиб-нейрон ва унинг оғирлик күрсаткичи атрофида мавжуд барча нейронлар ўрганиш жараёнидан Кохонен қоидаси бўйича (адаптация) ўтади (2). Оғирлик күрсаткичи ғолиб-нейрон оғирлиги чегарасидан ташқарида жойлашган нейронлар ўзгармас қолади. Оғирлик күрсаткичидаги чекланмалар ва ўрганиш тезлиги коэффициенти функция билан белгиланиб, унинг қийматлари такрорланиш ошган сари уларнинг қиймати камайиб боради.*

Кохонен қоидасидаги ўзгаришлар ўрганиш тезлиги коэффициенти  $h_i^{(k)}$  икки қисмга бўлинади: яқин жойлашганлик функцияси  $h_i(d, k)$  ва ўрганиш тезлиги функцияси  $a(k)$

$$\eta_i^{(k)} = \eta_i(d, k) \cdot a(k), \quad (24)$$

яқин жойлашганлик функцияси сифатида ёки константа

$$\eta_i(d, k) = \begin{cases} \text{const}, & d_i \leq \sigma(k), \\ 0, & d_i > \sigma(k) \end{cases} \quad (25)$$

ёки Гаусс функцияси қўлланилади

$$\eta_i(d, k) = e^{\frac{d_i}{2\sigma(k)}} \quad (26)$$

бунда Гаусс функциясини қўллаш самарали натижада беради.

$$d_i = \|r_i - r_{c_j}\| \quad (27)$$

Ифодаларда нейрон ва ғолиб-нейрон ўртасидаги масофа,  $c_j$ ,  $\mathbf{r}_i$  ва  $\mathbf{r}_{c_j}$  –,  $i$ -ва ғолиб  $c_j$ -нейрон ўртасидаги харитадаги координаталар,  $\|r_i - r_{c_j}\|$  харитада  $i$ - ва  $c_j$  катаклар ўртасидаги масофа.  $\sigma(k)$  функцияси ўрганиш цикли бўйича камайиб кетувчи функция ҳисобланиб, кўпинча чизиқли камаювчи функция қўлланилади.

Ўрганиш тезлиги функциясини  $a(k)$  кўриб чиқамиз. Ушбу такрорлашлар сонига нисбатан камайиб бориш функциясини ҳам ифодалайди. Ушбу функциянинг 2 та варианти қўлланилади: чизиқли ва ўрганиш жараёни такрорлашидан тескари пропорционалли кўриниши

$$a(k) = \frac{A}{k+B} \quad (28)$$

бунда  $A$  ва  $B$  – константалар. Бу функцияни қўллаш натижасида ўрганиш танловидаги барча векторлар ўрганиш жараёни самарадорлигига бир хил улуш қўшади.

*Ўрганиш жараёни иккита босқичдан иборат:* биринчи босқичда – хусусиятлар тўпламида оғирлик кўрсаткичлари коэффициентлари вектори кетма-кетлиги тўғриланади, яъни ўрганиш тезлиги ва радиуси қиймати юқори танланади ва натижада нейронлар вектори мисоллар кетма-кетлигига мос равишда қўйиб чиқади (нейронлар вектори ўрни харитада эмас, балки хусусиятлар тўплами соҳасида ўзгаради). Сўнгги босқич – *созлаш босқичида* ўрганиш тезлиги параметрлари ошиш ҳисобидан оғирлик кўрсаткичлари аниқ кетма-кетликда қўйилади. Ўрганиш жараёни тармоқ хатолик чегараси энг кичик қийматга етганча такрорланади.

### **Пакетли ўрганиш алгоритми**

Хозирги кунга келиб, Кохонен харитасида ўрганиш жараёни учун Кохонен харитасининг пакетли ўрганиш алгоритми (*Batch-Learning*

*SelfOrganizing Map*) [3, 11] кенг қўлланимокда. Ушбу алгоритмда энг аввал барча мисоллар ифодаланади, сўнгра оғирлик кўрсаткичлари янгиланади. Алгоритмда нормаллаштирилган кириш векторлари қўлланилади. Алгоритм  $B$  та ўтиш сонига эга, ва  $k$ -ўтишда қўйидаги амаллар бажарилади.

1. Барча  $N$  та кириш вектори узатилади ва ҳар бир  $\mathbf{x}_j$  нчи кириш вектори билан барча нейронлар оғирлик кўрсаткичлари векторлари  $\mathbf{w}_i$  ўртасидаги Евклид масофа ҳисбланилади.

$$c_j = \operatorname{argmin} \left\{ \|r_i - r_{c_j}\| \right\} \quad (29)$$

2. Ғолиб-нейрон рақами аниқланади

Кириш векторининг барча компонентлари каби оғирлик кўрсаткичларининг барча векторлари янгиланади.

$$w_i^{new} = \frac{\sum_{j=1}^N h_{c_j,i} x_j}{\sum_{j=1}^N h_{c_j,i}} \quad (30)$$

бунда  $h_{c_j,i}$  – кўрсаткич атрофи функцияси

$$h_{c_j,i} = \exp \left( \frac{\|r_i - r_{c_j}\|^2}{2\sigma^2(k)} \right) \quad (31)$$

$\mathbf{r}_i$  ва  $\mathbf{r}_{c_j}$  –  $i$ - ва  $c_j$ -ғолиб-нейроннинг харитадаги координаталари,  $\|r_i - r_{c_j}\|$  – харитада  $i$ -ва  $c_j$ -катаклар ўртасидаги масофа,  $\sigma(k)$  параметр ўтишлар сони ошган сари камайиб кетади

$$\sigma(k) = \sigma_0 \left( 1 - \frac{k}{k_{max}} \right), \quad (32)$$

$\sigma_0$  – танланадиган бошланғич қиймат,  $k_{max}$  – ўтишларнинг максимал сони.

Ўтиш жараёни такрорланиши, (3) функция натижаси етарли даражада камайгунча давом этади.

## Нейрон газ алгоритми

*Нейрон газ алгоритми* [1, 12] бу - газ ҳаракати динамикасига ўхшашлиги сабабли шундай номланган бўлиб, бошқа алгоритмлардан фарқли равишда яқинлашиш тезлигини таъминлайди. Ушбу алгоритмда ўрганиш жараёнининг ҳар бир  $k$ -циклида барча нейронлар

голиб нейрондан узокълик даражаси кетма-кетлигидан саралаб чиқылади. Ҳар бир нейрон учун яқинлик функцияси қиймати аниқланади.  $i$ -нейрон учун ушбу функция қуидаги күринишга эга

$$\eta_i^{(k)} = e^{\frac{m_i}{\lambda^{(k)}}}, \quad (33)$$

бунда  $m_i$  – нейрон рақами бўлиб, саралаш натижаси белгиланади (ғолиб – нейрон учун бу рақам нолга тенг);  $\lambda$  – параметр (кенглик параметри), кетма-кет ўрганиш алгоритмидаги параметрига ўхшаш бўлиб, итерация ошиши билан камайиб боради.  $i$ -нейрон оғирлик кўрсаткичи вектори таҳрири қуидаги формула бўйича амалга оширилади

$$w_i^{(k+1)} = w_i^{(k)} + \eta_i^{(k)} a_i^{(k)} [x^{(k)} - w_i^{(k)}], \quad (34)$$

бунда  $\eta_i^{(k)}$  – яқинлик функцияси бўлиб, (6) формула бўйича аниқланади;  $a_i^{(k)}$  – ўрганиш тезлиги функцияси.

Ғолиб – нейрон оғирлик кўрсаткичи вектори WTA алгоритми бўйича аниқланади. Бироқ алгоритмдан фарқли равишда WTA барча нейронлар оғирлиги аниқланади.

$\lambda^{(k)}$  ва  $\lambda_i^{(k)}$  параметрлари итерация сони ошган сари камайиши лозим

$$\lambda^{(k)} = \lambda_{max} \left( \frac{\lambda_{min}}{\lambda_{max}} \right)^{k/k_{max}}, \quad (35)$$

$$a_i^{(k)} = a_i^{(0)} \left( \frac{a_{min}}{a_i^{(0)}} \right)^{k/k_{max}} \quad (36)$$

Бунда  $k$  – жорий итерация рақами,  $k_{max}$  – итерациянинг максимал қиймати,  $\lambda_{min}$  ва  $\lambda_{max}$  –  $\lambda$  параметрнинг минимал ва максимал қиймати,  $a_i^{(0)}$  – ўрганиш тезлигининг бошланғич қиймати,  $a_{min}$  –  $k_{max}$  га мос бўлган ўрганиш тезлигининг минимал қиймати бўлиб,

$m_i > K$  ҳолат учун ҳисоблаш ҳажмини камайтириш учун  $h_i^{(k)} = 0$  деб олинади. Бунда  $K$  – берилади. Яъни нейронларнинг  $K$  кўрсаткичи созланади.

Барча кўриб ўтилган алгоритмлар нейронлар сонини талаб этади.

Нейрон газ кенгайиши алгоритми (Growing Neural Gas) [13] кириш қисмидаги берилғанлар кластерлашлаш имконини беради ва тармоқ ўрганиш жараёнида нейронлар сонини хисоблади.

### **Кохонен харитаси инициаллаштириш**

Кохонен харитасини тузишдан олдин, нейронлар тармоғи конфигурацияси (одатда, олтибурчак) ифодаланилиши ва харита учун нейронлар сони берилиши лозим. Нейронлар сони харита аниқлик даражасини белгилайди. Бунда күп сонли нейронлардан иборат харита ўрганиш жараёни учун күп вақтни талаб этади.

Бундан кейин *инициализация амалга оширилади* – яъни нейронлар оғирлик күрсаткичининг бошланғич қийматлари ўзлаштирилади. Содда ҳоллар учун оғирлик күрсаткичини тасодифий кичик сонлар билан инициаллаштириш мумкин. Маълумки [3], ўрганиш жараёнига сарфланувчи вақтни тежаш учун хаританинг бошланғич ҳолатини тартиблаб чиқиши жуда катта самара беради. Бошланғич оғирлик күрсаткичи сифатида ўрганиш мисоллари кетма-кетлигидан тасодифий танланган қийматларни қўллаш яхши натижа беради. Бу ерда чизиқли инициаллаштириши [3] самарали бўлиб, харитада оғирлик күрсаткичи бошланғич ҳолатларини тартиблаш имконини беради. Бунинг учун кириш векторларини марказлаштирилган ҳолатга ўзгартириб, нолли математик кутилиш векторлар кўринишда матрица

$\dot{X} = [\dot{x}_1 \dot{x}_2 \dots \dot{x}_n]$  яратилади. Бунда марказлаштирилган кириш векторларидан тузилган ҳолда коварицион матрица хисобланади (37).

$$K = \frac{1}{n-1} \dot{X} \dot{X}^T \quad (37)$$

К матрицанинг иккита энг катта қиймати мавжуд (бу қийматлар мусбат, яъни матрица мусбат аниқланган). Тўрт ва олти бурчакли графика тўғри бурчак асосда қурилади, уларнинг ўлчами К матрицанинг икки энг катта қийматига teng. Нейронлар оғирлик күрсаткичининг бошланғич қиймати К матрица энг катта икки қиймати векторларининг чизиқли комбинацияси кўринишда яратилади. Оғирлик күрсаткичининг чизиқли комбинацияси қурилган тўртбурчакда жойлашган координатасига teng бўлади. Математик

нұктаи назардан оғирлик күрсаткичининг бошланғич қыматлари К матрицанинг иккита вектори асосида мұхитдан олинади.

Оғирлик күрсаткичи векторлари бошланғич қыматлари тартибланади ва оғирлик күрсаткичи харитаси бүйіча яқинлаштириши енгиллаштиради. Шу сабабли, созлаш босқичидан бошлаб, ўрганиш жараёни бошлаш мүмкін. Бирок, чизиқли белгилаш жараёни “бүш”нейронларни, яъни кириш векторига умуман яқин бўлмаган нейронларни яратиши мүмкін. Оғирлик күрсаткичининг энг яхши бошланғич күрсаткичлари асосий компонентлар чизиқсиз усулини қўллаш имконини беради.


Кохонен харитаси инициаллаштиришда кластерлаш алгоритмларидан бири қўлланилиши мүмкін, масалан, *k-means*: кластерлаш алгоритми ёрдамида харитада мавжуд нейронлар сони тенг равища кластерлар шакллантирилади. Сўнгра хаританинг аниқ созлаш ишлари амалга оширилади.

Инициализациянинг мураккаб усули тармоқ ўрганиш вақтини қисқартиради, бирок инициализациялаштириш вақтини оширади. Шунинг учун харитани яратиша сарфланадиган тўлиқ вақтини инобатга олиш лозим.

#### **1.31.4. Кохонен харитасининг график кўриниши**


Хусусиятлари вектори яқин бўлган обьектлар битта катақка ёки харитада жуда яқин жойлашган катакларга тушишади. Шунинг учун Кохонен икки ўлчовли харитасида кўп ўлчовли хусусиятлар вектори жойлашувини ифодалайди. Одатда, обьектлар аниқ қайси бир параметрлар бўйича ўхшашликка эга эканлигини таҳлил этиш талаб этилса, Кохонен харитаси рангланиши қўлланилади. Бунинг учун таҳлил қилинаётган параметрлар (кириш векторлари компонентлари) сонига қараб хариталар яратилади. Ҳар бир харита обьектнинг битта параметрига мос келади. Харита катаклари катақдаги нейрон оғирлик күрсаткичлари қыматларига мос равища турли рангларга (ёки кулранг кўринишларига) бўянади. Оғирлик күрсаткичлари қыматлари диапазони ажратилади. Ҳар бир диапазонга маълум бир ранг (кулранг кўриниши) мос келади ва харита катаклари шунга мос

бўлган ранг билан “бўянади”. Оғирлик қўрсаткичи графикасига кўриниши компонентли текислик— *Component Planes* деб номланиб, Рasm. 63 (MATLAB Neural Network Toolbox да графика хосил қилинган) да келтирилган. Графикада тўқ рангдагилар бўянганлар бу оғирлик қўрсаткичи юқори бўлганлар ҳисобланади. Оғирлик қўрсаткичи яқин бўлганлар бир хил рангда бўянган. Расмдан кўриниб турибдики, ўрганилаётган объектлар биринчи ва иккинчи кириш қисми бўйича кескин фарқланади, бироқ учинчи ва тўртинчи кириш қисми бўйича жуда яқин.



**63-расм. Текисликдаги компонентлар.**


Таҳлил қилишда, хаританинг ҳар бир катаги (нейрони) билан кириш қисмининг нечта векторлари боғланганлигига эътибор бериш лозим. Бунинг учун MATLAB Neural Network Toolbox дастурида *клusterларда мисолларнинг жойлашув графиги* қурилади (Расм.64).




**64-расм. Кластерларда мисолларнинг жойлашув графиги.**

Шу билан бирга яқин жойлашган нейронлар оғирлик күрсаткичи векторлари орасидаги масофани аниқлаш ҳам тавсия этилади. Бунинг учун ягоналаштирилган масофа матрицаси *U-matrix* ва Семмона (J. W. Sammon) ифодаси қўлланилади. [17]. ягоналаштирилган масофа матрицаси – *U-matrix* [18] элементлари нейрон оғирлик күрсаткичи ва яқин жойлашган нейронлар оғирлик күрсаткичлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Бу қийматнинг катталиги нейрон атрофдагилардан кескин фарқланишини ва бошқа кластерга боғлиқлигини билдиради (Расм 65). MATLAB Neural Network Toolbox дастурида қурилган масофа матрицаси кўрсатилган. Олтибурчак нейронларни ифодалайди. Чизиқлар эса атрофдаги нейронлар билан боғланишни ифодалайди. Боғланиш қисмлардаги ранглар нейронлар ўртасидаги масофани кўрсатади. Тўқ ранглар масофа катталигини билдиради. Тўқ рангли сегментлар хаританинг пастки қисмдан юқори ўнг қисмга қараб тақсимланган. Харитада объектлар иккита кластерга гурухланган.

Семмон проекцияси [19] векторлар ўртасидаги масофани сақлаган ҳолда кириш қисмидаги векторларнинг текисликдаги чизиқсиз ифодаси. Одатда ўзаро яқин нейронлар чизиқлар орқали боғланган.



**65-расм. Масофанинг бирлашган матрицаси.**



**66-расм. Оғирлик күрсаткичларининг жойлашуви.**

MATLAB Neural Network Toolbox дастурида оғирлик күрсаткичининг жойлашув графиги қурилади (Расм. 66), унда кириш қисми векторлари координаталари биринчи икки компонент орқали аниқланиб нуқталар орқали ифодаланган. Нейронлар оғирлик күрсаткичлари векторлари биринчи икки компонент координаталари нуқталари бошқа рангда ифодаланган бўлади. Кўшни нейронлар чизиклар орқали боғланган. Шуни таъкидлаш лозимки, яқин жойлашган нейрон деб катакларда яқин нейронлар эмас балки хусусиятлар соҳасида яқин жойлашган нейронлар ҳисобланади.

### **1.32. Ўқитувчи иштирокида ўрганувчи вектор квантлаш тармоқлари (LVQ-сети)**

*LVQ*-тармоқлари вектор квантлашни ўрганиш жараёнига йўналтирилган (*LVQ* – *Learning Vector Quantization*) [3] бўлиб, ўқитувчи иштирокида ўрганувчи Кохонен қатламини ташкил этади. *LVQ*-тармоқни қуриш учун  $n$  кластерлар (нейронлар) сони, синфланишлар сони  $m$  ( $n \neq m$ ) ва ҳар бир кластер маълум бир синфга мансублиги белгиланиши лозим. Масалан, bemорлар анализлари 5 кластерга бўлинган бўлиб, улардан 2 таси соғлом инсонларга, колган 3 таси касал инсонларга тааллукли. Кластерларни синфлар бўлиш пропорцияси, ўрганилаётган ҳолатларни мос равишда синфларга бўлиш пропорцияси бўйича амалга ошириш мумкин. Кластерлар ва синфлар ракамларини тасодифий сонлар билан ифодалаш мумкин. Бироқ тармоқ иши натижасини қулай ифодалаш учун кластерларни кетма-кет тартиблаш тавсия этилади. Кўрилаётган мисолда биринчи икки кластер соғлом инсонлар синфида тўғри келади, кейинги 3таси эса - касал bemорлар синфида. Ўрганиш жараёнида *LVQ*-тармоқ нейронлар оғирлик күрсаткичини белгилашда ўрганилаётган ҳолатлар ва кластерлар битта синфга мансуб деб олинади. Ўргатилган *LVQ*-тармоқ кириш қисмидаги векторларни синфларни инобатга олган ҳолда кластерлайди. Масалан, бир bemорнинг аниқ бир анализи касал инсонлар синфида тааллукли кластерларнинг бирига боғлиқ. Ушбу

клaster таркибига кирган анализлар хусусиятларини факат шу анализларни ўрганиш натижасида аниқлаб бўлади.

*LVQ*-тармоқнинг бир нечта ўрганиш алгоритмлари маълум бўлиб[3], энг содда *LVQ1* ўрганиш алгоритми,  $k$  -ўрганиш циклида қўйидаги кўринишда бўлади.

1. Ўрганиш танловининг  $\mathbf{x}$  вектор учун  $c$  рақамли нейрон мавжуд бўлиб, унинг оғирлик кўрсаткичи векторлари ва  $\mathbf{x}$  ўртасидаги евклид масофа  $\mathbf{w}_c^{(k)}$  энг минимал.

2. Фолиб-нейрон оғирлик кўрсаткичи вектори қўйидагича таҳрирланади:

– агар  $\mathbf{w}_c^{(k)}$  ва  $\mathbf{x}$  битта синфга мансуб бўлса:

$$m_{k+1}^c = m_k^c + \alpha^{(k)} [x - m_k^c] \quad (38)$$

бунда  $\alpha^{(k)}$  – ўрганиш тезлиги коэффициенти.

Бошқа нейронлар оғирлик кўрсаткичи ўзгармас қолади.

3. Кейинги ўрганилаётган вектор танланади ва 1-қадамдан бошлаб тақоррланади.

4. Таснифланган векторлар сони ошиши тугагунча 1–3 қадамлар тақоррланади.

Агар кириш қисмидаги вектор тармоқда тўғри таснифланса, унда мос равища оғирлик векторлари кириш қисмидаги векторлар томон силжийди. Агар кириш қисмидаги вектор тармоқда нотўғри таснифланса, унда мос равища оғирлик векторлари кириш қисмидаги векторларга қарама-қарши томонга силжийди.

Ўрганиш тезлиги коэффициенти  $0 < \alpha^{(k)} < 1$  ўрганиш цикли ошган сари камайиб бориши лозим. Аммо,  $\alpha^{(k)}$  нинг бошланғич қиймати етарлича кичик бўлиши, масалан, 0,1 лозим.

*LVQ2.1* алгоритмida *LVQ1* алгоритми қоидаси бўйича бир вақтнинг ўзида кириш қисми вектори  $\mathbf{x}$  га яқин иккита оғирлик кўрсаткичи векторлари  $\mathbf{w}_i$  ва  $\mathbf{w}$  таҳрирланади.

Бунда векторлардан бири тўғри синфга, иккинчиси -нотўғри синфга мансуб.  $\mathbf{w}_i$  ва  $\mathbf{w}$  векторларнинг кириш қисми вектори  $\mathbf{x}$  га яқинлик омили  $\mathbf{x}$  нинг  $s$  кенглик соҳасига тушиши ҳисобланади. Агар

$d_i$  ва  $d_j - \mathbf{x}$  дан  $\mathbf{w}_i$  ва  $\mathbf{w}$  гача бўлган Евклид масофа бўлиб,  $\mathbf{x}$  соҳага тушиши учун,

$$\min\left(\frac{d_i}{d_j}, \frac{d_j}{d_i}\right) > \frac{1-s}{1+s} \quad (39)$$

Кенглик диапазонини 0,2 дан 0,3 гача белгилаш тавсия этилади.

*LVQ*-тармоқларнинг [3] ва бошқа ўрганиш алгоритмлари маълум бўлиб, оғирлик кўрсаткичи бошланғич қийматлари сифатида синфларга мос равишда ўрганилаётган ҳолатлар тасодифий векторларини қўллаш мумкин. *LVQ*-тармоқларда ўрганиш давомида қайта ўрганиш имкони мавжуд. Кўп қатламли перцептрон каби қайта ўрганиш кўпгина ҳолларда натижани текшириш ва қайта ўрганиш амаллари кетма-кетлиги тартибида олиб борилади.

Катта ҳажмдаги кластерлар ҳолати учун *LVQ*-тармоқ иши натижасини ифодалаш мураккаб ҳисобланади. Чунки энг аввал кириш қисмидаги вектор мансуб бўлган синф аҳамиятли ҳисобланади. Икки қатламдан иборат *LVQ*-тармоқ қўлланилиши [20] да келтирилган: биринчи қатлам Кохонен қатлами ҳисбланиб, кириш қисми векторларини берилган  $n$  та кластерга кластерлайди. Иккинчи чизиқли қатлам ушбу кластерларни битта  $m$  синфга бирлаштиради ( $n \neq m$ ). Натижада тармоқ кириш қисми векторларини таснифлайди. Бу ёндашув MATLAB тизимининг Neural Networks Toolbox [9] воситасида жорий этилган. Кириш қисми қатлами *LVQ*-тармоқ ўрганиш алгоритми бўйича ўрганади (Neural Networks Toolbox тизимида *LVQ1* ва *LVQ2.I* алгоритмлари жорий этилган). Чизиқли қатлам ўрганиш жараёнини ўтмайди, балки маълум бўлган кластерлар ва синфлар орасидаги боғланишлар асосида шаклланади. Биринчи қатлам  $n$  та элементдан иборат векторни узатади, бунда фақат битта элемент бирга teng, қолганлари нолга teng. Бирга teng бўлган элемент вектордаги рақами кириш вектори мансуб бўлган кластер рақамига teng бўлади. Чиқиш қисмидаги чизиқли қатлам оғирлик кўрсаткичлари матрицаси  $m$  та қатори мавжуд.


Матрица қатори синфларга тўғри келади. Устунлар сони эса  $n$  га teng. Устунлар кластерларга тўғри келади. Ҳар бир устунда фақат

битта элемент бирга тенг бўлади. Бу элемент кластер мансуб бўлган синфи кўрсатади. Чизиқли қатlam оғирлик кўрсаткичлари матрицасининг биринчи қатлами чиқиш векторига кўпайтмаси  $n$  элементдан иборат векторни шакллантиради. Бирга тенг элемент рақами идентификацияланган синф ракамига тенг.

### 1.33. Қарши тақсимланган тармоқ

*Қарши тақсимланган тармоқ* (*Counterpropagation Network*) [21–22] Р. Хехт-Нильсеном (R. Hecht-Nielson) [23] томонидан таклиф этилган бўлиб, икки қатламли тармоқни ташкил этади, биринчи қатлам бу Кохонен қатлами, иккинчиси – С. Гроссберг (S. Grossberg) қатлам [24]. Қарши тақсимланган тармоқ аниқлик кўрсаткичи бўйича кўп қатламли персепtronга етмасада, бироқ ўрганиш жараёни жуда тез амалга оширилиб, бир қатор самарали хусусиятга эга. Қарши тақсимланган тармоқлар тартибга солинган векторларни қўллайди.

Гроссберг қатлам нейронлари *Гроссберг чиқиш юлдузлари* (*Outstar*) деб номланади. Гроссберг чиқиш юлдузлари (Расм.67) скаляр кириш қисмига ва векторли чиқиш қисмига эга.



**67-расм. Гроссберг чиқиш юлдузи.**

Гроссберг чиқиш юлдузи фаоллашув функцияси ёрдамида қайта ўзгартиришни [22] амалга оширади.

$$y_i = \varphi(w_i x), \quad i = 1, 2, \dots, m$$

$$\varphi(u_i) = \begin{cases} u_i, & \text{агар } -1 \leq u_i \leq 1, \\ 1, & \text{агар } 1 < u_i, \\ -1, & \text{агар } u_i < -1. \end{cases} \quad (40)$$

Карши тақсимланган тармоқ ўрганиш жараёни иккита қадамдан иборат.

*Биринчи* қадамда юқорида кўриб ўтилган алгоритмлар бўйича Кохонен қатлами ўрганишни бошлайди. Ўрганилган Кохонен қатлами нолдан фарқланган битта компонентга эга векторни узатади.

*Иккинчи* қадамда Гроссберг қатламининг ўқитувчи ёрдамида ўрганиш амалга оширилади. Гроссберг қатламида оғирлик кўрсаткичини таҳрирлаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилади

$$w_{ij}^{(k+1)} = w_{ij}^{(k)} + \beta (y_j - w_{ij}^{(k)}) y_{ki} \quad (41)$$


бунда  $k$  –ўрганиш цикли рақами,  $w_{ij}$  – $j$  нейроннинг  $i$  -оғирлик кўрсаткичи,  $y_{ki}$  – Кохонен қатламининг  $i$ -нейрон чиқиши (фақат битта Кохонен нейрони нолдан фарқли бўлади,  $y_j$  – керакли чиқиш векторларининг  $j$  -компоненти,  $\beta$  – ўрганиш тезлиги коэффициенти (энг аввал [21]  $\beta$  қийматини  $\sim 0,1$  га тенг деб олиш сўнгра ўрганиш давомида камайтириш тавсия этилади,).

Кохонен қатлами чиқиш қисмидаги вектор ғолиб –нейроннинг битта ягона компонентига эга бўлганлиги сабабли, Гроссберг қатлами нейронлари ва Кохонен қатлами ғолиб-нейрон боғловчи чиқиш қатлам оғирлик кўрсаткичлари мувофиқлаштирилади.

Агар ўрганиш жараёнидан ўтган тармоқга ўрганилаётган танловга мансуб бўлмаган вектор узатилса, энг аввал Кохонен қатлами мансуб кластер аниқланади, сўнгра Кохонен қатлам ғолиб-нейрон чиқиш қисмига сигнал узатилади. Унинг чиқиш қисмida чиқиш вектори шаклланиб, унинг элементлари қиймати аниқланган кластер марказ координатасига teng бўлади.

Кўриб ўтилган тармоқ бир йўналишли текис тақсимланган тармоқ ҳисобланади. Икки йўналишли тескари тақсимланган тармоқларда кириш қисмидаги векторлар бўйича мос тушувчи кириш векторини аниқлаш имконини беради. Айнан шу хусусият сабабли “тескари

тақсимланган” ибораси қўлланилади. Икки йўналишили тескари тақсимланган тармоқ структураси 68-расмда келтирилган.



### 68-расм. Икки йўналишили тескари тақсимланган тармоқ

Ўрганиш жараёнида  $\mathbf{x}$  ва  $\mathbf{y}$  векторлар кириш қисми векторлари каби ва мақсадли чиқиш векторлари каби қўлланилади.  $\mathbf{x}$  векторлари чиқиш қатламининг чиқиш векторлар  $\mathbf{x}^*$  ни ўрганиш учун қўлланилса,  $\mathbf{y}$  векторлари эса чиқиш векторлари  $\mathbf{y}^*$  ни ўрганишда қўлланилади. Тармоқнинг ўрганиш жараёни бир йўналишили тескари тақсимланган тармоқ ўрганиш жараёни каби амалга оширилади. Фарқи фақат векторлар ўлчамининг ошганлигидир. Агар ўрганиш даврини ўтаган тармоқ кириш қисмига ўрганиш жараёнида қатнашмаган  $\mathbf{x}$  вектор ва унга мос бўлган чиқиш вектори  $\mathbf{y}$  узатилса, чиқиш қисмидаги  $\mathbf{x}^*$  ва  $\mathbf{y}^*$  векторлари аппроксимацияси олинади. Аммо бундай ечим аҳамиятли маънога эга эмас: чунки маълум бир ифоданинг кириш ва чиқиш векторлари аниқ берилган. Агар кириш қисмига фақат  $\mathbf{x}$  узатилса

чикиш қисмida  $\hat{x}$  ва  $\hat{y}$  аппроксимациялари олинади. Яъни  $x$ ,  $y$  да ифодаланилади. Агар  $y$  вектор аниқ бўлса, фақат  $y$  кириш қисмiga узатилса, чикиш қисмida  $\hat{x}$  ва  $\hat{y}$  ни оламиз.  $\hat{x}$  га эга бўлиш бу тескари бу  $y$  да ифодалаш эканлигини билдиради.


### Биринчи боб бўйича хулоса

Боб сунъий нейрон тармоқлари назарий асосларига бағишлиланган бўлиб, унда сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи, босқичлари ва йўналишлари келтирилган. Билимларга асосланган тизимларни ишлаб чикиш ва уларни ифодалаш, табиий тилда ва машинали таржима тизимни ишлаб чикиш, тасвирларнинг аниқлаш модель ва усулларининг таҳлил ва қўлланилиши орқали қўллаш масалаларини ҳал қилиш амалга оширилган. Компьютернинг янги архитектураси, интеллектуал роботлар, махсус дастурий таъминот, ўрганувчи ва мустақил ўрганувчи сунъий нейрон тармоғи, нейрон тармоқларни қўллаш соҳалари, образларни аниқлаш. таснифлаш масалаларни амалиётга тадбифига бағишлиланган. Нейрон тармоқ таснифи, тўғри чизиқли нейрон тармоқлари, марков занжири, Хопфилд Нейрон тармоқ, Хэмминг Нейрон тармоқлари, Больцман (ВМ) машинаси, Автоэнкодерлар, Сийрак автоэнкодер, Вариацион автоэнкодер архитектураси, CNN архитектураси тўлиқ изохи, CNN қўлланиладиган қатламлар каби масалаларни амалиётга тадбифи ва улардан фойдаланиш усуллари илмий ва амалий жиҳатдан ёритиб, шахсий фикр мулоҳазалар келтирилган.

## II БОБ. СУНЬЙИ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ

### 2.1. Ечимлар дараҳти алгоритмлари

#### Decision Forest



69-расм. Дараҳтсимон ечимлар алгоритми.

**Итератив дихотомизатор 3 (ID3)** –бу юқоридан пастга қараб дараҳтсимон структурани ҳосил қиласи. Бунда илдиздан бошланиб, ҳар бир тугунда текширилиши лозим бўлган атрибут танланади. Ҳар бир атрибут маълум бир статистик восита ёрдамида баҳоланади, бу атрибут асосида берилганларни самарали тақсимлаш амалга оширилади. Танланган атрибут илдиз ҳисобланиб, унинг қийматлари тармоқланади, сўнгра жараён бошқа атрибутлар асосида давом этади. Атрибут танлангандан сўнг орқага қайтиш имкони бўлмайди.

**C4.5 ва C5.0 (ёндашувнинг икки кўриниши)** - C4.5, кейинги итерация Quinlan – бу ID3нинг энг янги версияси. Янги функциялар (ID3га нисбатан): (i) ҳам узлуксиз ҳам дискрет функцияларни қабул қиласи; (ii) тўлик бўлмаган берилганлар тугунини қайта ишлайди; (iii) яқинлаштириш аниқлиги тушиши билан боғлиқ муаммоларни юқоридан паст усули асосида, одатда “қирқим” номига эга усул ҳал этади; ва (iv) турли оғирлик қўрсаткичлари хусусияти кўринишда

үрганиш жараёни қийматлари қўлланилиши мумкин. С5.0, Quinlan энг сўнгги итерацияси ҳисобланади.

**Тасниф ва регрессия дарахти (CART)** –CART одатда “ечимлар дарахти” иборасининг аббревиатураси сифатида қўлланилади. Умумий ҳолда CART нинг реализацияси юқорида келтирилган C4.5 реализациясига ўхшаш. Битта фарқли томони бу CART қийматли тақсимлашга асосланган дарахтни яратади, бунда берилганларга рекурсив ҳолатда қўлланилади, ўз навбатида C4.5 қоидалар тўпламини яратиш босқичига эга.

**Chi-квадрат ўзаро боғланишни автоматик аниқлаш (CHAID) - натижаларни ва башорат қилинган қийматларни категория бўйича ўзаро боғланишини аниқлаш алгоритми.** Оптимал ечимга етмагунга қадар, барча башорат қилинувчи қийматлар ўртасида категориялар бўйича кесиshmали жадвалларни яратади. Оптимал ечимга етгандан сўнг қайта тақсимлаш амали тўхтатилади. CHAID башорат моделини ёки дарахтини яратади, унинг ёрдамида берилганларни умумлаштириш, улар ўртасидаги боғланишларни изоҳлаш имконини беради. CHAID ни таҳлил қилганда номинал, тартиблangan ва узлуксиз берилганларни кўллаш мумкин, бунда чексиз башорат қилинувчи қийматлар кузатувчилар сонига мос равишда категорияларга бўлинади. Категорияга эга катта ҳажмдаги берилганлар тўпламида шаблонларни аниқлашда самарали бўлиб, берилганларни умумлаштиришнинг қулай усули ҳисобланади, чунки берилганлар ўртасидаги муносабатлар осон визуаллаштирилади.


**Decision Stump** - ML модели бир даражали ечим дарахтидан иборат бўлиб, битта ички тугун (илдиз)га эга ва у сўнгги тугунлар (япроқлар) билан боғланган. Бу модел битта кириш функцияси қийматлари асосида башорат ўтказади.

**M5-** M5 ечимлар дарахти бўлиб, тугунларда чизиқли регрессия функцияси имконияти мавжуд. Аниқлик кўрсаткичи билан бирга катта ҳажмдаги юзга яқин атрибуллар асосида масалаларни ечиш имконига эга. M5 дарахт модели –регрессия масалаларни ўрганиш учун ечимлар дарахти бўлиб, Y ўзгарувчи қийматларини башорат этиш учун

қўлланилади. М5 дарахти CART дарахтида қўлланиладиган ёндашувни қўлласада, ўрта квадратик хатоликни функция кўринишда танлаганда, сўнгги тугун учун константани ўзлаштирмайди, балки чизиқли регрессия кўп ўлчовли моделига тўғри келади.

Демак, ечимлар дарахти – оддий детерминистик структураси бўлиб, аниқ таснифлаш масала бўйича қарор қабул қилиш қоидасини моделлаштиришда қўлланилади. Ҳар бир тугунда битта хусусият танланиб, айнан ўша бўйича қарор қабул қилинади. Тақсимланиш тугаши учун энг сўнгги тугунда нуқталар сийракланиши лозим. Бундай япроқли тугун натижани ифодалайди (турли синфлар бўйича тасниф эҳтимоллигидир).

Кўйидаги чизма тўлиқ изоҳ беради:




## 70-расм. Турли синфлар бўйича тасниф эҳтимоллиги

Кўйидагича амалга оширилади

Ечимлар дарахти самарадорлигига ҳал қилувчи омил бу самарали тармоқлаш жараёнидир. Биз ҳар бир тугунни тақсимлаш максимал аниқ бўлиши лозим. Аниқлик деганда синфларга тўғри бўлиш ва у асосда билимларни кенгайтириш унумдорлигини билдиради.

Тасвирда 1000 та сўз тақсимот ифодаси келтирилган ва унда маълум бир интуиция келтирилган:




### 71-расм. 1000 та сўз тақсимот ифодаси.

Иккита кенг тарқалган тақсимот усулида келтирилган:

1. Джин аралашмаси
2. Маълумотнинг олиниши


Визуаллаштириш:

Хар бир тақсимот тўғри чизикга олиб келади ва берилганлар тўпламини икки қисмга таснифлайди. Демак, якуний қарор чегараси тўғри чизикдан (тўртбурчакдан) иборат.



### 72-расм. Ечимлар дараҳти асосида берилганлар тўпламини икки қисмга таснифлаш

- Регрессияга нисбатан ечимлар дарахти дарахтлар таснифи чегараларини бирлаштирганда зинама-зина кўринишга олиб келди.



**73-расм. Дарахтлар таснифи чегараларини бирлаштирганда зинама-зина кўриниш**


## 2.2. Тасодифий ўрмон

Тасодифий ўрмон-бу ечимлар дарахти алгоритмининг такомиллаштирилган кўриниши. Тасодифий ўрмоннинг асосий ғояси, бир нечта ечимлар дарахти тўпламидан иборат (“тасодифий ўрмон” тушунчаси шу ердан келиб чиқсан). Ҳар бир ечимлар дарахти аралаш классификатор (берилганларнинг қуи тўплами) ни беради. Уларнинг ҳар бири берилганларнинг турли хусусиятларини фиксирайди. Бу дарахтлар ансамбли эксперталар грухи каби ишлаб, бу ерда ҳар бир эксперт факат ўзининг фан соҳаси бўйича текширади. сўнгра тасниф жараёнида “энг кўп овоз олган” синфи

шакллантиради. Экспертлар мисолида изоҳлайдиган бўлсак, бу битта саволни барча эксперктарга бериб, жавоблар варианти ҳам берилади ва кўпчилик танлаган жавоб вариантига қараб овозлар хисобланади. Регрессия кўринишида эса барча дараҳтлар бўйича ўртачасини олиб натижани башорат қилиш мумкин. Шу билан бирга бошқа дараҳтларга нисбатан қарор қабул қилувчи дараҳтларни валидация жараёни орқали аниқлаштиришимиз мумкин.


Визуаллаштириш:

- Тасниф учун кўпгина “овозлар” эксперт (дараҳт)лар томонидан берилади.




#### 74-расм. Тасодифий ўрмон-ечимлар дараҳти алгоритми

- Шу билан бирга эҳтимолликлардан фойдаланиб, таснифлаш учун чекланмани ўрнатишимиш мумкин.



### The ensemble model

$$\text{Forest output probability } p(c|v) = \frac{1}{T} \sum_t^T p_t(c|v)$$



### 75-расм. Тасодифий ўрмонда асосий гиперпараметрлар

Тасодифий ўрмонда асосий гиперпараметрлар


1. **N-tree:** ўрмон дараҳтлари сони. Одатда 100тагача. Дараҳтларнинг кўплиги баъзан ортиқчалик қиласи.

2. **mtry:** аниқ дараҳт бўйича тақсимотда қўлланилиши мумкин бўлган тасодифий танланадиган ўзгарувчилар сони.


3. **ўзгартирмоқ:** намуна танлови ўзгартириш ёки ўзгармас ҳолда амалга оширилиши лозим.

тасодифий ўрмон ечимлар чегараси

Random Forest кўпгина дараҳтлар тўпламини қўллаши сабабли, қарор қабул қилиш чегараларини мураккаб даражада белгилаши мумкин. Куйида тасодифий ўрмон яратиши мумкин бўлган қарор чегаралари кўриниши келтирилган:



**76-расм. тасодифий ўрмон яратиши мумкин бўлган қарор чегаралари кўриниши**



**77-расм. Random Forest кўпгина дарахтлар тўпламини**

## 2.2.1.R да тасодифий ўрмон.

```
#Random Forest in R using IRIS data
```

```
#Split iris data to Training data and testing data
```

```
ind <- sample(2,nrow(iris),replace=TRUE)
```

```
train <- iris[ind==1,]
```

```
test <- iris[ind==2,]
```


```
head(train, 3)
```

```
## Sepal.Length Sepal.Width Petal.Length Petal.Width Species
## 3      4.7      3.2      1.3      0.2  setosa
## 5      5.0      3.6      1.4      0.2  setosa
## 7      4.6      3.4      1.4      0.3  setosa
```

```
#Try plotting how a decision tree for IRIS will look like
```

```
x <- ctree(Species ~ ., data = iris)
```

```
plot(x, type = "simple")
```



**78-расм. Дастурнинг график кўриниши.**

```

#Train a RF model
model <- randomForest(Species~, data=train , ntree=50, mtry =
2,proximity=TRUE)
#Print RF model details
print(model)


##
## Call:
## randomForest(formula = Species ~ ., data = train, ntree =
50, mtry = 2, proximity = TRUE)
##           Type of random forest: classification
##           Number of trees: 50
## No. of variables tried at each split: 2
##
##           OOB estimate of error rate: 6.41%
## Confusion matrix:
##           setosa versicolor virginica class.error
## setosa      25       0       0  0.00000000
## versicolor    0      24       2  0.07692308
## virginica     0       3      24  0.11111111

#Plot error vs ntree for classes
plot(model)


#Use the value of ntree where error becomes constant

#Plot variable importance matrix
varImpPlot(model)

```



**79-расм.** Даастур моделининг график кўриниши.




**80-расм.** Даастур моделининг график кўриниши.

```
#Test the model on testdata
pred <- predict(model , newdata=test)
table(pred, test$Species)
```

```
##
## pred      setosa versicolor virginica
##  setosa     25      0      0
##  versicolor  0     23      1
##  virginica    0      1     22
```

```
#Plot the margin (positive -> correct classification)
```

```
plot(margin(model,test$Species))
```




## 81-расм. Дастур моделининг график кўриниши

```
#Search for optimal value of mtry for random forest
```

```
tune <- tuneRF(iris[,-5],iris[,5])
```

```
## mtry = 2 OOB error = 5.33%
## Searching left ...
## mtry = 1 OOB error = 5.33%
## 0 0.05
## Searching right ...
## mtry = 4 OOB error = 4.67%
## 0.125 0.05
```



**82-расм. Дастур моделининг график кўриниши**

### **Ютуқ ва камчиликлари.**

Ютуқлари:

- Қарор қабул қилишнинг аниқ моделларидан бири.
- Катта ҳажмдаги берилганлар билан ишлашда самаралидир.

- Ўзгарувчилар аҳамиятларини ажратиб олиш учун қўлланилиши мумкин.
- Функцияни ишлаб чиқиши талаб этмайди (масштаблаш ва нормаллаштириш)

Камчиликлари:

- Шовқинли берилганлар билан ишлашда орттирмаллилик пайдо бўлиши.
- Ечимлар дарахтларидан фарқли равишда натижалар мураккаб талқин қилинади.
- Гиперпараметрлар юқори аниқликда созланишини талаб этади.

Иловалар

Тасодифий ўрмон турли соҳаларга тадбиқ этилган бўлиб, баъзи иловалар қўйидаги имкониятларни ўз ичига олади:

- Объектларни аниқлаш.
- Молекуляр биология (аминокислота кетма-кетлигини таҳлил этиш)
- Масофали зондирование (образларни аниқлаш)
- Астрономия (юлдузлар галактикаси таснифи ва х.к.)

### 2.3.Байес алгоритми

$$P(c|x) = \frac{P(x|c)P(c)}{P(x)}$$

$$P(c|X) = P(x_1|c) \times \dots \times P(x_n|c) \times P(c) \quad (42)$$

**Содда Байес усули** – бу синфда муайян функцияниң мавжудлиги бошқа бир функцияниң мавжудлигини белгиламаслигини, яъни боғлиқлик мавжуд эмаслигини билдиради. Амалда қўллаш асосида олинадиган қийматлар эҳтимолликни аниқлаш усулини белгилайди.

Масалан,  $P(c|x)$  қиймати  $P(c)$ дан  $P(x)$  эса  $P(x|c)$  аниқлаш, бу усул катта ҳажмдаги берилгандар түплами билан ишлашда самарали ҳисобланади.

**Содда Байес Гауссланган усули** –эҳтимолликлар тақсимотини гауссланган (нормал) деб қабул қиласи. Узлуксиз тақсимот учун содда Байес Гаусс алгоритми танлаш алгоритми ҳисобланади.

**Мультиноминал Байес** - бу содда Байес усулининг аниқ амалий кўриниши бўлиб, бунда  $P(\text{Feature} | \text{Class})$  мультиномиал тақсимлаш (катламлар сони, эҳтимоллиги ва ҳ.к.). Бу асосан хужжатларни таснифлаш масалаларини ечишда кўлланилади (хужжат қайси категорияга спорт, сиёsat, технология ва ҳ.к. киришини аниқлаш). Классификатор қўллайдиган функциялар/ башорат қилинувчи қийматлар, хужжатларда такрорланаётган сўзлар мавжудлиги.

**Битта боғланиш бўйича ўртacha баҳолаш**-содда байес классификаторларда атрибулар ўртасида боғланишни аниқлаш масалаларини ечиш учун ишлаб чиқилган. Кўпинча AODE, ҳисоблаш ҳажми оширилган содда байес тармоғига нисбатан аникроқ классификаторларни ишлаб чиқади.

**Байес ишонч тармоғи (BBN)** -эҳтимоллик график модели (статистик модел кўриниши) бўлиб, ўзгарувчилар ва улар шартли боғланишларни циклик йўналтирилган графиги орқали ифодалайди (DAG). Масалан, байес тармоғи касаллик ва симптомлар ўртасиди эҳтимолли боғланишларни ифодалashi мумкин. Симптомларни инобатга олган ҳолда, мавжуд касаллик эҳтимоллигини ҳисоблаш учун тармоқдан фойдаланиш мумкин. BBN – бу диаграмманинг маҳсус кўриниши (йўналтирилган граф деб номланган) бўлиб, ўзаро боғланган эҳтимолликлар жадвалига эга.

**Байес тармоғи (BN)** - байес тармоғининг мақсади шартли боғланишларни моделлаштириш бўлиб, яъни мўлжаллар графида берилгандар ўртасида шартли боғланиш мавжудлиги сабабини ифодалашни англатади. Улардан фойдаланган ҳолда графикда ихтиёрий ўлчам борасидаги хulosани айнан омиллар асосида чиқариш имконини беради.

**Яширин Марков моделлари (НММ)** –график моделлар эҳтимолликлари синфи бўлиб, кузатилаётган ўзгарувчилар тўпламида мавжуд номаълум (яширин) ўзгарувчилар кетма-кетликларини башорат қилиш имконини беради. Масалан, унинг ёрдамида об-ҳавони (яширин ўзгарувчи) башорат қилишимиз мумкин, бунда бирон киши кийган кийими борасидаги маълумот асос (кузатув) бўлиб хизмат қиласди. НММни Байес тармоғи сифатида қараш мумкин, яъни вакт тақсимоти бўйича кузатувлар ёрдамида маълум вакт оралиқларида олинадиган натижалар асосида, башорат қилишда аниқлик кўрсаткичи юқори бўлган яширин ҳолатлар кетма-кетлигини олишга йўналтирилган.

**Шартли тасодифий майдонлар (CRF)**- машинали ўрганишнинг классик модели бўлиб, кетма-кет моделлар ўрганиши учун қўлланилади. Бу кўринишдаги классификатор турли синфлар бўйича ечим чегарасини моделлаштиради. Бу классификатор ва моделларни яратувчилар ўртасидаги фарқ шундаки, биринчи кўриниш, бу эҳтимолликлар шартли тақсимоти бўйича моделлаштиrsa, яъни  $P(y | x)$ , моделларни яратиш усулида эҳтимолликлар ҳамкорлик тақсимотларни моделлаштиришга, яъни  $P(x, y)$  ҳаракат қиласди. Уларнинг асосий принципи бу кириш кетма-кетлигига логистик регрессияни қўллашдир. Яширин Марков моделлар CRF билан баъзи умумий хусусиятга эга бўлиб, улардан бири бу кириш кетма-кетлигига қўлланишидир. Кўпинча CRFs НЛП (нейро-лингвистическое программирование) да қўлланилади.

### **Мисол кўриб ўтамиш:**

CRFs – дараҳтсимон ёки ноаниқ графлар кўринишдаги кетма-кетликларни, яъни структураланмаган кетма-кетликни умумлаштириш учун қўлланилади. Кўрилаётган мисолимизда чизиқли кетма-кетликка эга CRF структурасига асосланамиз. Мисол сўнгига эса умумий CRF ва чизиқли кетма-кетликка эга CRF билан умумлаштирган ҳолда изоҳ берилади.

### 2.3.1. Асосий назария

Машинали ўрганиш тизимларининг кўпчилиги CRF қўллайди, бунда биологик кетма-кетликдан бошлаб, компьютерли видео кузатув, табиий тил маълумотларини қайта ишлаш масалаларида қўлланилиб келинган, CRF бўйича 20000 дан ортиқ мақолалар чиқарилган.

Сўнгги йилларда CRF моделлари LSTM билан бирлаштирилган ва энг самарали натижалар олинган. НЛП соҳасида CRF ни кетма-кетликлар қоидаси деб ҳисобланади: агар аниқлик даражасини оширмоқчи бўлсангиз маълумотлар кетма-кетлигига LSTM қатламига ўрнатишнинг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади.

Кетма-кетликлар таснифи масаласида асосий мақсад кетма-кетликлар эҳимоллиги ( $y$ )ни киритилаётган кетма-кетликлар вектори ( $X$ ) га нисбатан аниқланади. Унинг кўриниши  $P(y|X)$ .

Энг аввал, ифодалар изоҳини кўриб чиқамиз:

- Ўрганиш тўплами: кириш ва мақсадли натижа кетма-кетликлар жуфтлиги  $\{(X_i, y_i)\}$

- $I$ - киравчи кетма-кетликлар векторлари:  $X_i = [x_1, \dots, x_l]$
- $I$ - нчи мақсадли кетма-кетликлар тўплами:  $Y_i = [y_1, \dots, y_l]$
- $\ell$  -кетма-кетликлар узунлиги.

( $X, y$ ) танлов учун доимий тасниф масаласида  $P(y|X)$ ни ҳисобланади, бунда кетма-кетликтаги  $k$ - позициядаги ҳар бир элемент учун эҳтимолликлар кўпайтмаси бажарилади, бунда  $1 \leq k \leq \ell$ :

$$P(y|X) = \prod_{k=1}^{\ell} P(y_k|x_k) = \prod_{k=1}^{\ell} \frac{\exp(U(x_k, y_k))}{Z(x_k)} = \frac{\exp(\sum_{k=1}^{\ell} U(x_k, y_k))}{\prod_{k=1}^{\ell} Z(x_k)} \quad (43)$$

$P(y_k|x_k)$  ифодадан нормаллаштирилган экспонентани кўллаб моделлаштирамиз. Бу *softmax* амали билан бир хил бўлиб, нейрон тармоқларда кенг қўлланилади. *Exp* қўллаш лозим бўлган ҳолларни кўриб ўтамиш:

1. **Миқдорнинг етарлича бўлмаганлиги:** жуда кичик сонларни кўпайтиришда кичик сонлар олинади бу ўз навбатида *миқдор етмаслигига* олиб келади.

2. **Манфий бўлмаган натижалар:** барча қийматлар 0 ва мусбат сонлар оралиғида ифодаланади.

**3. Монотон ҳолда ўсиб борувчи:** бунда юқори даражали қийматларни оширади, паст даражали қийматларни камайтиради. Бу жараён *argmax* амали билан бир хилдир.

**Бир тўпламда икки ўзгарувчи:** иккита символни тўпламдан танлаймиз:  $U$  ва  $Z$ . Улар изохини кўриб ўтамиз.

$U(x, y)$  танловлар ёки бирламчи кўрсаткичлар каби бўлиши мумкин. Яъни у кўрсаткичга нисбатан  $x$  вектор  $k$ -вакт қадам оралиғида ифодаланилади. Буни LSTM нинг  $k$ -чиқиш қисми сифатида қабул қилишингиз мумкин. Аслида назарий жиҳатдан  $x$  вектор турли кўринишда бўлиши мумкин. Амалда эса  $x$  вектор атрофдаги элементларнинг кетма-кетликлар занжири ҳисобланади, яъни киритиш ойнасидаги сўзлардан иборат. Ҳар бир унар омил модельда оғирлик кўрсаткичи асосида белгиланган. LSTM натижаси деб қабул қилинса, англаш анча осон бўлади.

$Z(x)$  ни одатда **таксимлаш функцияси** деб номланади. Буларнинг барчасини оддий ҳол омили деб қабул қиласиз, чунки эҳтимоллик даражалари: ҳар бир кўрсаткич учун қиймати 1 га teng деб баҳоланиши лозим. *Softmax* функциясининг маҳражи каби қабул қилиш лозим.

Юқорида, softmax функциясини қўллаган ҳолда эҳтимолликни аниқлайдиган доимий таснифловчи модельни кўриб ўтдик. Кейинги қадамда янги оғирлик кўрсаткичини қўшган ҳолда  $y_k$  сўнг  $y_{k+1}$  келиш эҳтимолликни моделлаштириш лозим бўлади. Бу модель асосида кетма-кетликлар ўртасида боғланишни аниқлаймиз, демак *чизиқли-занжирли CRF* тушунчasi пайдо бўлади. Бунинг учун, олдинги эҳтимолликни  $P(y_k + 1|y_k)$ га кўпайтириб, экспоненциал хусусият сифатида фойдаланишимиз мумкин,  $U(x, y)$  унар кўриниши ва ўрганилаётган янги  $T(y, y)$  баҳолаш йиғиндиси кўринишига олиб келади:

$$P(y|X) = \frac{\exp(\sum_{k=1}^l U(x_k, y_k) + \sum_{k=1}^{l-1} T(y_k, y_{k+1}))}{Z(X)} \quad (44)$$

$T(y, y)$  – бу матрица ( $nb\_labels, nb\_labels$ ) катталиқда бўлиб, ҳар бир қиймат ўрганиладиган параметр деб қабул қилинади ва  $i$ -меткадан  $j$ -й меткага ўтишни билдиради. Янги ўзгарувчиларни кўриб ўтамиш:

- **Чиқариб ташлаш ёки унар баллар ( $U$ ):** бу баллар  $x_k$  кириш берилганларини инобатга олган ҳолда  $y_k$  бўлиш эҳтимоллигини белгилайди.
- **Ўтиш кўрсаткичи ( $T$ ):** бу кўрсаткич  $y_k$  дан кейин  $y_{k+1}$  кетмакетликда келиш эҳтимоллигини белгилайди.
- **Тақсимот функцияси ( $Z$ ):** нормаллаштириш коэффициенти бўлиб, охирги босқичда эҳтимолликни аниқлаш учун қўлланилади.

Демак, тақсимот функцияси  $Z$  ни аниқлаш қолди:

$$Z(X) = \sum_{y'_1} \sum_{y'_2} \dots \sum_{y'_k} \dots \sum_{y'_l} \exp(\sum_{k=1}^l U(x_k, y'_k) + \sum_{k=1}^{l-1} T(y'_k, y'_{k+1})) \quad (45)$$

$Z(X)$  ҳисоблаш мураккаблиги кўриниб турибди, унда жуда қўп цикллар ичма-ич жойлашган. Бу сумма ҳар бир вақт кесимида бўлиши мумкин бўлган барча комбинациялар йиғиндиси. Аниқроғи, меткалар тўплами устида  $\ell!$  (факториал) ҳисоблаш лозим бўлади. Бу вақт борасида мураккабликка  $O(\ell! |Y|^2)$  олиб келади.

Бу борада самарали натижа олиниши учун рекуррент боғланишни ва динамик дастурлашни қўллаш мумкин. Ушбу алгоритм бажарилиши кетма-кетлигига қараб тўғри алгоритм ёки тескари алгоритм деб номланади.

Код

Кодни яратишда энг аввал `nn.Module` в `pytorch` дан олинган CRF синфни яратиш билан бошлаймиз, бунда градиентни автоматик кузатиш имкони берилади.

Махсус чекланишлар қўйиб тўлиш чегараси бўйича ҳаракатни аниқлаш имконини беради.

```
import torch
```

```

from torch import nn
class CRF(nn.Module):
    """
    Linear-chain Conditional Random Field (CRF).

    Args:
        nb_labels (int): number of labels in your tagset, including special
            symbols.
        bos_tag_id (int): integer representing the beginning of sentence
            symbol in
                your tagset.
        eos_tag_id (int): integer representing the end of sentence symbol in
            your tagset.
        batch_first (bool): Whether the first dimension represents the batch
            dimension.
    """

    def __init__(
        self, nb_labels, bos_tag_id, eos_tag_id, batch_first=True
    ):
        super().__init__()
        self.nb_labels = nb_labels
        self.BOS_TAG_ID = bos_tag_id
        self.EOS_TAG_ID = eos_tag_id
        self.batch_first = batch_first
        self.transitions = nn.Parameter(torch.empty(self.nb_labels,
                                                self.nb_labels))
        self.init_weights()
    def init_weights(self):
        # initialize transitions from a random uniform distribution between -
        # 0.1 and 0.1
        nn.init.uniform_(self.transitions, -0.1, 0.1)
        # enforce constraints (rows=from, columns=to) with a big negative
        # number
        # so exp(-10000) will tend to zero

```

```

# no transitions allowed to the beginning of sentence
self.transitions.data[:, self.BOS_TAG_ID] = -10000.0
# no transition alloed from the end of sentence
self.transitions.data[self.EOS_TAG_ID, :] = -10000.0

```

### 2.3.2. Йўқотиш функцияси моҳияти

Тасниф масаласининг асосий моҳияти ўрганиш давомидаги хатоликни минималлаштиришдир.  $L$  йўқотиш функциясини аниқлаб амалга оширишимиз мумкин, бунда кириш маълумотлари сифатида башорат натижалари ва аниқ кўрсатмаларни қабул қиласи, сўнгра улар тенг бўлса нолни, агар тенг бўлмаса хатоликни билдиради.

Эътибор беринг,  $P(\mathbf{y} | \mathbf{X})$ ни ҳисоблаш, яъни айнан уни максималлаштириш керак бўлади. Бу масалани минималлашув кўринишга келтириш учун эҳтимолликнинг тескари логарифмини оламиз.

Эҳтимолликнинг логарифмик тескари йўқотииш функцияси каби маълум (*NLL-Loss*). Бизнинг мисолда бу қуйидаги кўринишда бўлади:  $L = -\log(P(\mathbf{y} | \mathbf{X}))$ . log-функциясини қўллаган ҳолда  $\log(a/b) = \log(a) - \log(b)$ , қуйидаги ифодани оламиз:

$$\begin{aligned}
-\log(P(\mathbf{y} | \mathbf{X})) &= -\log\left(\frac{\exp(\sum_{k=1}^l U(x_k, y_k) + \sum_{k=1}^{l-1} T(y_k, y_{k+1}))}{Z(\mathbf{X})}\right) = \\
&\quad \log(Z(\mathbf{X})) - \\
\log(\exp(\sum_{k=1}^l U(x_k, y_k) + \sum_{k=1}^{l-1} T(y_k, y_{k+1}))) &= \log(Z(\mathbf{X})) - \\
(\sum_{k=1}^l U(x_k, y_k) + \sum_{k=1}^{l-1} T(y_k, y_{k+1})) &= Z_{\log}(\mathbf{X}) - (\sum_{k=1}^l U(x_k, y_k) + \\
&\quad \sum_{k=1}^{l-1} T(y_k, y_{k+1})) \quad (46)
\end{aligned}$$

Бунда  $Z_{\log}$  ҳисоблашлар  $\log$  функциясидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Бу алгоритмни кейинчалик қўллашда бизнинг масалани ечимини осонлаштиради. Бунинг учун код кўриниши қандай бўлишини кўриб ўтамиз:

```
def forward(self, emissions, tags, mask=None):
    nll = -self.log_likelihood(emissions, tags, mask=mask)
    return nll
def log_likelihood(self, emissions, tags, mask=None):
    """Compute the probability of a sequence of tags given a sequence of
    emissions scores.
```

Args:

emissions (torch.Tensor): Sequence of emissions for each label.  
Shape of (batch\_size, seq\_len, nb\_labels) if batch\_first is True,  
(seq\_len, batch\_size, nb\_labels) otherwise.

tags (torch.LongTensor): Sequence of labels.

Shape of (batch\_size, seq\_len) if batch\_first is True,  
(seq\_len, batch\_size) otherwise.

mask (torch.FloatTensor, optional): Tensor representing valid  
positions.

If None, all positions are considered valid.

Shape of (batch\_size, seq\_len) if batch\_first is True,  
(seq\_len, batch\_size) otherwise.

Returns:

torch.Tensor: the log-likelihoods for each sequence in the batch.

Shape of (batch\_size,)

"""

```
# fix tensors order by setting batch as the first dimension
```

```
if not self.batch_first:
```

```
    emissions = emissions.transpose(0, 1)
```

```
    tags = tags.transpose(0, 1)
```

```
if mask is None:
```

```
    mask = torch.ones(emissions.shape[:2], dtype=torch.float)
```

```
scores = self._compute_scores(emissions, tags, mask=mask)
```

```
partition = self._compute_log_partition(emissions, mask=mask)
```

```
return torch.sum(scores - partition)
```

Түғри ечим – бу *NLL* үйқотии функцияси бўлиб, оддий *log\_эҳтимоллик* функциясидан олдин минус белгисини қўямиз. *Log\_эҳтимоллик* функциясининг ўзи бошланғич натижаларни баҳолаш, *log* кетма-кетлиги ҳисоблаш усулини аниқлайди.

```
input = [['lorem', 'ipsum', 'dolor', 'sit', 'amet'],
         ['another', 'sentence', 'here', '<pad>', '<pad>']]
mask = [[1, 1, 1, 1, 1],
        [1, 1, 1, 0, 0]]
```

Ифода сурат қисмини ҳисоблаш: натижалар

Биз *log* ни *exp* га нисбатан қўллаганимиз сабабли, бу сурат қўриниш ҳисобланади- яъни ҳар бир вақт оралиғида кўрсаткичлар ва ўзгаришлар йиғиндиси ҳисобланади.

```
def _compute_scores(self, emissions, tags, mask):
```

Args:

```
    emissions (torch.Tensor): (batch_size, seq_len, nb_labels)
    tags (Torch.LongTensor): (batch_size, seq_len)
    mask (Torch.FloatTensor): (batch_size, seq_len)
```

Returns:

```
    torch.Tensor: Scores for each batch.
```

```
    Shape of (batch_size,)
```

```
"""
```

```
batch_size, seq_length = tags.shape
scores = torch.zeros(batch_size)
# save first and last tags to be used later
first_tags = tags[:, 0]
last_valid_idx = mask.int().sum(1) - 1
last_tags = tags.gather(1, last_valid_idx.unsqueeze(1)).squeeze()
# add the transition from BOS to the first tags for each batch
t_scores = self.transitions[self.BOS_TAG_ID, first_tags]
# add the [unary] emission scores for the first tags for each batch
# for all batches, the first word, see the correspondent emissions
# for the first tags (which is a list of ids):
```

```

# emissions[:, 0, [tag_1, tag_2, ..., tag_nblabels]]
e_scores = emissions[:, 0].gather(1,
first_tags.unsqueeze(1)).squeeze()
    # the scores for a word is just the sum of both scores
    scores += e_scores + t_scores
    # now lets do this for each remaining word
    for i in range(1, seq_length):
        # we could: iterate over batches, check if we reached a mask
symbol
        # and stop the iteration, but vecotrizing is faster due to gpu,
        # so instead we perform an element-wise multiplication
        is_valid = mask[:, i]
        previous_tags = tags[:, i - 1]
        current_tags = tags[:, i]
        # calculate emission and transition scores as we did before
        e_scores = emissions[:, i].gather(1,
current_tags.unsqueeze(1)).squeeze()
        t_scores = self.transitions[previous_tags, current_tags]
        # apply the mask
        e_scores = e_scores * is_valid
        t_scores = t_scores * is_valid
        scores += e_scores + t_scores
    # add the transition from the end tag to the EOS tag for each batch
    scores += self.transitions[last_tags, self.EOS_TAG_ID]
return scores

```

Ушбу кодни тушуниш учун тўплам ичидағи барча ҳолатлар учун амаллар бир хил деб қабул қилиш керак. Демак, ҳар бир тўплам учун биринчи сўз теги `tags[:, 0]` юклатилади. Худди шундай вақт қадамлари бўйича йифиндини ҳисоблаб узунликни аниқлаймиз, бу эса олдинги мисол бўйича [5, 3] қийматда бўлиши мумкин. Амалда факториал кўрсаткичли кўринишда формой (`batch_size,`) бўлиши мумкин. Масалан, 28 сатрга эътибор қаратсак:

`emissions[:, 0].gather(1, first_tags.unsqueeze(1)).squeeze()`

1. Энг аввал бошланғич вақт оралиғидан барча кетма-кетликларни `emissions[:, 0]` оламиз, бунда тензор (`batch_size, nb_labels`) күринишида қайтарилади.

2. Сүнгра `LongTensor first_tags` да жойлашган барча устун (`dim=1`) қийматларини оламиз, улар (`batch_size,`) күринишида бўлади. `Emissions` күриниши 2D-матрица бўлганлиги сабабли, биз сўнгги ўлчамни `first_tags` шундай олишимиз керакки, натижа(`batch_size, 1`): `first_tags.unsqueeze(1)` күринишида бўлсин.

3. Кейинги қадам, икки күриниш ҳам бир хиллигини инобатга олиб, `gather` функциясини қўллаган ҳолда `first_tags` таркибидан белгиланган ўлчамда танловларни олиш мумкин: `emissions[:, 0].tanlash(1, first_tags.unsqueeze(1))`

4. Натижада (`batch_size, 1`) күринишидаги матрицага эга бўламиз ва уни қисқартирган ҳолда 1D `LongTensor`га эришамиз.

Бу содда процедура кодларда берилган ўлчамда кўрсаткичларни гурухлаш учун қўлланилади.

Бу код борасида сўнгги изоҳ сифатида шуни айтиш лозимки, тўлдириш символи билан боғлиқ кўрсаткичларни инобатга олмаган ҳолда қўйидаги амални бажариш керак бўлади: икки вектор элементарларини ўзаро кўпайтирган ҳолда 0 гача етказамиз ва вақт оралиғи ўтиш вазифасини бажаради.

Тақсимлаш функциясини ҳисоблаш: тўғри алгоритм

Демак, етарлича баллар ҳисоблангандан сўнг, маҳраж қисмига эътиборни қаратамиз. Тақсимлаш функциясини самарали ҳисоблаш учун тўғри алгоритмни қўллаймиз. Қўйида уни *log* соҳада ҳисоблашни қисқача кўриб ўтамиз.

Тўғри алгоритмнинг кодли күриниши кўриб ўтамиз:

1) ҳар бир  $y_2'$  қийматларини инициаллаштириш:

$$\alpha_1(y_2') = \sum_{y_1'} \exp(U(x_i, y_1') + T(y_1', y_2')) \quad (47)$$

2) барча  $y_{k+1}'$  қийматлар учун  $k=2$  дан  $\ell-1$  гача ҳисоблаш, (log-space):

$$\log(\alpha_k(y'_{k+1})) = \log \sum_{y'_k} \exp(U(x_k, y'_k) + T(y_k, y_{k+1}) + \log(\alpha_{k-1}(y'_k))) \quad (48)$$

3) энг охири,:

$$Z(X) \log \sum_{y'_l} \exp(U(x_l, y'_l) + \log(\alpha_{k-1}(y'_k))) \quad (49)$$

Шуни таъкидлаш лозимки, 2-қадамда  $\exp$  кетма-кетликлар ийғиндисини оламиз. Жорий хисоблашда  $y'_k$  қиймати жуда катта бўлса, экспонента жуда йирик сонгача ошиши мумкин. Энг аввал кетма-кетлик охиридан олиб борамиз ва тўлиб кетиш муаммосини олдини оламиз бу амал барқарорлигини қуидагича амалга оширамиз:

$$\log \sum_k \exp(z_k) = \max(z) + \log \sum_k \exp(z_k - \max(z)) \quad (50)$$

Чап томондаги ифода ўнг томондагига тенглигини қуидаги исботлайди:

$$\begin{aligned} &= \log \text{sum}(\exp(z_k)) \\ &= \log \text{sum}(\exp(z_k - c) * \exp(c)) \\ &= \log \exp(c) + \log \text{sum}(\exp(z_k - c)) \\ &= c + \log \text{sum}(\exp(z_k - c)) \end{aligned}$$

PyTorch алгоритми ёрдамидаги код келтирилади:

```
def _compute_log_partition(self, emissions, mask):
```

```
    """Compute the partition function in log-space using the forward-
algorithm.
```

Args:

emissions (torch.Tensor): (batch\_size, seq\_len, nb\_labels)

mask (Torch.FloatTensor): (batch\_size, seq\_len)

Returns:

torch.Tensor: the partition scores for each batch.

Shape of (batch\_size,)

"""

```
batch_size, seq_length, nb_labels = emissions.shape
# in the first iteration, BOS will have all the scores
alphas = self.transitions[self.BOS_TAG_ID, :].unsqueeze(0) +
emissions[:, 0]
for i in range(1, seq_length):
    alpha_t = []
    for tag in range(nb_labels):
        # get the emission for the current tag
        e_scores = emissions[:, i, tag]
        # broadcast emission to all labels
        # since it will be the same for all previous tags
        # (bs, nb_labels)
        e_scores = e_scores.unsqueeze(1)
        # transitions from something to our tag
        t_scores = self.transitions[:, tag]
        # broadcast the transition scores to all batches
        # (bs, nb_labels)
        t_scores = t_scores.unsqueeze(0)
        # combine current scores with previous alphas
        # since alphas are in log space (see logsumexp below),
        # we add them instead of multiplying
        scores = e_scores + t_scores + alphas
        # add the new alphas for the current tag
        alpha_t.append(torch.logsumexp(scores, dim=1))
    # create a torch matrix from alpha_t
    # (bs, nb_labels)
    new_alphas = torch.stack(alpha_t).t()
    # set alphas if the mask is valid, otherwise keep the current values
    is_valid = mask[:, i].unsqueeze(-1)
    alphas = is_valid * new_alphas + (1 - is_valid) * alphas
# add the scores for the final transition
```

```

last_transition = self.transitions[:, self.EOS_TAG_ID]
end_scores = alphas + last_transition.unsqueeze(0)
# return a *log* of sums of exps
return torch.logsumexp(end_scores, dim=1)

```

Юқорида келтирилган код бағолаш құрсаткичини аниқлаш амалига жуда үхшаш бўлиб, аслида эса, биз уларни олдинги терациясига қараб йиғиб борамиз. Фақат битта сатр биз учун янгилик:

\* alphas = is\_valid \* new\_alphas + (1 – is\_valid) \* alphas: бу сатрдаги кодда биз alpha жорий қийматини то үтиш қисмига етмагунча янгисига ўзгартирамиз. Үтиш позициясига етганда ўз ҳолиша сақлаймиз. Буни қуйидаги мисолда  $i=1$  вакт оралиғида ишлаш кўринишида келтирилган:

```

>>> mask
tensor([[1., 0., 0.],
        [1., 1., 0.],
        [1., 1., 1.]])  
  

>>> alphas
tensor([[-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117],
        [ 1.0372,  1.8366, -0.9350, -1.2656, -0.5815],
        [ 0.1011,  0.7373,  0.0929, -0.8695,  0.7016]])  
  

>>> new_alphas
tensor([[11.1889, 10.6471, 11.0028, 11.0248, 11.0909],
        [10.3975, 11.0104, 8.5674, 10.2359, 13.9150],
        [10.1440, 9.9298, 11.3141, 10.1534, 10.3397]])  
  

>>> is_valid = mask[:, 1].unsqueeze(-1)  

>>> is_valid
tensor([[0.],
        [1.],
        [1.]])  
  

>>> is_valid * new_alphas + (1 – is_valid) * alphas
tensor([-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117],  

        [-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117],  

        [-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117],  

        [-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117],  

        [-0.7389, -0.6433, -0.0571, -0.3587, -2.1117])

```

[10.3975, 11.0104, 8.5674, 10.2359, 13.9150],  
[10.1440, 9.9298, 11.3141, 10.1534, 10.3397]])

Биз 2- ва 3- кетма-кетликни янгиладиқ, бирок 1-ни ўзгармас қолдирдиқ, сабаби timestep  $i=1$  да биз ўтиш позициясига эришдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, logsumexp қўлланилганда лог-муҳитга ўтилади, шунинг учун баҳолар тўпламига alpha ни қўшиб қўйишнинг ўзи етарли. Ва сўнгидаги яна бир logsumexp амалини олиб сўнгидаги охирги қийматларни қайтариш имконини олишимиз мумкин.

Энг самарали кўрсаткич кетма-кетлигини аниқлаш:

Тақсимлаш функцияси аниқлагандан сўнг, тескари алгоритмни ҳисобласак, яъни кетма-кетликни тескари кесишиши аниқланганлик натижасида  $P(y_k | X)$  ни ҳар  $k$  қадамда максималлаштириш кўрсаткичини аниқлаш мумкин. Агар CRF тақсимот тўғри деб қабул қилинган ҳолат учун оптималь ечим ифодасини қўйида келтириш мумкин:

$$P(y_k | X) = \frac{\exp(U(x_k, y_k) + \log(\alpha_{k-1}(y_k)) + \log(y_k(\beta_{k+1})))}{\sum_{y'_k} \exp(U(x_k, y'_k) + \log(\alpha_{k-1}(y'_k)) + \log(\beta_{k-1}(y'_k)))} \quad (51)$$

Бунда  $\alpha$  баҳолаш тўғри алгоритмда аниқланади  $\beta$ -баҳолаш эса тескари алгоритмдан. Шунинг учун энг самарали  $y^*$  кетма-кетликларини аниқлаш учун ҳар бир қадамда argmax ҳисобланади:

$$y^* = \text{argmax}_k P(y_k | X) \quad (52)$$

$$y_{k1}, y_2, \dots, y_l$$

```
def decode(self, emissions, mask=None):
```

```
    """Find the most probable sequence of labels given the emissions
using
```

the Viterbi algorithm.

Args:

emissions (torch.Tensor): Sequence of emissions for each label.

Shape (batch\_size, seq\_len, nb\_labels) if batch\_first is True,

(seq\_len, batch\_size, nb\_labels) otherwise.

mask (torch.FloatTensor, optional): Tensor representing valid positions.

- If None, all positions are considered valid.
- Shape (batch\_size, seq\_len) if batch\_first is True,
- (seq\_len, batch\_size) otherwise.

Returns:

- torch.Tensor: the viterbi score for the for each batch.
- Shape of (batch\_size,)
- list of lists: the best viterbi sequence of labels for each batch.

"""

if mask is None:

```
    mask = torch.ones(emissions.shape[:2], dtype=torch.float)
    scores, sequences = self._viterbi_decode(emissions, mask)
    return scores, sequences
```

def \_viterbi\_decode(self, emissions, mask):

"""Compute the viterbi algorithm to find the most probable sequence of labels

given a sequence of emissions.

Args:

- emissions (torch.Tensor): (batch\_size, seq\_len, nb\_labels)
- mask (Torch.FloatTensor): (batch\_size, seq\_len)

Returns:

- torch.Tensor: the viterbi score for the for each batch.
- Shape of (batch\_size,)
- list of lists of ints: the best viterbi sequence of labels for each batch

"""

```
batch_size, seq_length, nb_labels = emissions.shape
# in the first iteration, BOS will have all the scores and then, the max
alphas = self.transitions[self.BOS_TAG_ID, :].unsqueeze(0) +
emissions[:, 0]
backpointers = []
for i in range(1, seq_length):
```

```

alpha_t = []
backpointers_t = []
for tag in range(nb_labels):
    # get the emission for the current tag and broadcast to all labels
    e_scores = emissions[:, i, tag]
    e_scores = e_scores.unsqueeze(1)
    # transitions from something to our tag and broadcast to all
batches
    t_scores = self.transitions[:, tag]
    t_scores = t_scores.unsqueeze(0)
    # combine current scores with previous alphas
    scores = e_scores + t_scores + alphas
    # so far is exactly like the forward algorithm,
    # but now, instead of calculating the logsumexp,
    # we will find the highest score and the tag associated with it
    max_score, max_score_tag = torch.max(scores, dim=-1)
    # add the max score for the current tag
    alpha_t.append(max_score)
    # add the max_score_tag for our list of backpointers
    backpointers_t.append(max_score_tag)
# create a torch matrix from alpha_t
# (bs, nb_labels)
new_alphas = torch.stack(alpha_t).t()
# set alphas if the mask is valid, otherwise keep the current values
is_valid = mask[:, i].unsqueeze(-1)
alphas = is_valid * new_alphas + (1 - is_valid) * alphas
# append the new backpointers
backpointers.append(backpointers_t)
# add the scores for the final transition
last_transition = self.transitions[:, self.EOS_TAG_ID]
end_scores = alphas + last_transition.unsqueeze(0)
# get the final most probable score and the final most probable tag
max_final_scores, max_final_tags = torch.max(end_scores, dim=1)

```

## Витерби алгоритми

Демак, энг эҳтимолли қўрсаткичлар кетма-кетлигини аниқлаш учун тескари алгоритмни хисоблаш лозим бўлмайди, чунки тўғри алгоритмда ҳар бир вақт қадами давомида максимал баллни кузатишнинг ўзи етарлидир. Сўнгра тугаганидан кейин max (argmax) амаллари буйича тескари йўналишда балларни максималлаштирувчи кетма-кетликни дешифрлаш мумкин бўлади. Қуидаги код шуни амалга оширади :

```
def decode(self, emissions, mask=None):
```

```
    """Find the most probable sequence of labels given the emissions  
using
```

the Viterbi algorithm.

Args:

emissions (torch.Tensor): Sequence of emissions for each label.

Shape (batch\_size, seq\_len, nb\_labels) if batch\_first is True,  
(seq\_len, batch\_size, nb\_labels) otherwise.

mask (torch.FloatTensor, optional): Tensor representing valid  
positions.

If None, all positions are considered valid.

Shape (batch\_size, seq\_len) if batch\_first is True,  
(seq\_len, batch\_size) otherwise.

Returns:

torch.Tensor: the viterbi score for the for each batch.

Shape of (batch\_size,)

list of lists: the best viterbi sequence of labels for each batch.

"""

if mask is None:

```
    mask = torch.ones(emissions.shape[:2], dtype=torch.float)  
    scores, sequences = self._viterbi_decode(emissions, mask)  
    return scores, sequences
```

```
def _viterbi_decode(self, emissions, mask):
```

```
    """Compute the viterbi algorithm to find the most probable sequence  
of labels
```

given a sequence of emissions.

Args:

emissions (torch.Tensor): (batch\_size, seq\_len, nb\_labels)  
mask (Torch.FloatTensor): (batch\_size, seq\_len)

Returns:

torch.Tensor: the viterbi score for the for each batch.

Shape of (batch\_size,)

list of lists of ints: the best viterbi sequence of labels for each batch

"""

batch\_size, seq\_length, nb\_labels = emissions.shape

# in the first iteration, BOS will have all the scores and then, the max  
alphas = self.transitions[self.BOS\_TAG\_ID, :].unsqueeze(0) +  
emissions[:, 0]

backpointers = []

for i in range(1, seq\_length):

alpha\_t = []

backpointers\_t = []

for tag in range(nb\_labels):

# get the emission for the current tag and broadcast to all labels

e\_scores = emissions[:, i, tag]

e\_scores = e\_scores.unsqueeze(1)

# transitions from something to our tag and broadcast to all

batches

t\_scores = self.transitions[:, tag]

t\_scores = t\_scores.unsqueeze(0)

# combine current scores with previous alphas

scores = e\_scores + t\_scores + alphas

# so far is exactly like the forward algorithm,

# but now, instead of calculating the logsumexp,

# we will find the highest score and the tag associated with it

max\_score, max\_score\_tag = torch.max(scores, dim=-1)

# add the max score for the current tag

alpha\_t.append(max\_score)

```

# add the max_score_tag for our list of backpointers
backpointers_t.append(max_score_tag)

# create a torch matrix from alpha_t
# (bs, nb_labels)
new_alphas = torch.stack(alpha_t).t()

# set alphas if the mask is valid, otherwise keep the current values
is_valid = mask[:, i].unsqueeze(-1)
alphas = is_valid * new_alphas + (1 - is_valid) * alphas
# append the new backpointers
backpointers.append(backpointers_t)

# add the scores for the final transition
last_transition = self.transitions[:, self.EOS_TAG_ID]
end_scores = alphas + last_transition.unsqueeze(0)

# get the final most probable score and the final most probable tag
max_final_scores, max_final_tags = torch.max(end_scores, dim=1)

```

Бу алгоритм Витерби алгоритми номи билан маълум. Бу log\_partition функциясида кўллаган тўғри алгоритмга жуда ўхшаш, бирок барча кетма-кетликлар учун доимий баллар ўрнига, максимал балл ва уларни максималлаштирувчи кўрсаткичлар мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, факториал logsumexp ўрнига факториал .Макс ни, яъни максимал ва argmax ни қайтарувчи амални қўлладик.

Буларнинг барчаси сўнгги кўрсаткичларни олиб, тескари кетма-кетликка ўтиш орқали и “argmax” ни аниқлаш ҳисобланади. Айтиб ўтилганлар қуидаги кўриниш кодига эга бўлади:

```

# find the best sequence of labels for each sample in the batch
best_sequences = []
emission_lengths = mask.int().sum(dim=1)
for i in range(batch_size):
    # recover the original sentence length for the i-th sample in the
batch
    sample_length = emission_lengths[i].item()

```

```

# recover the max tag for the last timestep
sample_final_tag = max_final_tags[i].item()
# limit the backpointers until the last but one
# since the last corresponds to the sample_final_tag
sample_backpointers = backpointers[: sample_length - 1]
# follow the backpointers to build the sequence of labels
sample_path = self._find_best_path(i, sample_final_tag,
sample_backpointers)

# add this path to the list of best sequences
best_sequences.append(sample_path)
return max_final_scores, best_sequences

def _find_best_path(self, sample_id, best_tag, backpointers):
    """Auxiliary function to find the best path sequence for a specific
sample.

    Args:
        sample_id (int): sample index in the range [0, batch_size)
        best_tag (int): tag which maximizes the final score
        backpointers (list of lists of tensors): list of pointers with
        shape (seq_len_i-1, nb_labels, batch_size) where seq_len_i
        represents the length of the ith sample in the batch

    Returns:
        list of ints: a list of tag indexes representing the best path
    """

```

```

# add the final best_tag to our best path
best_path = [best_tag]
# traverse the backpointers in backwards
for backpointers_t in reversed(backpointers):
    # recover the best_tag at this timestep
    best_tag = backpointers_t[best_tag][sample_id].item()
    # append to the beginning of the list so we don't need to reverse it
    later
        best_path.insert(0, best_tag)
return best_path

```


Эътибор қилинг, ҳар бир намуна учун backtrace тақорорлаб, ҳар бир вақт қадами учун күрсаткич қўйилган ҳолда best\_path ни бошидан максималлаштиради. Натижада биринчи элемент биринчи күрсаткичга мос келувчи рўйхат ҳосил қилинади.

Барча намуналар учун find\_best\_path амалини бажариш билан ишни тугатамиз.

Хулоса

Агар CRF моделини ишлаб чиқаришда қўлламоқчи бўлсангиз, уни текширишдан ўтказилган ва самарали амалга оширилган кўринишини масалан, pytorch пакетини ёки allennlp кутубхонаси таклиф қилган моделини қўллашни тавсия қилинади.

## 2.4.Регрессион алгоритмлар



83-расм. Регрессион алгоритмлар.

**Энг кичик квадратларнинг доимий регрессияси (OLSR)** – чизиқли регрессия усули бўлиб, модел яратиш асосида номаълум параметрларни баҳоланишидир, бунда кузатилаётган ва башорат қилинган берилганлар ўртасида хатолик квадратлари суммасини минималлаштиради (кузатилаётган қийматлар ва баҳолаётган қийматлар).

**Чизиқли регрессия**- реал қийматларни баҳолашда қўлланилади. (уилар нархи, қўнғироқлар сони, савдо умумий ҳажми ва ҳ.к.), Узлуксиз ўзгарувчи асосида амалга оширилади.

**Логистик регрессия**- дискрет қийматларни баҳолаш учун қўлланилади (иккилик қийматлар, масалан, 0/1, ҳа /йўқ, рост/ ёлғон), эркин ўзгарувчилар асосида амалга оширилади.

**Қадамли регрессия**- токи функциялар бўйича оптимал баллга эришмагунча моделга бирма-бир функцияларни қўшиб боради. Қадамли танлаш тўғри ва тескари йўналишда бирма-бир бажарилиб, ўзгарувчиларни киритиш ва ўчириш амаллари ўзгарувчиларнинг барқарор тўпламига эришилгунча кетма-кет бажарилади.

**Адаптив регрессиянинг кўп омилли сплайни (MARS)** – регрессиянинг мослашувчан усули бўлиб, ноцизиқ муносабатларни ва ўзаро боғланишларни излайди, бу эса ўз навбатида башорат аниқлик кўрсаткичини максималлаштиради. Ушбу алгоритмлар ноцизиқ ҳисобланиб, моделни ноцизиқ шаблонларга мослаштиришни талаб этмайди.

**Тарқоқ диаграммани локал баҳолаш орқали текислаш (LOESS)**- икки ўзгарувчи орасида текис чизиқни танлаш ёки башорат қилинган тўрттагача ўзгарувчилар бўйича текис сиртни танлаш усули. Бунда агар берилганлар чизиқли тақсимотга эга бўлмаса, регрессия усулини қўллашингиз мумкинлигини билдиради. Қўллайдиган регрессия локал-белгиланган регрессия деб номланади. Боғланган ва боғлиқсиз ўзгарувчилар ўртасида ноцизиқ муносабат бўлган ҳолатларда ҳам LOESS ни қўллаш мумкин. Ҳозирги кунга келиб кўпгина алгоритмлар (масалан, тўғри боғланишга эга классик нейрон тармоқ, таянч векторлар машиналари, яқин қўшни берилганлар алгоритмлари ва ҳ.к..) глобал ўрганиш тизимини ҳосил қиласи. Бунда улар глобал йўқотиш функциялари (масалан, сумма квадрати хатолиги)ни қисқартиришда қўлланилади. Локал ўрганиш тизимлари ўрганиш глобал муаммосини бир нечта соддароқ муаммоларга бўлиб чиқади. Глобал усулнинг камчиликларидан бири бу параметрнинг ҳеч қандай қиймати етарлича яқинлашиш кўрсаткичини таъминламайди.

Бирок LOESS ни қўллаш -глобал функцияга яқинлашиш кўрсаткичи альтернативини ҳосил қиласди.

## 2.5.Ансамбль алгоритмлар



**84-расм. Ансамбль алгоритми.**

**Ансамбль усули-** ўрганиш алгоритмлари бўлиб, классификаторлар тўпламини яратади, сўнgra янги берилганларни башорат эҳтимоллиги бўйича таснифлайди. Ансамбльнинг бошланғич усули байес ўртacha усули бўлиб, охиридаги алгоритмлари эса чиқувчи маълумотлар хатоликларини тўғрилаш, суммалаш ва оптималлаштириш ишларини ўз ичига олади.

**Boosting-** алгоритмлар синфи бўлиб, заиф ўқувчиларни кучли ўқувчилар учун стимуллаштиради (яъни аниқ тасниф асосида тўғриловчи классификатор, янги берилганлар учун тахминлар ўрнига аниқ кўрсатмаларни белгилайди). Ансамбльнинг бу усули, жорий ўрганиш алгоритмининг барча моделини башорат қилишда аниқликни ошириш имконини беради. Бу усул дараҳт кетма-кетлиги (тасодифий танлов) учун мос келиб, ҳар бир босқичдаги мақсад бу олдинги дараҳтдаги аниқ хатоликни топиш ҳисобланади. Энг аввал олдиндан тахмин қилиш ва ўрганиш жараёнидаги дисперсияни бартараф этиш

учун қўлланилади. Одатда бир нечта баҳолаш кўрсаткичи асосида умумий башорат қилиш имконини бериб, битта баҳолаш кўрсаткичига нисбатан ишончлиликни оширади (бир нечта заиф ёки ўрта хол предикторларни бирлаштириб битта кучли предиктор яратиш имконини беради).

**Bootstrapped Aggregation** ( Bagging ) –одатда ечим дараҳтида дисперсия кўрсаткичини камайтириш ҳолларда қўлланилади. Асосий ғоя бу ўрганиш танловидан тасодифий танланган берилганлар асосида тўпламларни яратиш бўлиб, ҳар бир тўплам ечимлар дараҳтини ўрганиш учун қўлланилади. Натижада турли моделлар ансамблига эга бўламиз. Турли ечим дараҳтлари бўйича башоратлар ўртача қиймати қўлланилиб, битта ечим дараҳтига нисбатан ишончлироқ ҳисобланади.

**AdaBoost** - қиска ечим дараҳти билан бирга қўлланилиб, биринчи дараҳт яратилгандан сўнг, ҳар бир ўрганиш экземплярда ечим дараҳти унумдорлиги кўрсаткичи аниқлаб олинади ва у асосида кейинги яратиладиган ечим дараҳти ҳар бир ўрганиш экземплярига таъсир даражаси аниқланади. Башорат қилиниши мушкул бўлган берилганлар оғирлик кўрсаткичи катта, осон башорат қилинувчи ҳоллар эса кичик оғирлик кўрсаткичига эга бўлади. Моделлар бирин-кетин яратилиб, уларнинг ҳар бири оғирлик кўрсакичлари коэффициентларни ўрганиш экземпляр учун янгилайди, бу кўрсакичлар кетма-кетликдаги кейинги дараҳт ўрганиш жараёнига таъсир ўтказади. Барча ечим дараҳтлари яратилгандан сўнг, янги берилганлар учун башоратлар қилиниб, ҳар бир дараҳнинг унумдорлигини ўрганиш жараёнидаги кўрсаткич бўйича баҳоланади.

**Йиғилган, умумлаштирилган (аралаштириш)** -конволюция, аралаштириш ва умумлаштириш турли номли бир хил жараён ҳисобланади. Бу процедуralар башорат аниқлигини ошириш учун мўлжалланган бўлиб, бир нечта машинали ўрганиш моделини бирлаштириш ёки комбинациялаш орқали амалга оширилади. Мантиқан бу янги модель ўрганиш жараёнидан ўтувчи ансамблли алгоритмлар бўлиб, икки ва ундан ортиқ моделлар ёки берилганлар тўплами башоратини умумлаштиради.

